R 496
1984/6



ГУЛИСТОН

6
1984

ГБ УзССР
Ж

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари,
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
ўртоқ КОНСТАНТИН УСТИНОВИЧ ЧЕРНЕНКО

Ғайрат ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Юбилей йили қурилиши

Совет Социалистик Республикаларн Иттифоқининг буюк ва бузилмас қардошлиги оиласида тенглар ичра тенг бўлган республикамиз ўзининг 60 йиллигини тантана билан нишонлаш арафасида турибди. Барча совет кишилари каби ўзбек халқи ҳам Ленин партияси раҳбарлиги остида босиб ўтган шонли кураш ва ғалабалар йўлига ғурур ва қувоич билан назар ташлайди.

Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида феодализмдан ривожланган социализм жамияти сари, ишлаб чиқаришнинг патриархал усулидан социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари томон, ярим ҳунармандчилик устахоналаридан ёнилғи-энергетика гигантлари ва агросаноат комплекслари, замонавий машинасозлик, электрон ва электр-техника саноати сари қудратли одимлар ташлади. Камбағаллашган деҳқон хўжаликларидан иборат бўлган ўлка юксак даражада механизмлашган, иқтисодий жиҳатдан бақувват республикага, совет пахтачилигининг асосий базасига айланди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 6 (412)
Июнь
1984

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», 1984 йил

Қўрғончалар ўрнида турли хил маданий ва маиший хизмат шохобчаларидан иборат шаҳар типидаги замонавий қишлоқлар қад кўтарди. Бир вақтлар йўлсизлик аҳолига ноқулайлик туғдирган ўлкада ўтказилган замонавий автомобиль йўллари эндиликда барча колхозлар, совхозлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни бирлаштириб турибди.

Ҳозирги пайтда республикамизда бир кун ичида миллионлаб куб-метр газ, 400 миллион киловатт-соатга яқин электр энергияси, қарийб 20 минг тонна минерал ўғит, 65 трактор, 26 пахта терадиган машина, 107 минг жуфт пойафзал, 1 миллион 151 минг погон метр ҳажмида чит-газлама ишлаб чиқарилади. Бизнинг шонли пахтакорларимиз рекорд ҳосил етиштираётирлар ва пахта ишлаб чиқариш бўйича олти миллион тонналик маррани аллақачон ортда қолдирдилар.

Буларнинг барчаси иттифоқдош республикалар меҳнаткашларининг ва биринчи галда улуғ рус халқининг қардошларча беғараз ёрдами, барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг истиқболни кўзлаган доно сиёсати самарасидир.

Республикамизда ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг асоси бўлган капитал қурилиши катта миқёс ва юксак суръат касб этганлиги билан муҳим аҳамиятга молик. Масалан, кейинги 13 йил ичида [тўққизинчи, ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида] то шунгача республика халқ хўжалиги тараққиётига сарфланганидан кўра бир ярим баравар кўп капитал маблағ сарфланди.

Республика қурилишларида Иттифоқимизнинг буюк қардошлиги ёрқин намоён бўлаётир. Масалан, Тошкент метрополитени иншоотида, халқ учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган филиалларда, электр энергетикаси ҳамда пахтачилик учун қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб берадиган гигант корхоналарда Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрининг, инқилоб бешиги бўлган Ленинграднинг, Украина, Белоруссия, Москва областининг, барча иттифоқдош республикаларнинг кўплаб саноат корхоналари ва ташкилотлари коллективлари иштирок этаётир.

Ўзбекистон қурувчилари ҳам қардошлар олдидаги бурчларини шараф билан ўтамоқдалар. Ҳозирги пайтда республикамиз вакиллари Ноқоратупроқ ўлкасининг Иваново, Новгород ва Владимир областларида совхозлар қуриб, ерлар ўзлаштирмоқдалар, Тюмень областида автомобиль йўлларн ўтказмоқдалар, аср қурилиши деб ном олган БАМда меҳнат қилмоқдалар.

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини дастуриламал деб билган республикамиз партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари капитал харажатлардан оқилона фойдаланиш, капитал қурилишдаги муваффақиятларни таъмин этиш йўлида изчил иш юритмоқдалар.

Маълумки, янги ишлаб чиқарувчи қувватлар ва объектларни ўз вақтида ишга тушириш, ниҳоясига етказилмаган қурилишлар сонини камайтириш орқали капитал сарф-харажатлар самарадорлиги юзага чиқади. Фақат ана шу икки жиҳат таҳлилининг ўзиёқ республикада ижобий тенденциялар қатъий суратда қарор топганлигидан далолат бера олади. Ҳар бир беш йилликда белгиланган барча ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлар асосан ишга туширилиши, капитал харажатлар бўйича планлар бажарилиши табиий ҳодиса бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси ва республика ҳукумати шунга эришдиларки, объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш ва планни бажариш учун кураш пудратчи ташкилотлар ва буюртмачиларнинг, планлаштириш ва таъминот органлари фаолиятининг бош йўналишига айланди. Қурувчилар ўз эътиборларини асосан ишга тушириладиган объектларга қаратадилар, капитал харажатларни планлаштириш пайтида эса пудратчи ташкилотларнинг имкониятлари иложи борича мукаммал тарзда инобатга олинади.

Ун биринчи беш йилликнинг уч йили мобайнида амалга оширилган тадбирлар натижасида республикада электр станцияларида 780 минг киловатт қувватга эга бўлган энергоблоклар, узунлиги 4 минг километрдан зиёд электр узатгич линиялари, 900 минг тонна аммиак, 1 минг тонна сульфат кислотаси, минг дона трактор, миллионлаб метр тайёр газлама, 1,5 миллион жуфт пойафзал, суткасига 211,8 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳисобига 17,6 миллион квадрат-метр уй-жой, 331,5 минг ўринга эга бўлган мактаблар, 94 минг ўринли болалар боғчалари, 13,4 минг ўринли шифохоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Республикада замонавий регионал Қурилиш комплекси ташкил этилганлиги ва муваффақият билан ишлаётганлиги, қисқа муддатларда йирик саноат корхоналари қуриш борасида бой тажриба тўпланганлиги биз эришаётган ютуқларнинг муҳим омилидир. Етарли даражада қудратли бўлган қурилиш ва монтаж министрликлари, бирлашма ва трестлар, қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси саноати корхоналари, лойиҳа ташкилотлари ана шу Қурилиш комплекси составига киради. Комплекснинг ўз кучи билан ҳар йили 3,3 миллиард сўмликдан зиёд пудрат қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 5 миллион 65 минг куб-метр ҳажмида йиғма темир-бетон, бир неча миллион тонна цемент, 96 минг тонна металл конструкциялари ишлаб чиқарилади. Комплекс ихтиёридаги ҳар бир ташкилот ўз куч ва имкониятларини умумий мақсадни амалга оширишдек катта вазифаларга сафарбар этиш натижасида мазкур ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ортиб бораётир.

Айниқса, Озиқ-овқат программасини бажариш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида Қурилиш комплекси орттирган иш тажрибалари диққатга сазовордир. Саноат ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни кенгайтириш, таъмирлаш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик шаҳарларда, район марказларида ва ишчи кучлари ортиқча бўлган йирик қишлоқ аҳоли пунктларида корхоналарнинг филиалларини қуриш масаласи республикада бу борадаги ишларнинг асосий йўналиши бўлиб қолаётир.

Барча саноат корхоналарини қуриш ва уларнинг филиалларини барпо этиш Қурилиш министрлиги ҳамда Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги зиммасига юклатилган, бундан ташқари, филиалларни қуриш ишларига Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитети, Совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармаси, Колхозлар қурилиши Ўзбекистон бошқармаси жалб этилган. Уз соҳасидаги филиаллар иншоотларини бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ҳуқуқи асосида Ўзбекис-

тон ССР Автомобиль йўллари қурилиши министрлиги автомобиль йўлларини, Ўзбекистон ССР Энергетика министрлиги электр узатгич линияларини ва электр подстанцияларини, Бутуниттифоқ Ўзбекистон Газ саноати қурилиши [«Союзузбекгазстрой»] бирлашмаси, Нефть ва газ саноати қурилиши Бош бошқармаси [«Главсредазнефтегазстрой»] газ қувурларини ўтказадилар.

Сўнгги уч йил давомида республикада 50 дан зиёд турли хил халқ хўжалиги тармоқларининг филиалларни шундай усулда қурилиб, уларда қишлоқ жойларида илгари банд бўлмаган 25 мингга яқин киши меҳнат қилаётир. Бу катта снёсий ва социал аҳамиятга молиқ тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ жойларида ишчилар синфи сафлари кенгайишига хизмат қилаётир. Вужудга келтирилган ҳар бир филиал, бу — замонавий корхона бўлиб, у зарур инженерлик қурилмалари ва илғор технология тармоқларига эга, ҳар бирининг ишлаб чиқариш майдони 20—25 минг квадрат метрдан зиёддир. Куч ва имкониятлар марказлаштирилганлиги туфайли ана шундай қурилишлардан ҳар бири, одатда, нормадаги икки йил ўрнига бир йилга етмай барпо этилаётир.

Албатта, меҳнат коллективлари, қурилиш ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг қимматли тажрибалари, илмий-техника тараққиётининг, хўжалик юритишнинг бригада усули ва бригадаларараро сиғғалувчи пудрат усулини жорий этиш капитал қурилишда муҳим резерв ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Декабрь пленуми талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат унумдорлигини бир процентга ошириш ва қурилиш таннархини ярим процентга камайтириш кўрсаткичларини ошириб бажаришга алоҳида эътибор берилаётир.

1984 юбилей йилида республика қурувчилари ва монтажчилари олдида янада масъулиятли вазифалар турибди. Молия таъминотининг ҳамма манбалари ҳисобига 6 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ ўзлаштириш лозим. Қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший аҳамиятга молиқ бир қатор объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши керак. 2-Ангрен ГРЭСининг биринчи энергоблоки, Ташхатош ГРЭСи ва Муборак ТЭЦининг янги қувватлари, 350 километр узунликдаги электр узатгич линиялари шулар жумласидандир. Қора ва рангли металлургия соҳасида В. И. Ленин номли Ўзбекистон Металлургия заводида Стан—300ни, ломни қайта ишлаб чиқарувчи Нукус цехини ҳамда Олмалиқ Кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон Қаттиқ эрувчи ва ўтга чидамли металлар комбинатида, Тошкентдаги Рангли металлни иккиламчи қайта ишлаш [«Вторцветмет»] заводида янги қувватларни ниҳоясига етказиш ва ишга тушириш вазифаси турибди. Кимё саноатини, минерал ўғитлар, ўсимликни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ва улар учун хом ашё ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш йўл-йўриқлари белгиланган. Самарқанд ва Янгиқўқон кимё заводларида фосфат ўғити ишлаб чиқариш, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида карбамид ва дефолнантлар ишлаб чиқариш бўйича қувватларни фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларида, Жиззахдаги Аккумулятор заводи ҳамда Ўрта Осиё электр аппаратлари бирлашмасида ҳам янги қувватларни фойдаланишга топшириш лозим. Наримонов шаҳрида Мотор заводи, Андижон областининг Ленин шаҳрида Трактор прицеплари ишлаб чиқарадиган завод қурилишлари давом эттирилади. Енгил саноатда эса Бухоро Тўқимачилик комбинатининг пардозлаш комплекси, 12 жойда, жумладан, Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли ва Беруний, Хоразм областининг Хазорасп ва Боғот, Қашқадарёнинг Яккабоғ, Сурхондарё областининг Жарқўрғон районларида тўқимачилик комбинатларининг филиаллари ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси — республика агросаноат комплексининг асоси бўлиб, қурилиш программасида муҳим ўрин тутади. Мелиявий таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига қарийб 100 минг гектар суғориладиган янги ерлар ўзлаштириш ҳамда илгаридан суғориб келинган 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мўлжалланган. 12,4 миллион бош гўштбоп паррандага ва 250 минг бош товуққа мўлжалланган парандачилик фабрикалари, гўштчилик ва сутчилик йўналишидаги бир қатор чорвачилик комплексларини ишга туширилади.

Аввалгидек, бундан кейин ҳам уй-жой ва коммунал қурилиши катта миқёсларда давом этади. Бу йил 6 миллион 390 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилиши, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхона ва шифохоналар, фан ва маданият муассасалари, коммунал ва маиший хизмат корхоналари тармоғини кенгайтириш мўлжалланган. Республика юбилейига Тошкент метрополитени иккинчи линиясининг «Пахтакор» бекатини темир йўл вокзали билан туташтирувчи биринчи навбатини ишга тушириш мўлжалланаётир.

Бундан ташқари, Поп, Жиззах, Газли ва бошқа жойларда рўй берган зилзила оқибатларини тугатиш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Ана шу ишларда банд бўлган коллективлар қишли-қировли кунлар бошланишига қадар зилзиладан шикаст топган уй-жойларни тиклашлари, уларнинг ўрнига уйлар, бинолар ва иншоотлар барпо этишлари лозим. Зилзиладан зарар кўрган аҳолининг ҳаммаси ҳар тарафлама мустаҳкам бошпана билан таъминланади.

Ана шу кенг кўламли ишларни муваффақиятли амалга ошириш қурилишга раҳбарликни тубдан яхшилашни, техникавий ва ташкилий воситаларнинг бутун имкониятларидан, социалистик мусобақанинг қудратли кучидан тўғри фойдаланишни талаб қилади. Муҳими, кишилар билан ишлашни такомиллаштириб, уларнинг меҳнат ва жамоатчилик фаоллиятини доимий суратда кучайтириб бориш лозим.

Кадрлар капитал қурилишидаги муваффақиятларимизнинг асоси ҳисобланади. Бизда қурилиш ишлаб чиқаришининг билимдон раҳбарлари, истеъдодли ташкилотчилари етишиб чиқди. Малакали қурувчи ва монтажчи ишчиларнинг бутун бир армияси меҳнат қилаётир. Уларни нуқсонларга, кўзбўямачиликка, материалларнинг бузилиши ва талон-тарож қилинишига, меҳнат ва давлат интизомини бузувчиларга нисбатан муросасиз қилиб тарбиялаш керак.

КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети Декабрь (1983 йил) ва навбатдан ташқари Февраль (1984 йил) пленумларининг қарорлари қурилишнинг барча иштирокчиларини капитал харажатлар самарадорлигини кескин суратда кучайтиришга даъват этади. Бунинг учун қурилиш жараёнини бошқаришни янада такомиллаштириш, ишга туширилажак объектларда молиявий, меҳнат ва моддий-техника ресурсларини иложи борича марказлаштириш, уларни ўз пайтида фойдаланишга топшириш ва лойиҳадаги қувватга тезроқ эришилишини таъминлаш даркор. Шунинг учун ҳам республикамизнинг 1984 йилги қурилиш программасида капитал маблағ самарадорлигини оширишга, ҳаракатдаги ишлаб чиқариш объектларини таъмирлаш ва такомиллаштиришга қаратилган йўлни давом эттиришга, янгидан бошланадиган қурилишлар сонини чеклашга алоҳида эътибор берилади. Бу — ниҳоясига етказилмаган қурилиш ҳажмини пландаги нормага қадар қисқартиришни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг 1984 йил Апрель пленумида капитал қурилиш олдига янги вазифалар қўйди. Айниқса, уй-жойларни, шифохоналар ва болалар муассасаларини ўз пайтида қуриб ишга тушириш, капитал қурилиш сифати ва самарадорлигини ошириш, бошқарув ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор жалб этилди.

Республика партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ўзларининг бутун диққат-эътиборларини ишга тушириладиган ҳар бир саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-жой, социал ва маданий-маиший объектларга қаратишлари, уларни маҳаллий меҳнат ресурслари ҳисобидан ишчилар билан таъминлаш ва шу асосда юбилей йили ичидаёқ уларнинг ишга туширилишига эришиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан муносиб кутиб олиш лозим.

Ҳозирги пайтда республика қурилишларида энг масъулиятли давр бошланди ва қулай шароитлар юзага келди. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг талаблари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненконинг кўрсатмалари асосида 1984 йил ва умуман беш йиллик режалари муваффақият билан бажарилишига ишончимиз комил, зеро, бунинг учун зарур барча шарт-шароитлар мавжуд.

Суратда: Қашқадарё область, Кўкдала районидаги «Чорвадор» совхозининг илғор чўпони Бекназар Давлатов ҳамда унинг ўғиллари Алимардон ва Тўрабек.

Н. Шаропов фотоси
(ЎзТАГ)

Пўлат ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси

Мактаб таълими — умумхалқ иши

ЎРИНБОСАРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси — Совет ҳокимияти умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни қандай ҳал этаётганини кўрсатувчи яққол намуна, чинакам демократия намунасидир.

К. У. ЧЕРНЕНКО

Ҳунар-техника таълими мамлакатимизда халқ маорифи ягона системасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бошқа қардош республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ҳунар-техника таълими системаси халқ хўжалигининг барча тармоқларида амалга оширилаётган фан-техника тараққиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда жамият социал-иқтисодий ва сиёсий тараққиётига мувофиқ тарзда юксалмоқда.

Шу нарса табиийки, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг айниқса фан-техника революцияси шароитларида ўсиб бораётган кўлами юксак касб маҳоратига, чуқур умумий таълим ҳамда махсус билимларга эга бўлган малакали ишчи кадрларга зарурат туғдирмоқда.

Бундай ишчи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳамиша Коммунистик партия ва Совет давлатининг диққат марказида бўлиб келди ва бўлиб келаётир. Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 10 апрелда ва СССР Олий Совети 12 апрелда маъқуллаган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» улкан социал сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Марказий Комитетнинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси чоғида якдиллик билан маъқулланди ва қўллаб қувватланди. Лойиҳанинг муҳокамаси социалистик тузумнинг чинакам демократизмини, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини намойиш қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Июнь (1983 йил), Апрель (1984 йил) пленуми дастуриламал кўрсатмаларига мувофиқ белгиланган ислоҳ малакали ишчи кадрлар тайёрлашни янада кенгайтириш ва такомиллаштиришда, ёшларнинг умумий ҳунар таълимига аста-секин ўтишида катта аҳмиятга молик-дир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг доимий эътибори ҳамда жуда катта ғамхўрлиги туфайли ҳунар-техника билим юртларида ўқув-тарбия жараёнлари тобора такомиллашмоқда, уларнинг сони кўпайиб, моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Чунончи, ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина Ўзбекистон ССРда 215 та янги ўқув юрти очилиб, халқ хўжалигига уч юз ҳил касб бўйича ярим миллиондан ортиқ ёш ишчи юборилди. Ун биринчи беш йилликда 700 минг малакали ишчи тайёрлаш кўзда тутилаётир. Ўтган уч йил мобайнида республиканинг ҳунар-техника таълими системасига 102 та билим юрти қўшилди ва у 419 минг ёш ишчини тайёрлаб чиқарди.

Янги ҳунар-техника билим юртларини очишгина эмас, балки оддий ҳунар-техника билим юртларини ўрта ҳунар-техника билим юртларига айлантириш жараёни ҳам муваффақиятли бормоқда, уларда профессионал ва умумий таълимнинг, ўқув-тарбия жараёни билан ёшлар унумли меҳнатининг узвий бирлиги таъминланмоқда. Ун йил муқаддам Ўзбекистонда 23 та ўрта ҳунар-техника билим юрти бўлиб, улардаги ўқувчилар сони 6 минг кишини ташкил қилар эди. Ҳозир эса, бундай билим юртлари 407 та бўлиб, уларда 200 минг киши таълим олаётир.

Партиямизнинг етук социализмни планли суратда ва ҳар томонлама такомиллаштириб бориш, унинг инсонпарварлик табиатини янада тўлароқ намоён этиш — инсоннинг ижодий активлигини янада ошириш сари тутган йўли ҳунар-техника мактаби олдига қўйилаётган талабларни ҳам оширмоқда. Бу ҳол «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу ҳужжат КПСС Марказий Комитети мамлакатимизнинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келаётганлигини кўрсатувчи далилдир.

Мактабни ислоҳ қилиш йўналишларида ҳунар-техника билим юртларида амалга оширилаётган ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма томонлари, шунингдек, улар фаолиятидаги бартараф қилиниши керак бўлган камчиликлар ҳам қараб чиқилган эди. Масалан, ҳунар-техника билим юртларининг ўқув-моддий базаси масаласини олиб кўрайлик. Маълумки, ёш ишчиларни тайёрлаш сифати ана шу базанинг аҳволига боғлиқдир. Бу масалада республикамизда жуда кўп ишлар қилинди. Чунончи, ҳунар-техника билим юртларининг ўқув кабинетларида устахона ва лабораторияларда 4 мингга яқин турли ускуналар ва бошқа техника ўрнатилган, қишлоқ билим юртларида 9000 га яқин трактор ва 2000 та пахта териш машиналари мавжуд.

В. П. Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги Тикувчилик ишлаб

Суратда: Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари бирлашмасида ўрнатилган қурилмалардан бири.



чиқариш бирлашмаси, «Компрессор» заводи, Усмон Юсупов номли Фарғона аграр саноат бирлашмаси, Олмалиқ Кон-металлургия комбинати, «Узбекшахтострой» ва бошқа корхоналар ўз билим юртлари тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилаётирлар. Мазкур корхоналарнинг ва уларга бириктириб қўйилган ҳунар-техника билим юртларининг қўшма тадбирларида билим юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчилар тайёрлашни планлаштириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш масалалари кўзда тутилади. Ҳунар-техника билим юртлари ва таянч корхоналарнинг мустаҳкам алоқаси ўқувчилар таълим-тарбиясининг юксак савияда бўлишига, ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлашга ёрдам бермоқда.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам аҳвол яхши деб бўлмайди. Баъзи корхоналар ўқув юрти эҳтиёж талаблари билан қизиқаётирлар, улар билим юртларига тегишли ускуналар, ўқув қуроллари ажратишда, ўқув юртларида ишлаш учун мутахассис жўнатишда сусткашлик қилаётирлар. Бу таълим сифатига шубҳасиз салбий таъсир кўрсатаётир.

Шуни алоҳида уқтириш лозимки, бу муҳим ҳужжатда белгилаб берилганидек, ҳозирги шароитларда ҳар бир таянч корхона ёки ташкилот устахоналар, цех ва участкалар, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими учун ўқув хўжалиги ташкил этиб, билим юртларига кўпроқ эътибор бериши, уларни янги техника ва механизмлар билан мунтазам равишда жиҳозлаб бориши, ўқувчиларни практика даврида ўқув программаларига мувофиқ иш билан таъминлаши, ишчи кадрлар тайёрлашга ўзининг асосий иши сифатида қарамоғи керак.

Янги типдаги ўрта ҳунар-техника билим юрти таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш учун комплекс биноларга эга бўлмоғи лозим. Афсуски, ўқув юртларимизнинг бир қисми мослашмаган ва етарли шароитга эга бўлмаган биноларга жойлашган. Уларда ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ётоқхоналар, спорт заллари ва ошхоналар йўқ. Шунинг учун ҳам ҳунар-техника таълими объектлари қурилишида кўпгина ишлар қилинмоғи зарур. Масалан, Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги сўнгги йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобига битта ҳам ҳунар-техника билим юрти қургани йўқ. Бир қатор министрлик ва идоралар янги қурилиш ҳамда мавжуд билим юртларини кенгайтириш учун жуда оз миқдорда капитал маблағ ажратаётирлар. Узбекистон ССР қишлоқ қурилиш министрлиги, Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Госкомводстрой ва бошқа пудратчиларнинг айби билан капитал маблағлардан йиллик фойдаланиш 60—65 процентдан ошмаётир. Натижада ўтган беш йилликда ва шу беш йилликнинг уч йили ичида республикада 32 ҳунар-техника билим юрти фойдаланишга топширилмади ва ҳунар-техника таълими системаси 22 минг 450 ўринни кам олди.

Ҳунар-техника билим юртлари қурилиши ва уларни умумий таълим мактаблари билан бир қаторда белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш учун министрликлар, идоралар, корхоналарнинг масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида бу ҳақда жуда тўғри сўз юритилган.

Мактаб ўқувчиларининг касб танлаши, ишчи касбларни пропаганда қилиш масаласи бу муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир. Зотан, келгусида ўрта ҳунар техника билим юртларига кирадиган 9-синфларни битирувчиларнинг сони тахминан икки баравар кўпаяди. Бунда айрим регионлар, шаҳар ва қишлоқларнинг хусусиятлари ҳисобга олинмоғи лозим. Бу ерда оила, ўқитувчи, жамоат ташкилотлари, мактаблар шубҳасиз катта роль ўйнайди. Мактаб ўқувчиларини планли равишда ва собитқадамлик билан ишчи касбини танлашга тайёрлаш, уларнинг қобилиятини тарбиялаш, ихтисосларнинг мазмунини ўқувчилар кўз ўнгида гавдалантириш керак.

Бўлажак идораларо комиссиялар план органлари иштирокида ҳар йили область, район ва шаҳар миқёсида халқ хўжалигининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда малакали ишчилар тайёрлаш йўлларини белгилаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Партия ва ҳукуматимиз ишчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун ҳунар-техника таълими системаси имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни муҳим вазифа қилиб қўйдилар. Шу мақсадларда таълимнинг самарали шакл ва методларини жорий этишни ўз ичига олувчи турли чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Одатда ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасини энг илғор бригада ва звенолар составида — новаторлар, меҳнат ветеранлари раҳбарлигида ўтказиш лозим. Шунингдек, биз педагогик коллективлар, ҳунар-техника таълими ташкилотларининг куч-ғайратини бўлажак ишчиларнинг коммунистик тарбиясини янада яхшилашга, уларда марксча-ленинча дунёқараш, юксак маънавий идеалларни шакллантиришга жалб этаётирмиз. Бунда ижтимоий фанлар ўқитилишини такомиллаштиришга, меҳнат тарбияси самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ижодкор зиёлилари намояндаларининг учрашувида сўзлаган нутқида шундай дейилади:

«Совет мактаби, оила, ижодкор зиёлилар ёш авлодни Ватанга астойдил муҳаббат руҳида, мамлакатимиздаги барча халқлар ўртасида улуғ дўстлик руҳида тарбиялашлари лозим. Шу муносабат билан рус тилининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Айни рус тилини чуқур эгаллаб олиш ҳар бир кишининг сиёсий ва илмий билим доирасини кенгайтиради, дунёнинг эстетик хазинасидан баҳраманд этади, барча совет кишиларини бир-бирига яқинлаштиради ва иноқлаштиради, уларнинг интернационал қардошлигини мустаҳкамлайди». Шунинг учун ҳам ҳунар-техника билим юртларида рус тилини пухта ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ишчилар синфининг ёш авлодини ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини янада юқори поғонага кўтаради, умумдавлат кўламидаги катта тадбир, катта социал-сиёсий аҳамиятга эга воқеа сифатида тарихга киради.

Ҳунар-техника таълими ходимлари республика партия ташкилоти раҳбарлигида бундан кейин ҳам КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш, юксак малакали, маълумотли, сиёсий етук ишчилар синфи ўринбосарларини тайёрлаш учун зарур барча тадбирларни амалга ошираберадилар.

Катта оператор Юрий Солонин ва оператор Нуъмон Мелиқўзиев.



Бирлашманинг бошқарув марказида.

А. Мамбетов фотолари

ДОҲИЁНА ФАЛСАФИЙ АСАР

В. И. ЛЕНИННИНГ «МАТЕРИАЛИЗМ ВА ЭМПИРИОҚРИТИЦИЗМ» АСАРИ НАШР ЭТИЛГАНИГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ.

«Материализм ва эмпириокритицизм. Бир реакцион философия тўғрисида танқидий мулоҳазалар» — улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленинининг йирик фалсафий асарларидан биридир. Большевистик партияни назарий, фалсафий жиҳатдан революцияга тайёрлашда фавқулодда катта аҳамиятга эга бўлган бу асар 1908 йилнинг февраль-октябрь ойларида Женева ва Лондонда ёзилган бўлиб, 1909 йилнинг май ойида Москвада «Звено» нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолда 2 минг нусхада нашр этилган эди. Китобнинг 1917 йилдан то 1967 йилгача СССРда умумий тиражи 5 миллиондан ортиқроқ нусхада босиб чиқарилганлиги ва чет элларда 20 дан ортиқ тилда нашр этилганлиги бу классик асарнинг жаҳоншумул аҳамиятини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Бу асарнинг ёзилиши биринчи рус революцияси (1905—1907 йиллар) мағлубиятга учраган, чириб бораётган империализмнинг синфий зиддиятлари ниҳоятда кескинлашган ва шу туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида буржуа жаҳолатпарастлиги авж олган бир даврга тўғри келди. Бу даврда буржуазия ва чор ҳукумати пролетариатнинг тобора кучайиб бораётган инқилобий ҳаракатини, шу билан бирга Осиё халқлари, миллий-озодлик ҳаракатлари ва шаклланиб келаётган коммунистик ҳаракатни бўғиб ташлашга бор кучи билан уринаётган эди. Шу мақсадда улар ўзларининг бор имкониятларини ишга солдилар, ўз ихтиёрларидаги қуролли кучлар, полиция, идеология муассасалари фаолиятидан буржуазия манфаатлари йўлида зўр бериб фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Реакцион буржуа мафкурачилари, ёзувчилари, тадқиқотчилари ва файласуфлари ишчилар синфининг революцион фани — коммунистлар партиясининг дунёқараши бўлмиш диалектик материализм фалсафасига қарши курашни ғоят кучайтириб юборди. XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида буржуа фалсафаси лагерида марксизм фалсафасига қарши турли оқимлар кўпая бошлади. II Интернационал оппортунистлари, ревизионистлар, реакцион буржуа файласуфлари — эмпириокритиклар, махистлар марксистик фалсафани сохталаштиришга, бузиб кўрсатишга, неокантчилар, махизм, дин, мистика каби ишчилар ҳаракатига бутунлай ёт бўлган ғояларни тарғиб қилишга очиқдан-очиқ киришдилар. Марксизм ва ишчилар синфига қарши бу ҳаракатлар эстетика, санъат ва адабиёт соҳаларига ҳам зарарли таъсирини ўтказди, бу соҳаларда индивидуализм, сиёсий лоқайдлик, рус халқининг илғор инқилобий демократик анъаналаридан воз кечиш майллари кучайиб кетди.

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида қайд этганидек, «ярим йилдан камроқ вақт ичида асосан ва деярли тамомила диалектик материализмга ҳужум қилишга аталиб ёзилган тўрт китоб босилиб чиқди».

Халқаро ишчилар ҳаракати учун ўта хавфли бўлган бундай ревизионистик оқимларни ва уларнинг реакцион моҳиятини фош қилиш, марксизмни ҳимоя қилиш, диалектик материализмнинг асосий масалаларини тушунтириб бериб, табииётдаги энг янги кашфиётларни диалектик материализм нуқтаи назаридан умумлаштириш пролетар партияси назариётчиларининг ўша даврдаги энг долзарб вазифаси эди. Бу вазифаларни В. И. Ленин ўзининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарида шараф билан бажарди. Владимир Ильич бу асарни иложи борича тезроқ босиб чиқариш зарур, деб ҳисоблар эди. «Китобнинг тезроқ чиқиши жуда... муҳим. Менинг адабий вазифаларимгина эмас, балки жиддий сиёсий мажбуриятларимнинг бажарилиши ҳам шу китобнинг чиқишига боғлиқ», деб ёзган эди у. Доҳиймиз ўша даврдаги мавжуд реакцион фалсафий оқимларни ҳар томонлама чуқур ва аёвсиз танқид қилган бу асарини «Бир реакцион философия тўғрисида танқидий мулоҳазалар» деб ҳам атади. Бу хусусда В. И. Ленин мазкур асарнинг сўзбошисида шундай ёзади: «...мен шу мулоҳазаларимда қандайдир ҳаддан ташқари мужмал, чалкаш ва реакцион фикрларни марксизм деб тақдим қилаётган кишиларнинг йўлдан озишлари нимада эканлигини излаб топишни ўзимга вазифа қилиб қўйганман».

Шуни ҳам айтиш керакки, Энгельс вафотидан сўнг — «Материализм ва эмпириокритицизм» асари ёзилган пайтгача ўтган вақт ичида табиатшунослик фанлари соҳасида қўлга киритилган буюк кашфиётлар, яъни рентген нурларининг, радий ва радиактивликнинг кашф этилиши, электроннинг топилиши, нисбийлик назариясининг яратилишидан иборат кашфиётларни доҳий Ленин диалектик материализм нуқтаи назаридан туриб, фалсафий жиҳатдан умумлаштириб берди, физик идеализмнинг реакцион моҳиятини фош қилиб ташлади. Атом сингари электроннинг физик хусусиятлари ҳам битмас-туганмас эканлигини, улар ҳақидаги билимларимиз тобора бойиб боришини доҳиёна исботлаб берди, диалектик материализм очиб қўйган маърифат эшигини кўрмайдиган физик идеализм ва унинг тарафдорлари пировард натижада ташландиққа айланишларини, физикадаги энг янги революция эса муқаррар суратда К. Маркс ва Ф. Энгельс яратиб берган революцион фалсафа томон боришини шундай таърифлади: «Ҳозирги замон физикаси тўлғоқда, у диалектик материализм туғади».

Маълумки, рус махчилари ёки эмпириокритиклари марксизмни ривожлантириш шиори билан майдонга чиққан бўлса ҳам, амалда субъектив идеализм ботқоғига ботиб кетган эдилар. Бу ҳақда В. И. Ленин 1908 йил 12 февралда М. Горькийга ёзган хатида бундай деган эди: «Ҳозирги вақтда «Марксизм философияси очерклари» чиқди. Мен Суворов мақоласидан бошқа (уни ўқимоқдаман) ҳамма мақолаларни ўқиб чиқдим ва ҳар бир мақолани ўқиганимда жуда ҳам ғазабга келиб, тутоқиб кетдим. Йўқ, бу — марксизм эмас! Бизнинг эмпириокритиклар, эмпириомонистлар ва эмпириосимволистларимиз ботқоққа ботиб кетмоқдалар».

Марксизм ниқобига бурканиб олиб, амалда марксизмга қарши кураш олиб бораётган рус махистларига Ленин ана шундай баҳо берган эди.

Эмпириокритицизм субъектив идеализмнинг ўзига хос давоми бўлиб, бу тажриба танқиди ёки «танқидий тажриба» фалсафаси демакдир. Мазкур фалсафа, борлиққа, табиатга, материяга эмас, балки тажрибага, шахснинг сезгиларида гавдаланган ва гўё текширилган тажрибасига таянади. Эмпириокритиклар шахснинг субъективистик тажрибаси асосида ҳаёт ва ижтимоий практикани, материя ва диалектик материализмни рад этмоқчи бўладилар. Шу боисдан доҳий Ленин умуман махчиликни, хусусан рус махчиларини фалсафий-идеологик жиҳатдан тор-мор этар экан, революцион таълимотнинг асоси ҳам, мақсади ҳам, мезони ҳам, истиқболи ҳам ҳаёт ва ижтимоий практика эканлигини равшан ёритиб берди.

Идеология, фалсафа, этика, эстетика, санъат ва адабиёт соҳаларида коммунистик таълимот билан буржуача қарашлар ўртасидаги синфий зиддиятлар ниҳоятда кескинлашиб кетган бугунги кунда биз учун «Материализм ва эмпириокритицизм» асарининг яна бир катта аҳамияти шундаки, бунда маркснча партиявийлик принципи ҳам янада ривожлантирилган ва равшан ифодалаб берилган. В. И. Ленин диалектик материализм билан эмпириокритицизм ўртасидаги назарий курашлар икки антагонистик синф (пролетариат ва буржуазия), икки қарама-қарши партия (Коммунистик партия ва буржуа партиялари) ва икки фалсафа (маркснча материалистик фалсафа ва буржуа фалсафаси) ўртасидаги мафкуравий зиддиятларнинг ифодаси эканлигини асослаб берди.

В. И. Ленин рус махчилари материализмнинг бош категорияси бўлмиш материя тушунчасини барбод қилиш учун унга қарши тинмай хуруж қилганликларини фош этди. Материя ва диалектик материализмнинг объектив ҳақиқат, абсолют ва нисбий ҳақиқат, объективлик ва субъективлик, ҳаракат, макон ва вақт, сабабият, оқибат, эркинлик ва зарурият каби муҳим категорияларини доҳий Ленин фалсафанинг бош масаласи деб аталган масала билан чамбарчас боғлиқ ҳолда батафсил кўрсатди.

Фалсафанинг бош масаласининг икки муҳим томони бўлиб, уларнинг бири — нима бирламчи? — материями ёки онгми, табиатми ёки руҳми, борлиқми ёки тафаккурми?— деган масаладир. Иккинчиси эса — дунёни билиш мумкинми-йўқми?.. Бизнинг билимларимиз борлиқни, дунёни, ҳаётни тўғри акс эттирадими-йўқми?— деган масаладир. Диалектик материализм изчил илмий фалсафа бўлиб, бу икки саволга ижобий жавоб беради, яъни борлиқни, табиатни, материяни биринчи ўринга қўяди ва дунёни билиш мумкинлигини очиқ эътироф этади.

Идеализм эса, хусусан субъектив идеализмнинг бир кўриниши бўлмиш эмпириокритицизм шахснинг руҳини, субъектнинг сезгисини, шу сезгиларда гавдаланадиган тажрибани бирламчи деб эълон қилади. Бу тажриба фалсафаси борлиқни, дунёни билиш мумкин эмас, фақат инсон сезгисида намоён бўладиган тажрибани билиш мумкин, деб таълим беради. Маълумки, дунёни билиш мумкин эмас, дегувчи фалсафий оқимларни агностицизм, деб юритилади. Хуллас, рус эмпириокритиклари борлиқни билиш мумкин эмаслиги ҳақида сафсата сотар эканлар, немис идеалист файласуфи Иммануил Кант (1724—1804) нуқтаи назарини ўзларича давом эттирадилар. Доҳиймиз В. И. Ленин янги кантчиликни, эмпириокритицизмнинг, рус махизмининг, умуман ҳар қандай идеализмнинг билиш бобидаги ноилмий қарашларини, уларнинг агностицизмини таг-томири билан қўпориб ташлади, айни чоқда марксизмнинг билиш назариясини янги, юксак босқичга кўтарди ва ленинча инъикос назариясини яратди.

Маълумки, доҳийнинг бу асари сўзбоши, муқаддима, олти боб, хотима, IV бобнинг биринчи параграфига қўшимча сингари қисмлардан ташкил топган. Ана шу олти бобнинг беш боби эмпириокритицизмни атрофлича танқид этиш ва ленинча билиш назариясини, марксистик философиянинг асосий категорияларини чуқур ва ҳар тарафлама асослашга бағишланган. Олтинчи боби эса «Эмпириокритицизм ва тарихий материализм» деб номланган бўлиб, унда А. Богдановнинг ижтимоий турмуш билан ижтимоий онгни айнанлаштириш назарияси аёвсиз танқид остига олинган. Ижтимоий турмушнинг ижтимоий онгга боғлиқ эмаслигини, ижтимоий турмуш бирламчи, ижтимоий онг эса иккиламчи эканлигини, ижтимоий онг, демакки, адабиёт ва санъат ҳам ижтимоий турмушнинг инъикоси эканлиги батафсил баён этилган. Шундай қилиб, асарнинг олтинчи бобида марксизм тарихни материалистик тушуниш нуқтаи назаридан ривожлантирилган. Хуллас, В. И. Ленининг «Материализм ва эмпириокритицизм» деб аталган мазкур доҳиёна фалсафий асари борлиқ, табиат ва ҳаётни тушуниш ҳамда революцион ўзгартиришнинг, айни чоқда фан, фалсафа, маданият, санъат ва адабиётни материалистик нуқтаи назардан туриб баҳолаш ва ўзгартиришнинг қудратли методологик қўлланмасидир. Бу асар ҳозирги реакцион буржуа фалсафаси, этика ва эстетикаси, санъати ва адабиётига қарши олиб борилаётган идеологик курашнинг ҳам буюк ва енгилмас қуролидир.

Зеро, Совет давлати омманинг онглилиги билан кучлидир. омма ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур тушуниб етган ва улар ҳақида тўғри фикр юрита олган тақдирда ҳамда бутун жамият манфаатлари йўлида ҳар бир ишни онгли равишда, сидқидилдан бажара билган тақдирдагина у кучли бўла олади, деган ленинча таълимот ривожланган социализм шароитида айниқса катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам партиямиз улуғ Ленин васиятларини бажара бориб, кенг халқ оммасининг марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганишига, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларини омма орасида кенг пропаганда қилиш ишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг Июнь (1983) пленумида қилган докладида баён этилган дастуриламал ғоя бу фикрнинг ёрқин мисолидир: «Коммунизм идеалларини, Маркс — Энгельс — Ленининг ўлмас ғояларини одамларга етказишдан кўра ҳам олижаноброқ вазифа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас».

Дарҳақиқат, доҳиймиз В. И. Ленининг асарлари, хусусан «Материализм ва эмпириокритицизм» номли классик фалсафий асари халқ оммасининг сиёсий маданиятини, фалсафий ва эстетик онгини янада юксалтиришда, ижтимоий тараққиёт қонунларини чуқур англаб, гражданлик позициясининг мустаҳкамланишида ҳамиша буюк аҳамиятга молик бўлган бебаҳо хазинадир.

Муножотхон НУРМАТОВА,

Тошкент Давлат Маданият институти маркса-ленинча фалсафа кафедрасининг муаллимаси

КОСМОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Союз Т—11» кемасининг командири, полковник Юрий Васильевич Малишев.

«Союз Т—11» кемасининг тадқиқотчи-космонавти Ҳиндистон Республикаси граждани, майор Ракеш Шарма.

«Союз Т—11» кемасининг борт инженери Геннадий Михайлович Стрекалов.

Шу йил 3 апрель куни Совет Иттифоқида «Союз Т-11» космик кемаси учирилди. Совет космик кемасини Халқаро экипаж: кема командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Юрий Малишев, бортинженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Геннадий Стрекалов ва тадқиқотчи-космонавт, Ҳиндистон Республикаси граждани Ракеш Шарма бошқардилар.

Учиш программасига мувофиқ «Союз Т-11» кемаси космосда «Салют—7» — «Союз Т-10» орбитал комплекси билан туташтирилди. Маълумки, бу орбитал комплексда космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьков 1984 йил 8 февралидан буён Ер атрофида тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказмоқда эдилар. «Союз Т-11» кемаси экипажининг аъзолари космонавтлар Малишев, Стрекалов ва Шарма туташтириш узелининг герметиклигини текшириб кўрганларидан сўнг 1984 йил 4 апрель куни «Салют-7» станциясига ўтдилар.

Шу тариқа «Салют—7», «Союз Т-10», «Союз Т-11» илмий-тадқиқот комплекси ичида олти кишидан иборат Халқаро экипаж: совет космонавтлари Леонид Кизим, Владимир Соловьев, Олег Атьков, Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ҳиндистон Республикасининг граждани, космонавт Ракеш Шарма тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон олимларининг биргаликда ишлаб чиққан илмий тадқиқотлар программасига мувофиқ мазкур комплекс ичида олиб борилган тадқиқот ва экспериментлар етти кун давом этди. Ана шу вақтлар давомида Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш, космик материалшуносликка доир экспериментлар ўтказилди ҳамда медицина тадқиқотлари олиб борилди. Жумладан, вазнсизликнинг таянч-мушак аппаратига таъсирини ўрганиш ҳамда профилактика воситаларини такомиллаштириш учун тадқиқотчи космонавт Ракеш Шарма ҳар куни «йога» системаси бўйича машқлар бажарди. Шу экспериментлар давомида вақти-вақти билан «Миокопл», «Бриз» қайд этувчи аппаратлари ёрдамида мушакларнинг ҳаракатлантирувчи ва электрик активлигига баҳо берилди.

Учиш давомида космонавтлар Кизим, Соловьев, Атьков, Малишев, Стрекалов ва Шарма ўзларини яхши ҳис этдилар. Халқаро экипаж тўла ҳамжиҳатлик билан аҳил ишлади. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон космонавтларининг биргаликда ишлашлари космик фазони тинч ўзлаштиришда ва дўст мамлакатларимизнинг қалин ҳамкорлигида янги бир саҳифа очди.

Космонавтлар Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж «Салют-7»—«Союз Т-10»—«Союз Т-11» илмий-тадқиқот комплекси ичида ҳамкорликдаги программани бажарганларидан кейин 1984 йил 11 апрель куни «Союз Т-10» кемасининг туширувчи аппаратида Ерга қайтиб тушдилар. Муваффақиятли тугалланган космик парвоз Совет — Ҳиндистон дўстона муносабатларини янада ривожлантиришга қўшилган янги ҳисса бўлди. Мазкур парвоз Совет Иттифоқининг космик фазони бутун инсоният манфаатларини кўзлаб тинчлик мақсадларида ўзлаштираётганлигини яна бир бор намойиш қилди.

Субхас МУККЕРЖИ

ҲИНДИСТОН

Онани севмаган борми дунёда,
Она Ҳиндистоним, жоним-жаҳоним.
Бўлсин дейман доим умринг зиёда,
Садоқату меҳрим, дилим — пинҳоним...
Нимаики топдим дунёга келиб,
Лаҳзалик ранжингга арзимас асло.
Сен борсан, дилимга ишқингни солиб,
Яшайман, қўлимга олмасдан асо...
Эй, улуғ онамиз Ҳиндистон,
Меҳрингга қонамиз, Ҳиндистон.
Шу замин, шу тупроқ устида бизлар
Мустақиллик дея кўтарганмиз қад.
Бармоқларда қадоқ, ер узра излар...

Доим омон бўлсин муқаддас сарҳад.
Фарзандлик қалбининг оҳангларини,
Фақат сен яхшироқ тинглай олурсан.
Онажоним менинг азиз Ҳиндистон —
Меҳробим, саждагоҳ, қалбда ёнурсан.
Бу кучли, серқадоқ қўллар-ла маҳкам
Ҳаётни янгича, озод тузурмиз
Бизлар, эркпарварлар бўлиб жамулжам
Қолоқлик уйини тамом бузурмиз —
Эй улуғ онамиз, Ҳиндистон.
Меҳрингга қонамиз, Ҳиндистон!

Русчадан таржима



Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

ЎЗБЕКИСТОНДА ПУШКИНХОНЛИК

А. С. ПУШКИН

ИСТАК

Кунларим оҳиста судралиб ўтар;
Мунглуғ кўнглим учун ҳар зум беомон,
Бевақт севги дардин орттириб кетар,
Тентак хаёлларим қўзғар ҳаяжон.

Аммо сукутдаман, чиқмас фиғоним;
Йиғлайман, кўз ёшим менга овунчоқ,
Қайғу панжасида қолган бу жоним
Шундан аччиқ нашъа топади ҳар чоқ.

Ҳаёт дақиқаси! Уча бер, майли,
Беҳуда хаёллар, йўқ бўл зулматда!
Азиздир ишқимнинг азобли йўли,
Майли ўлсам ўлай шу муҳаббатда.

1816

* * *

Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол,
Грузиянинг ғамгин қўшиғин, ҳайҳот,
Куйласанг, ёдимга тушади дарҳол
Йироқ соҳил ва ўзга ҳаёт.

Ҳайҳот, ҳеч шафқат йўқ бу қўшиғингда,
Хотиримга солар олис саҳрони
Ҳам ойдин кечада — ой ёруғида
Йироқдаги қизни — шўрлик сиймони...

Азиз, машъум хаёл чиқар ёдимдан,
Унутилар, сени кўрганда дилдор,
Сен куйлайсан, тағин мен кўз олдимда
Тасаввур этаман ўшани такрор.

Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол,
Грузиянинг ғамгин қўшиғин, ҳайҳот,
Куйласанг, ёдимга тушади дарҳол
Йироқ соҳил ва ўзга ҳаёт.

1828

МИРТЕМИР таржималари

Исо АБДУРАҲМОНОВ

ОРЗУ

Ватаним, Ватангинам!
Қуёшинг бўлгим келар.
Болтиқ бўйидан тортиб
То Камчаткага қадар,
Юксалган Помирингдан
Шимолий қутбгача
Ҳаётбахш нурлар ила
Ҳар онда
Қучгим келар.
Қуёшинг бўлолмасам,
Тунда
Ойинг
Бўлайин.
Зиё олиб Қуёшдан,
Ойдинлашиб кун сайин,
Бир зум тиним
билмасдан
Бағрингга интилайин.
Қалбларга
Соя солган
Зулмат бағрин
Тилайин!
Бўла олмасам ойинг,
Юлдузинг бўлай,
майли.
Нурларим етмаса ҳам,
Осмонингни безайин.
Ой бўлмаган тунларда
бошлайин
Юлдуз сайлин.
Юксакдан қараб туриб,
Ташвишларинг сезайин.
Юлдузинг бўлолмасам,
Бўлайин баланд тоғинг.
Душманларинг йўлини
Тўсиб турайин
Маҳкам.
Айни баҳор чоғида
Неча минг лола ёқиб,
Қўлимдан келганича
Хизмат қилайин
Халққа.
Гар тоғинг бўлолмасам,
Бўлайин қайноқ дарё.
Томирларингда оқиб,
Сингайин
Кенг бағрингга.
Чўлу саҳроларингга
Олиб борайин
Ҳаёт.
Берайин куч ва қувват
Гулзорингга, боғингга.
Дарё ҳам бўлолмасам,
Майли,
Бўлай бир тошинг.
Майли,
Мени қўйишсин
Бир бинонг тамалига.
Бордию шу бинога
Қилса ҳамла
Бир душман,
Отилиб чиқиб ўқдай
Мажақлагайман бошин...
Ҳеч нарсанг бўлолмасам,
Буюк иш қилолмасам,
Билки, азиз Ватаним —
Орзум, қувончим,
шоним,
То ўлгунимга қадар,
Токи менинг халқим бор,
Бўлиб қолгайман сенинг
Мард ва содиқ
фарзандинг!
Ватаним, Ватангинам!..

* * *

Умримиз дафтарининг
Яна бир саҳифасин
Ҳаяжон,
Умид билан
Очмоқдамиз
Биз бугун.
Сезмоқдамиз
Эртанинг
Ҳароратли нафасин.
Рўёбга чиқсин албат
Қалбларда бўлган ният.
Бунга эришмоқ учун
Ҳаракат,
Ғайрат
Керак.
Дўстларга-чексиз ҳурмат,
Душманга нафрат
Керак.
Ҳаётимиз томири —
Табиатга
Шафқат керак!
Эътиқодга —
Садоқат,
Юртга —
Муҳаббат
Керак
Ниятга етмоқ учун...

Самарқанд

Искандарнинг қабри қаерда?

ХАР ТУҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Бу саволга узоқ йиллардан буён тинимсиз изланишлар олиб бораётган олимлар ҳали-ҳануз жавоб беролганларича йўқ.

Мелоддан аввалги 323 йили Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) ўлими олдидан уни Мисрдаги Сива воҳасига дафн этишлари ҳақида васият қилган эди. Лекин кўпчилик тарихчи ва археологларнинг уқтиришларича, васият бажарилмаган ва Искандар Зулқарнайн Искандария шаҳри ўрамига кўмилган.

Қабрни топиш учун бўлган олдинги уринишлар ҳеч қандай муваффақият келтирмади. Ва ниҳоят яна бир бор қабрни топиш учун ҳаракат бошланди. Матбуот хабарларига кўра, Искандария ҳукумати Америкаининг Калифорния университети олимларига Улуғ Искандарнинг қабрини топишга рухсат берди.

Айни пайтда олимлар Искандарнинг қабри билан бирга қадимий архитектура ёдгорликларини ҳам қидиришади. Жумладан, эрамизнинг 639 йили Искандариянинг араб халифалиги томонидан босиб олиниши муносабати билан халифа Умарга йўлланган мактубда таъкидланишича, шаҳарда 4 минг сарой, 4 минг жамоат ҳаммомлари ва 400 га яқин маданий ҳордиқ масканлари мавжуд экан. Бироқ асрлар мобайнида таназзулга юз тутган, қумликлар остида қолиб кетган шаҳар харобалари қидирув ишлари олиб боришни қийинлаштирмоқда. Аммо, олимлар, замонавий техника ёрдамида илмий аҳамиятга молик ноёб ёдгорликларни топиш умидидан воз кечганлари йўқ. Ана шу ёдгорликлар орасида Искандар Зулқарнайннинг қабри топилдими, йўқми — буни изланишлар кўрсатади.

ҲИНД ЭКСПЕДИЦИЯСИ АНТАРКТИДАДА

Ҳиндистон олимлари Ер шарининг тропик минтақасида жойлашган мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Антарктидага экспедиция уюштирдилар. Улар муз қитъасига фин музёрарлар кемаси «Фин поларис»да йигирма тўрт кунда етиб бордилар.

82 кишидан иборат илмий ходимлар партиясининг илмий раҳбари — Ер шарини ўрганиш марказининг директори Х. Кво Гупта радио орқали ўз таассуротларини шундай баён қилди: «Ҳаммаёқ қор, Шимолда ҳам, Ғарбда ҳам, Шарқ ва Жанубда ҳам қор. Фақат пингвинлар кўзга ташланади, холос». Экспедиция қатнашчиларидан 70 киши доимий ҳаракатда бўлувчи илмий станция қурилишини тугаллагач, қайтдилар.

Айни пайтда илмий станцияда қолдирилган 12 ҳинд илмий ходими янги экспедиция келгунга қадар музликлар дунёсида кенг миқёсда кузатув ишларини олиб борадилар.

60

Интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, йирик комплекс программаларини амалга ошириш — мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши керак.

К. У. ЧЕРНЕНКО

САНОАТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Мамлакатимизда енгил саноатнинг тўқимачилик, ип-газлама каби тармоқлари равнақи кўп жиҳатдан республикамиз экономикасининг муҳим тармоғи — пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатининг тараққиёти даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бу соҳани ривожлантиришга ҳамиша биринчи даражали эътибор бериб келмоқдалар.

В. И. Ленин «Россияда капитализмнинг тараққиёти» деган асаридаёқ мамлакатимиз тўқимачилик саноатини қимматбаҳо хом ашё — пахта толаси билан таъминлашнинг аҳамиятини таъкидлаб: «...тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг пахтани ишлаш тармоғи энг муҳим ўрин тутади»,— деб ёзган эди. (В. И. Ленин, ТАТ, 3-том, 532-бет).

Биринчи жаҳон уруши ва гражданлар уруши пахта етиштириш ва пахта тозалаш саноатига жиддий зарар етказди. 1920 йилда Ўзбекистонда пахта экиладиган майдонлар 1913 йилдагн 429 минг гектардан 94 минг гектарга тушиб қолди. Шу йили атиги 31 минг тонна пахта етиштирилди. Бу ёш Совет Ўзбекистони пахта тозалаш саноатининг ривожланишига салбий таъсир қилди.

Пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг ачинарли аҳволи ёш Советлар мамлакатининг йирик тўқимачилик фабрикаларини пахта толаси билан таъминлаш ишини мураккаблаштирди. Агар, 1918 йилда Туркистонда мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига 1 минг 310 вагон тола жўнатилган бўлса, 1919 йилда бор-йўғи 840 вагон тола жўнатилди, холос.

В. И. Ленин 1920 йилда тўқимачилик саноати ишчиларининг III Бутунроссия съездида сўзлаган нутқида юзага келган қийин аҳволни таърифлаб: «Ҳаммага маълумки, тўқимачилик саноати катта вайронликда қолиб келмоқда, сабаби, чет элдан келтириладиган пахта ҳозир йўқ, чунки Ғарбий Европада ҳам хом ашёнинг жуда камлиги сезилмоқда»,— деган эди. (В. И. Ленин, ТАТ, 40-том, 372-бет).

Тўқимачилик, ип-газлама саноатини тиклаш ва уни ривожлантириш учун зудлик билан хом ашё базасини вужудга келтириш зарур эди. Бунинг учун эса «ягона манба Туркистон» эди. (В. И. Ленин. ТАТ, 40-том, 372-бет).

Туркистонда пахта етиштириш ва пахта тозалаш саноатини ривожлантиришнинг асосий йўли — аср лар давомида суғорилиб келинган ерларни ўзлаштириш, уларни экинзорларга айлантиришдан иборат эди. Шунинг учун 1918 йил 17 майда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий Декретга доҳиймиз В. И. Ленинининг имзо чекиши буюк тарихий воқеа бўлди.

РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Туркистонда халқ хўжалигини тиклаш, пахта етиштириш ишлари қийин шароитларда олиб борилаётганлигини ҳисобга олиб, Туркистон республикасига мунтазам равишда молиявий, техникавий ёрдам бериш учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. Туркистонда суғориш системалари қурилиши жадал суръатларда бошлаб юборилди.

Туркистон республикасида пахтачилик ва пахта тозалаш саноатини тиклаш ва ривожлантириш ишлари, рус халқининг, барча қардош халқларининг катта ёрдамида амалга оширилди. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Туркистон АССР халқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачилик ва пахта тозалаш саноатини ривожлантириш эҳтиёжларига 1919 йилда яна 1 миллиард сўм, шу йилнинг иккинчи ярмида эса ана шу мақсадлар учун қўшимча 1 миллиард 267 миллион сўм маблағ ажратилди.

1919 йил 9 октябрда РСФСР Халқ хўжалиги Олий Кенгаши, В. И. Ленин кўрсатмасига биноан Туркистоннинг моддий-техника таъминоти масаласини кўриб чиқди. Марказий Россиянинг ўзида рўй бераётган катта моддий қийинчиликларга қарамай, Туркистон республикасини нон, металл ва бошқа товарлар билан таъминлашни тезлик билан йўлга қўйишга қарор қилинди. Натижада Туркистонга озиқ-овқат, машина ва механизмлар, станоклар, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ортилган поездлар мунтазам равишда жўнатила бошланди.

1920 йилда пахта тозалаш саноатини янада кучайтириш ҳақида муҳим қарор қабул қилинди. Орадан кўп ўтмай, шахсан В. И. Ленининг ташаббуси билан, пахтачилик ва пахта тозалаш саноатини тиклаш ва ривожлантириш ишларига раҳбарлик қилиш мақсадида Пахтачилик Бош Комитети, пахта етиштирувчи республикаларда эса пахтачилик комитетлари ташкил этилди.

Уша йилнинг 13 сентябрида В. И. Ленин Меҳнат ва Мудофаа Советининг пахта етиштириш, пахта тайёрлаш ва пахта тозалаш заводларини давлат йўли билан ташкил этиш ва назоратга олиш тўғрисидаги қарорини имзоладн. Унга мувофиқ Пахтачилик Бош Комитети ва пахтакор республикалардаги пахта комитетлари зиммасига чигит экишни ташкил этиш, пахта ва пахта маҳсулотларини сотиб олиш, пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларини эксплуатация қилиш вазифалари юклатилди. Шундай қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Туркистонда пахтачилик ва пахта тозалаш саноатини тиклаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу тадбирлар тез орада ўз самарасини берди.

Пахта тайёрлаш 1923 йилдаёқ 1922 йилга нисбатан бешбаробар ортди. 1924 йилга келиб СССРда 14,2 миллион пуд пахта тайёрланди, шунинг 70 процентини Ўзбекистон пахтакорлари етиштирдилар.

Пахтачиликнинг ривожланиши туфайли пахта тозалаш саноати ҳам жонланди. Мамлакат тўқимачилик фабрикаларини пахта толаси билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди. Биргина 1920 йилда тўқимачилик марказларига 6 минг 730 вагон қимматбаҳо хом ашё жўнатилдн, бу 1919 йилга нисбатан 5 минг 890 вагон кўп эди.

В. И. Ленин Москва губернияси ижроком раислари олдида сўзлаган нутқида пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг ривожлана бошлаганлигини таърифлаб: «Саноатимиз жонлана бошлади, Иваново-Вознесенск губерниясида фабрикалар бир неча йил тўхтаб қолиб, бутун ишчиларни умидсизликка солган эди... Туркистондаги ғалабалар туфайли бу фабрикалар Туркистондан пахта олиб ишлай бошлади»,— деган эди (В. И. Ленин, ТАТ, 41-том, 402-бет).

1924 йилда миллий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Бу — пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг ривожланишида янги босқич бўлди. Умуммиттифоқ меҳнат тақсимоти бўйича Ўзбекистон зиммасига СССРнинг асосий пахта базаси бўлишдек шарафли ва улуғвор вазифа юклатилди.

Коммунистик партия Ўзбекистон пахтакорлари ва мутахассислари олдига пахтачилик ва пахта тозалаш саноатини жадал суръатлар билан ривожлантиришни давом эттириш ва яқин йиллар ичида мамлакат тўқимачилик корхоналарининг қимматбаҳо пахта толасига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, шу тариқа «СССРнинг пахта мустақиллигини» қўлга киритиш вазифасини қўйди. Бу вазифа ҳам шараф билан бажарилди. 1932 йили республикада 814 минг тонна пахта тайёрланди. Пахта тозалаш саноати эса бу миқдордаги пахтадан 230 минг 214 тонна тола ишлаб чиқарди. Мамлакат тўқимачилик саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжи асосан қондирилди.

«Пахта мустақиллиги»нинг қўлга киритилиши чет давлатлардан пахта сотиб олиш учун ҳар йили сарфланадиган 300 миллион олтин сўмни тежаб қолиш имконини берди. Бу — чинакамига катта ғалаба эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. СССР халқларининг бегараз ёрдами туфайли республикада пахта етиштириш ва пахта тозалаш саноатининг ривожланиши ўзбек халқининг социал турмушини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон қисқа давр ичида қолоқ, қишлоқ хўжалиги ўлкасидан саноати ривожланган республикага айланди. Ўзбек халқи жабр-зулм, қашшоқлик, жаҳолат, саводсизлик каби ўтмиш иллатларидан абадий халос бўлди. Республикада миллий ишчилар синфи камол топди. 1940 йилда 1913 йилдаги 18 минг ўрнига халқ хўжалигининг барча соҳаларида 765 минг, шу жумладан саноатда 140 минг ишчи ишламоқда эди.

Урушдан кейинги йилларда янада улкан ютуқларга эришилди. Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари ниҳоясига етди. Жиззах, Қаршн, Сурхон-Шеробод ва Қорақалпоғистон чўлларини ўзлаштириш ишлари авж олдириб юборилди. Биргина ўнинчи беш йиллнкнинг ўзида 500 минг гектардан зиёд ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритилди.

Пахта етиштириш 1946—1983 йиллар ичида 5 маротаба ўсди: ўтган йили Ўзбекистон пахтакорлари она-Ватанга 6 миллион тоннага яқин «оқ олтин» армуғон этдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 120 дан ортиқ замонавий жин ва толани қайта ишлаш машиналари билан жиҳозланган йирик заводлар ишлаб турибди. Бу заводлар бир йилда 5,8—6 миллион тонна пахтани қайта ишлаш қудратига эга. Бу кўрсаткич 1913 йилга нисбатан 20—25 баробар ортиқдир.

Республикамиз пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноати фақатгина мамлакатимиз тўқимачиларини эмас, балки ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг ҳам пахта толасига бўлган эҳтиёжини таъминламоқда. Айни вақтда Ўзбекистон пахтаси жаҳоннинг 33 мамлакатига, шу жумладан ГФР, Англия, Франция, Япония каби бир қатор йирик капиталистик мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

СССР халқларининг қардошлик оиласида бахти барқарор Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида бемисл ғалабаларни қўлга киритди. Бу эса, ленинча доно миллий снёсатнинг республикамиз камолн мисолидаги тантанасидир.

Искандар ҲАЙИТОВ,
тарих фанлари кандидати

Асад АСИЛОВ

Икром индамас

ҲИКОЯ

Ўҳамиша далага тонг қоронғусида жўнайди. Тунги суғоришга қолган кезларида эса, чайир эшагини йўрғалатиб, азонда даладан уйи томон ўтиб кетади. Йўлида учраганларнинг саломига билинар-билинмас бош қимирлатиб қўяди. Ёшу қари ҳамқишлоқлари унинг бу одатига кўникишган. Кўникишгану, Икром исмига «индамас» лақабини қўшиб айтишади.

Икром индамаснинг уйидан далага, даладан уйига қатнаганига неча ўн йил ўтиб кетди. Урушдан елкасида кўтариб қайтган гўдаги бу орада паҳлавон йигит бўлди. Бахтиёр деган исмни ҳам унга ўзи танлаган. Кўзининг оқу қораси, бутун орзу-умиди — ёлғиз ўша ўғлини уйлантирди, жойлантирди. Бахтиёр эсли-ҳушли, вазмин табиатли йигит, болалари бор, ҳеч кимдан камлик жойи йўқ.

Икром индамас уруш инвалидлиги учун тегадиган нафақасини ҳам, сувчиликдан топадиган маошини ҳам ёруғ дунёда бирдан-бир илинжи Бахтиёрга, невараларига сарфлаб келяпти. Эшигидаги сигир-бузоқ, қўй-эчкиларни ҳам шулар учун асраб юрибди. Қанотлари тўкилиб, пати тўзғиб кетган бургутга ўхшаб қариди, аммо кўнгли тинч, дили хотиржам.

Икром индамаснинг кунлари шу зайлда осойишта ўтиб турганди, бир воқеадан кейин хаёлда йўқ ишлар бўлиб кетди... Уша куни у қаровидаги экинларни туни билан сувга қондириб суғорди-да, азонлаб уйига етиб келди. Сўнг, бир оз нафас ростлашга ҳам сабри чидамай, сомон ташиб юрган катта қанорини буклаб-буклаб эгарга жойлади-да, эшагининг бошини ғалласи ўриб олинган дала томон бурди. Бир кун аввал ота-бола режа тузишганди. Бахтиёр комбайндан тўкилиб-сочилиб қолган сомонларни тирмалаб тўдалаб турмоқчи, отаси сувдан қайтгач, биргалашиб ташиб олмоқчи эдилар. Икром индамаснинг одати шунақа, унча-мунча ишларга машина-трактор овора қилиб, от отлаб, туя қўмлаб юрмайди, чайир эшаги билан тезда бир ёқли қилиб қўя қолади. Шу феъли Бахтиёрга ҳам «юққан»...

— Ҳа, партизан, бугун анғиз[1]га жўнабдилар чоғи? — гап отиб қолди Салим чол. У тиззасидан юқорисига ёғоч уланган чап оёғини осилтириб, чинор остидаги ариқ лабига ўрнатилган каравотни саҳармардондан ҳеч кимга бийлатмай ўтирарди. Баъзи кунлари — «отиб олган» кезларида-ку, чойхонанинг шу каравотида тунаб ҳам қолаверарди...

Салим чол кесатиб гапирган бўлса ҳам, аслида, «партизан» деган сўзда жон бор. Икром болалигидан ҳеч нимадан тап тортмай ўсди, уруш йиллари фронтда фашистларга нақ азроилдек даҳшатли бўлиб танилди. У қутилмаган жойда пулемётдан ўт очиб душманларнинг эсхонасини чиқариб юборарди. Ғанимлар бир неча марта беш-ўн одим масофадан ҳам унга ўқ узиб теккизолмаган. «Қора партизан!» деб даҳшатга тушишарди унинг номини эшитган фашистлар. Шундоқ йигит охир-оқибатда батамом ювош, индамас бўлиб ўтирибди. Бир пайтлар ҳар қайсисида биттадан «дев» ўтиргудек забардаст эди унинг елкалари. Энди эса, унинг жуссаси кичрайган, букчайган. Қаттиқ тикилса менман деганларни ҳам довдиратиб, тадбирларидан адаштириб қўядиган кўкимтир йирик кўзлар нурсизланган, қовоқ пардалари босиб тушган, қалин туташ қошлар сийраклашиб, чувалиниб қолган. Ҳаммаси ҳам майли-ю, қишлоқнинг энг довюрак, ўт-олов йигити нега бунчалик маҳзун, хомуш, индамас аҳволга тушди? Нима бўлса ҳам, урушда бўлди. Фронтга жўнагунга қадар номи Икром азамат эди, урушдан «Икром индамас» бўлиб қайтиб келди...

Икром ота Салим чолга ижирғангандек назар ташлади-да:

— Мол қишловига уч-тўрт қоп сомон жамғариб қўяйлик,— деди паст товушда.

— Ие, «партизан» одам ҳам сомон ташиб юрадими?! Уруш пайтидаги: «Икром қаҳрамон бўлибди», деган гаплар бекор экан-да!— дўпписини қўлига олиб, кал бошини сарак-сарак қилди Салим чол.— Мана, уруш ветерани эканлигимизни хотирага олишиб, кеча иккита, бугун битта прицеп тўла сомон туширибберишди. Ёки ўзим раисга бир оғиз айтиб қўяйми?..

— Айтадиган бўлсам, мендаям оғиз бор. Бунақа гапларнинг вақти эмас, колхознинг мендан бошқа ташвишлари ҳам етарлидир,— деди Икром индамас тезроқ нари кетиш учун эшагини қичаб.

Бу жавобдан Салим чолнинг читрайган башарасига масхараомуз чизиқлар тортилди, ичкиликнинг зўридан киртайган, киприксиз кўзлари баттар қисилди, дилидаги гапларини айтиб улгуриш учун шоша-пиша ўрнидан қўзғалди. Азбаройи чираниб гапирганидан унинг овози чийиллаб чиқди:

— «Вақтимас», деб қаҳрамонликдан, «вақтимас», деб хотиндан қуруқ қолгансан? Эндиям «вақтимас» бўлса, қишгача сомон ташиб, эшагингнинг думига осилиб юравер!..

Юрагига ханжардек қадалаётган бу гаплардан қочиб борар экан, Икром индамас алам билан ўйларди: «Унга қандай ситам ўткazган эканманки, менга бунчалик ўчакишмаса...»

Икром индамас авваллари унчамунча гапларга парво қилмас, гапирган сенинг оғзинг экан, деб кетавергувчи эди. Аммо Салим чолнинг бу галги «дашноми» унга қаттиқ ботди: «Бировдан бир мири қарзим йўқ, ўз аравамни ўзим тортиб юрган бўлсам... нега ҳадеб менга тегажаклик қилаверади, нега яримта тиркчилигимни тинчгина ўткazиб юришимга қўймайди. Келиб-келиб, бутун уруш давомида бошини бекитиш билан умри сассиққўнгиздек ўтган бир кимса устимдан кулиб ўтирса-я». Икром индамас шундай хаёллар билан дили ғашланиб борар экан, Салим Зарипнинг урушдаги бир ҳолати ёдига тушиб, беихтиёр кулгиси қистади.

... Хоҳ жанг пайти, хоҳ осойишта пайти «Гум!» этган товушни эшитдими, бас, Салим ўзини дуч келган жойга отиб яширинарди. Айниқса снаряд «ҳуштаги»дан унинг юраги ёрилаёзарди. «Ғи-в-в» деган овоз қулоғига чалиниши ҳамоно унга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетарди. Буни кузатиб юрган бир синчи солдат осойишталик чоғларида Салимни анча вақт калака қилиб юрди. У оғзини кафти билан тўсиб, «ғив-в-в» дея снаряд учишига монанд овоз берар, бундан даҳшатга тушган Салим кўлмакми, балчиқми, суриштирмай ўзини таппа ташларди. Шундай кезларда Икром унинг жонига оро кирган, калака қилаётган солдатнинг қулоғи тагида «шавла қайнатиб», эвазига авахтада икки кун ётиб чиққанди...

«Хизматга туҳмат, деб шунақаларнинг қилмишларини айтишар экан-да! Айбим нима, бутун уруш давомида унга соябон бўлганимми? Қаҳрамонликка тавсия этилганимни, қуршовда қолиб «Олтин юлдуз» етиб келмаганини шу Зарип биларди холос, тескарилаб элга овоза қилди. Энди бўлса, раис билан яқин бўлволиб, ҳаддидан ошиб кетди. Урмонда чирқираб ётган гўдакни боқиб олганимниям кўролмади. «Уйланиш иложи бўлмагач, бировнинг боласини боқади-да», деб кўпчилик ичида оғиз кўпиртирган нимаси?!. Яраланиб, оила қуришга яроқсиз ҳолга тушганимниям бир шу биларди... Майли, вақти-соати келиб, буларнинг ҳисоб-китобини қилармиз...»

Диққати ошиб, эшагини қичаб далага етиб келган Икром индамаснинг кўзлари уватда мунғайиб ўтирган Бахтиёрга тушди. Бу ерда ҳам қандайдир хунук воқеа рўй берганини дарҳол унинг кўнгли сезди.

— Ҳа, ўғлим, тинчликми?!

— Аввалги куни, кеча тўдалаб қўйган сомон уюмларимизни раис прицепга орттириб жўнатиб юборибди. Колхознинг хашак плани тўлмаган эмиш. Боя уни йўлда учратиб, отам умр бўйи колхозда ишлайди-ку, тўкилиб-сочилиб ётган сомонниям олишга ҳаддимиз йўқми, десам, раис: «Ҳужжатсиз қаҳрамонни отам деб юрибсанми ҳали?! Ундан кўра туққан ота-онангни қидирсанг-чи», дейди. Ахир, сиз менинг отамсиз-ку! Ё нотўғримми?! Айтинг, тўғрисини айтиб беринг, отажон!

Ўзини қучиб, беихтиёр хўнграётган Бахтиёрни Икром индамас бағридан силтаб ажратди-да, зилдек оғир ва даҳшатли товушда деди:

— Аввалambор кўз ёшингни тий. Ҳа, баракалла. Энди сен уйга боравер, ўғлим, қолганини мен ўзим...

[1] Анғиз — арпа-буғдой ҳосили ўриб олинган жой

Расмни А. ҲОЛИҚОВ чизган



КИМЁ — ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАДКОРИ

Ҳамдам УСМОНОВ,

ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби.

Ҳозирги замон кимё фани халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида катта аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, бу фаннинг қўлидан келмайдиган иши кам: кимё саноати, машинасозлик, қурилиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, енгил саноат, мудофаа ишлари, қишлоқ хўжалиги, космосни ўзлаштириш ва бошқа соҳаларда кимё фанисиз бирон натижага эришиб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам катта саноатга эга соҳадир. Бу — пахта, ипак ва дон, жун, тери ва мўйна, узум ва қовун, сабзавот ва консервалар, кенг ва бой ўрмонлар, мевазорлар.

Маълумки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ўз фаолиятида ва тараққиётида доимо фан ва техника ютуқларига асосланади. Жумладан, кимё фани ва кимё саноати қишлоқ хўжалигига яқиндан ёрдамлашади, турли-туман ўғит, дори-дармон, дефолиантлар, десикантлар, полимер пленкалар етказиб беради. Модомики, гап қишлоқ хўжалиги ҳақида борар экан, яна иккита фан — геохимия ва биогеохимия фанларини ҳам тилга олиб ўтиш лозим бўлади. Чунки буларсиз тупроқшунослик фани ҳам тараққий топмаган бўлар эди, тупроқ сирларини ҳам билиб бўлмас эди.

Ер шари ҳосил бўлганидан бошлаб то унинг устида унумдор тупроқ вужудга келгунига қадар миллион йиллар ўтди. Бошланғич тоғ жинслари сув, ҳаво ва иссиқлик таъсирида, кейинчалик микроорганизмлар таъсирида жуда кўп ўзгаришларга учради. Турли кимёвий ва биологик ўзгаришлар ана шулар жумласига киради.

Буюк тупроқшунос олим В. И. Вернадский ҳосилдор тупроқ устида олиб борган тадқиқотлари асосида «Тирик моддалар» назариясини яратди. Олимнинг фикрига кўра, тупроқ тирик моддалардан иборат, демак, ўзи ҳам тирик, бинобарин у жуда мураккаб бўлиб, кимёвий хоссалари доимо ўзгариб туради. Ҳақиқатан ҳам Ер куррасининг турли қисмларидаги тупроқ турлича бўлади. У доим ўзгариб туради. Тупроқни яхшилашда ва экиладиган ернинг ҳосилдор бўлишида ҳам кимё фанининг хизматлари, беқиёсдир. Янги ерлар очиш, кўчма қум чўлларини ўзлаштириш, сув проблемасини тезликда ҳал қилишга киришиш, ер ости сувларидан фойдаланиш ҳам шулар қаторига киради.

Ер, тупроқ, тирик модда ёки биомассадан сўз бошлашимиз бежиз эмас, албатта. Чунки ер, ҳосилдор тупроқ — қишлоқ хўжалигининг асоси. Яна шуни айтиш лозимки, дунё аҳолисининг 69 проценти қишлоқ хўжалигида бандир. Қишлоқ хўжалик экинлари бутун дунё қуруқлик ерларининг 29 процентини эгаллайди, жумладан, Европада 50 процент ер қишлоқ хўжалигида банд. Бунинг сабаби, инсон тирикчилиги учун дон, гўшт, сут, сабзавот, пахта, ипак, жун ва барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари энг зарур, энг муҳим нарсалардир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига аҳамият етарли бўлиши лозим.

Бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун барча имкониятлар етарлидир. Хусусан, республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб бораётган қатор кучли илмий-тадқиқот ва олий билим юртлари мавжуд. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Тошкент Давлат университетида ҳам бу соҳада кўпгина олимлар ишламоқдалар. Умуман, бу соҳа фанлари, жумладан, кимё фани ҳам замонавий талаб даражасига кўтарилган.

Республикамизда ўғит ва қишлоқ хўжалиги учун кимёвий модда ишлаб чиқарувчи завод ва комбинатлар ишлаб турибди. 2005 йилга бориб, бу муҳим воситаларни ишлаб чиқариш планлари 1980 йилникига қараганда уч марта ошади, қишлоқ хўжалиги кимёвий ўғит ва бошқа зарур моддалар билан тўла таъминланади.

Зарур модда деганда, ўғитдаги микроэлементларни ҳам назарда тутмоқ лозим. Маълумки, кимёгарлар республикамизнинг ҳамма пахтачилик райониларини, типроғида қандай микроэлементлар борйўқлигини, нормага етарли ё етмаслигини доим текшириб, ҳисобга олиб турадилар. Микроэлементлар ерга асосан кимёвий ўғитлар билан бирга етарли миқдорда берилиб турилиши лозим. Булар қаторига Менделеев жадвалидаги турли металл

Икром индамас, қўлидаги дўлана таёқ билан эшагининг бўйнига бир уриб, ортга қайтди. Унинг букик елкалари ростланган, кўзлари каттакатта очилиб, олайиб кетган эди.

Қуёш тиккадан аёвсиз ўт пуркаг, зарғалдоқ, тутхўрак, чуғурчиқлар тошлоқ сувига шўнғиб-шўнғиб питирлашиб тозаланишар, тошларга терилиб, патларини селгитишар эди. Улар шиддат билан келаётган эшакли одамга хавотирланиб қараб-қараб қўйишарди; қанотлари обдан хўлланиб қолганлари ҳавога кўтарила олмаган тақдирда қалин маймунжонлар, камишлар орасига беркинишга шайланиб туришди. Лекин жаҳл билан келаётган одамнинг ўзлари билан иши йўқлигини сезиб, хотиржам тортишди.

Икром индамас эшагини йўрғалатганча колхознинг пичан ғарамига етиб борди. Ғарамлар атрофида учтўртта қорамолдан бошқа ҳеч зоғ йўқ эди. Қорамоллар ғарам биқинидан ясаб олган «уя»ларига — салқинга ярим белларигача кириб олиб, кавш қайтариб ётишибди. Кейинги кунларда бу ерга бирор тутам хашак келтирилмагани аниқ кўриниб турарди. Салим Зарипга раис ҳадя этган уч прицеп сомон лип этиб Икром индамаснинг ёдига тушди. Раис ва унинг кўнгил яқинлари кўпинча Салим чолникида тушланишгучи эди. «Қалай уларни шу маррахонасида учратмас эканман...»

Икром индамас эшагини Салим чолнинг кўча эшигидаги симёғочга боғлаб, ичкари юрди. Хоналарнинг энг тўрида, хийла кенг даврада қаҳ-қаҳа бир зум тинмас, зиёфат авжига чиққан эди.

— Э... э, келинг, қайнанангиз яхши кўраркан шекилли, овқатнинг устидан чиқдингиз,— деди раис умр бўйи уйланмай ўтаётган Икром индамасга ер тагидан қараб, қўлидаги катта устихонни оғзидан бир зум оларкан. «Хўжайин»нинг бу «антиқа аския»сига бош бухгалтер, хазиначи, омбор мудири — ҳаммаси мириқиб хохолашди. Кулгиси қистаган ҳам кулди, қистамаган ҳам.

— Қани, бу ёққа ўтинг, индамай кириб, индамай чиқиб кетманг,— дея яна «олди» раис.

— Бу гал индаб чиқиб кетамиз, индагандаям «ичак-чавоғингиз»ни, — Икром индамас раисни қуршаб ўтирганларга бир-бир тикилиб чиққач, феъли баттарроқ бузилиб давом этди,— тит-пит қилиб ёки батамом суғуриб чиқиб кетамиз...

Қўлида чўяндек дўлана сўйили, чангдан ранги билинмай кетган латта этиги билан гилам устида турган бу одамнинг важоҳатини кўрган раиснинг баданига зириллаб муз югурди. Бошқаларнинг ҳам дамлари ичларига тушиб, оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

— Э, дўстим, қани кел, қимиздан бир сипқориб чанқоғингни қондир,— ёнидан жой кўрсатди пойгакда чувалчангдек чўзилиб ўтирган Салим чол. У ҳам урушдан сўнг Икром индамасни турқи-тароватидан бундай ўзгарган зайлда биринчи бор кўриши эди. Гўё сўйил даставвал ўзининг бошига тушадигандек, қаттиқ қўрқиб кетди. Олдидаги коса тўла қимизни, қўллари қалт-қалт титраб, жон ҳолатда Икром индамасга узатди.

— Биз тенгқурмиз, худо ёш берса, яна салдан кейин саксондамиз, урушгаям бирга бориб, деярли бирга қайтганмиз, тўғрими?— деди турган жойидан бир қадам ҳам жилмай Икром индамас.

— Жуда тўғри, дўстим, жуда тўғри,— шоша-пиша маъқуллади Салим чол.

— Душманга қарши жанг қилиб юриб, сен оёғингдан, мен эсам борйўғимдан айрилдим, тўғрими?— яна сўради Икром индамас.

— Мен-ку, оёқсиз қолдим, сен нега бор-йўғингдан... Ахир, ўғлинг, набираларинг бор, сенинг боланг — менинг болам, менинг болам...

— Чайналма!— Салим чолнинг гапини кесди Икром индамас,— ўтмишимнинг бори бир сенга маълум эди, энди бўлса буни бутун юрт билади. Шундай қилиб, ўзингча, мени гўё ер билан яксон қилдинг. Ҳа, майли, буниям қўя турайлик, лекин хомтама бўлма, икки дунёдаям сенинг боланг меники, менинг болам сеники бўлмайди. Негаки, сен қўшмачисан, уйингнинг тўрида ўтирган анови «жўжахўроз»,— Икром индамас раисни имлаб кўрсатди,— берган у-бу садақаларига учиб, яккаёлғиз қизингни эридан ажратволиб унга қўшиб қўйибсан, билдингми?! Менинг болам минг азобда кесаклар орасидан ажратиб тўдалаган сомонни сенга инъом этгани учун қўшиб қўйибсан! Сен... сен бир пиёла арақ учун имонини, номус-орини сотган одамсан! Мен сенга ҳеч қачон дўст бўлмаганман, бўлмайман ҳам...

Салим чолнинг тили айланмай қолди, шу аснода унинг кўз ўнгида урушдаги Икром партизан қад ростлаб турарди.

— Ўзингизга қараб гапиринг, — деди чўвак юзидан қони қочган раис, минг жаҳли чиқса ҳам, барибир, паст ва титроқ товуш билан. — Шунча одамнинг гувоҳлигида сиз хонадон соҳибини, мени, бошқалар-

элементлар киради. Уларнинг экиладиган ер қатламидаги миқдори жуда кам, у 1 процентнинг 100 дан, 1000 дан бирига тенг, холос. Ҳар бир экиннинг (масалан, пахта) ўзига керакли микроэлементлари бор. Булар ерда камайиб қолганда, пахтанинг унуми ва сифати ҳам пасаяди.

Замонавий юксак деҳқончиликда яна бир кимёвий материал — полимер пленкалар ва пластмассалар жуда муҳим роль ўйнайди. Эътироф қилиш керакки, ҳозирча полимер пленкалар етишмайди, унга бўлган талаб эса кундан кунга ошиб бормоқда. Полимер пленкалардан кўп марта ва энг рационал равишда фойдаланиш тажрибаси ортмоқда. Тошкентдаги лимонария бошлиғи Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Зайниддин Фахриддинов тажрибалари бунга яхши мисол ва ўрнак бўлиши мумкин. Бундан ташқари, пленкалар очиқда турган ем-хашак, ғалла экинларини қорёмғирлардан сақлашда ҳам жуда кўп қўлланиладиган бўлиб қолди. Улардан ўринли фойдаланилса ҳар йили Иттифоқ миқёсида 10 миллион тонна очиқдаги озуқа чиришдан сақланади.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган идишлар, яшиклар тайёрлашга катта маблағ сарфланади. Агар улар учун тахта ўрнида полимер материаллар ишлатилса, ҳар йили кўп миллионлаб куб метр тахта, ёғоч тежаб қолинган бўлар эди.

Экилган уруғларни пленка остида тезроқ ундириб олиш тажрибаси ҳам тобора кенг ёйилмоқда. Айниқса пахтачиликда мульча-пленканинг фойдаси кўп. Олимларимизнинг тажрибалари кўрсатишича, мульча остида пахта тез ўсади, тез пишади ва ҳосилдорлиги ошади. Дастлабки ҳисобларга кўра, мульча-пленка ишлатилган ҳар бир гектар ердан 15 центнергача ортиқча пахта териб олинган, бу 600 сўмдан кўпроқ соф фойда, шу туфайли ҳам пахтадан кўпроқ ҳосил олиш учун мульчани кенг ташвиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Енгил, юпқа мульча-пленка яхши натижа беради, деган умиддамиз. Шунинг учун ҳам республикамизда полимерлар заводи қурилиши мўлжалланган. Бунда полиэтилен ва поливинилхлорид қаторида келажакда поливинилфторид пленкалар ҳам олиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Навоий шаҳрида винилфторид заводи қуриш ҳақида Иттифоқ Кимё саноати министрлигининг қарори бор.

ТошДУ полимер проблемалари лабораторияси кимёгарлари полимер пленкалар, жумладан бир, икки марта ишлатилганларининг фойдаланиш муддатларини чўзиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу мақсадда олимлар мазкур пленкаларга электрон тезлатгич аппарати ёки гамма нурлари таъсири воситасида винилфторид ёки тетрафторэтилен полимерларини кимёвий пайванд қилиш ниятидалар. Таркибида фтор элементи бор полимер пленка ва бошқа жисмларнинг иссиқ, совуқ, қуёш нури ва бошқа ташқи таъсирларга пухталиги ҳозир яхши ўрганилган. ТошДУ электрон тезлатгич аппаратининг ҳамма қисмлари монтаж майдонига келтирилган. Аппарат план бўйича бу йил ишга туширилади. Гамма нури аппаратлари эса, Тошкент институтларида кўпдан бери ишлаб турибди. Ўрни келганда айтиб ўтиш керак: кўпчилик юқори сифатли полимер материалларини синтез қилиш (олиш) методлари ва табиий полимерлардан, яъни целлюлоза полисахаридидан тузилган пахта ва фиброин билан серицин оқсилларидан тузилган пилла ипаги ўзбекистонлик кимёгарлар томонидан синчиклаб ўрганилган. Бу борадаги илмий ишлар кенг миқёсда давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларида қишлоқ хўжалигининг барча маҳсулотлари фойдали равишда ишлатилиши лозимлиги уқтириб ўтилди. Кимё саноати колхоз, совхозлардан пахта, каноп заводларидан хом ашё олади. Булар ичида линт, шулха, ёғ қолдиқлари, ғўзапоя ва бошқалар катта аҳамиятга эга. Масалан, пахта линти (момиғи)дан минг-минг тонна целлюлоза олинади (у ёғочдан ҳам олинади). Целлюлоза — майда толали қордек оппоқ ва жуда тоза полисахарид модда бўлиб, у ўз навбатида кўп кимё заводларининг энг яхши ва жуда зарур ашёси ҳисобланади. Целлюлозасиз унинг ацетатлари ҳам, нитратлари ҳам, бошқа кўп нодир бирикмалари ҳам бўлмас эди. Пахта целлюлозаси мавжудлиги учун мамлакатимизда ацетат толадан турли-туман матолар ва кийим-кечаклар тайёрланади. «Свема» ва «Тасма» маркали олий сифатли киноленталар ва халқ хўжалигига зарур бўлган кўпгина буюмлар ҳам шу целлюлозадан ишланади. Қолаверса, бепоён совет мамлакатимиз мудофаа қудратининг ошишида пахта целлюлозасининг ҳам салмоғи катта. Пахта момиғи (линт)ни қайта ишлайдиган целлюлоза заводини Поп шаҳрида қуриш мўлжалланган. Бу тадбир бўйича момиқдан 40 минг тонна пахта целлюлозаси ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ғўзапоя қишлоқ хўжалигининг саноатга берадиган энг кўп миқдорли хом ашёсидир. Унинг бир йиллик миқдори Ўзбекистон бўйича 6 миллион тоннани ташкил этади. Ўзбекистон кимёгарлари республика Фанлар академиясининг институтларида ҳамда МХП институти (НИИХТЦ)да пахта ва ипакчиликнинг чиқиндилари устида катта тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Жумладан, улар ғўзапояни ёғоч ва қамиш ўрнида ишлатилиши мумкинлигини аниқладилар ва СССР Минлекбумпром ходимлари билан бирга Астрахань целлюлоза картон комбинати (АЦКК)да ДВП плитаси намуналарини олишга эришдилар. НИИХТЦда ғўзапоядан целлюлоза олинди ва ундан Минлесбумпромга қарашли бир қатор ташкилотларда турли навли картон ва қоғоз намуналари яратилди. Бу материаллардан қишлоқ хўжалиги ҳамда шаҳар қурилишларида кенг кўламда фойдаланиш планлаштирилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Совети бу ишга катта аҳамият бермоқдалар. Республикада ғўзапояни қайта ишлайдиган 4 та комбинат қурилиши режалаштирилди. Қурилиш жойлари белгиланди. АЦККда икки турли саноат машиналарида минг тонна пахта пояси ишлатиб кўрилди. Бундан бир неча йил илгари ғўзапояни Фарғона гидролиз заводида чигит шулхаси ўрнида ишлатиб кўрилганида, яхши натижаларга эришилган эди. Шулхадан олинадиган фурфурол ва қорамолларга бериладиган дрожжи ғўзапоядан ҳам олинган эди.

Шуни ҳам айтиш керак, ғўзапоя шулхага нисбатан кўполроқ ашё. Лекин шулха қорамолга жуда ҳам керакли озуқа ҳисобланади. Кимёгар олимларнинг фикрича, шулхани гидролиз заводларига тарқатиш озгина чекланиши лозим. Агар шулхани гидролиз заводларидан олиш имконияти бўлмаса, унда ғўзапоядан дрожжи заводи ишлаб чиқарадиган 3-4 та янги гидролиз заводи қурилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Булар фақат дрожжи ва фурфурол чиқарадиган қисқа циклли заводлар бўлиб, уларни колхоз ёки совхознинг ўзида қуриш мумкин. Улар колхоз, совхоз ихтиёрида бўлса, яна яхши.

Кечиктириб бўлмайдиган бу катта масалаларни кўтаришимизнинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалигида ҳам, унинг ҳамма соҳаларида ҳам асло чиқинди бўлмаслиги лозим. Бу биринчи навбатда пахтачилик устида тадқиқот олиб бораётган кимёгарлар ишлари натижасига боғлиқдир.

Биз юқорида пахтанинг линти ҳақида гапирдик. Бу масалада республика партия, ҳукуматимиз раҳбарлари фан тараққиётида олимларга катта ёрдам бериб, фан ютуқларини амалга жорий этишда жуда фойдали маслаҳатлар бериб келмоқдалар.

Хуллас, кимё қишлоқ хўжалиги, пахтачилик хизматида тобора равнақ топмоқда.

Ҳа, пахта жуда хазина ўсимлик бўлиб, унинг баргида, поясида, ҳатто илдизида ҳам қимматбаҳо кимёвий бирикмалар мавжуд. Биринчи галда пахта баргидан лимон кислота, олма кислоталарини ажратиб олиш мўлжалланган, булар медицинада, озиқ-овқат саноатида ва бошқа соҳаларда катта аҳамиятга эга.

Пахта барги дефолиациядан сўнг қурийди ва терим даврида, айниқса машина теримида майдаланиб, пахтага аралашиб кетади. Бу пахта сифатига салбий таъсир кўрсатади. Лекин шуниси ҳам борки, пахта тозалаш заводларида баргнинг бир ерга йиғилиб қолиши кимёгарларнинг ишини осонлаштиради. Москвадаги никотин заводида пахта баргини қайта ишлаш тажрибалари яхши натижалар берди. Бундай кичик заводлар республикамизда, иложи топилса, колхозларнинг ўзида қурилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда баргларни ташишга кетадиган харажатлар йўқолади. Колхоз ва колхозчиларнинг даромадлари ошади.

Энди ўрни келганда «кумуш тола» ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Республикамизда ҳар йили 30 минг тоннача ипак пилла олинади. Бунда ҳам кимёнинг ҳиссаси бор. Чунончи, пилла ҳосилини оширишда «барака» препарати жуда катта фойда бераётир. Маълумки, тут баргини ишлатганда минг-минг тонналаб новда қолади. Кимёгарлар бу чиқиндидан целлюлоза олишни ўргандилар. Бу целлюлозадан қурт пилла ўрайдиган катакли яшиклар ясаш кўзда тутилаётир. Техника фанлари кандидати Э. Х. Тожиевнинг фикрича, яшикларнинг пилла қуртларга «таниш бўлган» тут новдасидан ишланиши, қуртларнинг бу янгиликка тезроқ ўрганиб кетишига ёрдам беради. Бу фикрни кимёгарлар ҳам маъқуллайдилар. Пиллахоналардан чиққан тут новдасидан НИИХТЦ тажриба заводида целлюлоза олина бошланди. Тут целлюлозасидан, картон ва ундан кўп майда катаклик қуртлар пилла ўрайдиган яшиклар ишланади. Уларни шу йил кузда синовдан ўтказиш мўлжалланган. Кимёгарлар пиллачилар билан бирга фабрика чиқиндиси ҳисобланган серицин оқсилидан фойдаланиш усулини ҳам қидирмоқдалар.

ни ҳам ҳақорат қилдингиз. Бизлар ҳам ўз қадр-қимматини биладиган инсон, буларнинг ҳисоб-китоби бўлади...

— Сенларми, сенлар инсон эмассан! — Икром индамас бир одим олға ташлади.

— Киммиз бўлмаса? — раис гапирардию, икки кўзини дўлана сўйилдан узмасди. Қолганлар ҳам қимир этмай, ҳар зум кўтарилиши мумкин бўлган таёққа тикилиб қолишганди.

— Сен пихини ёрган шайтонсан, мана булар эса «дум»ларинг, — деди Икром индамаснинг ҳар бир кўзи шокосадек ўйнаб чиқиб. — Ҳисобот кунини кутиб ўтирмай, айтадиганимни ҳозироқ айтиб кетақоламан. Бу хонадонда наҳс босиб, атрофингни ўраб олган «каламуш»лар билан мушук-сичқон ўйнаб бесамар умр кечиргандан кўра, мундоқ атрофингга, жилла қурмаса, қўшни колхозга боққин. Ана жой — уларда сув бор, газ бор, йўллар равон, уйлар тахтиравон! У колхоз раисиям, раиси ёнидагилар ҳам: «Халқим», дейди. Сенлар-чи, сенлар: «Халқумим» дейсан, кечаю кундуз халқнинг тийинини, пешона тери тўкиб тўплаётган ҳақини ўмаришдан бошқа нарсани ўйламайсан. Ҳев бола, — Икром индамас бир ҳол, бир шакл бўлиб ўтирган раисга тикилди, — билиб қўй, кўпнинг ҳақи ёмон бўлади, бир кунмас-бир кун тиқилиб қолади, ё бўлмасам, тешиб чиқади. Сен-ку, халта-тўрвангни тўлдирган кунинг «ҳайё-ҳув» деб кетасан-қоласан. Еганнинг оғзига, бошқанинг ортига қараб юрган ёнингдаги анавилар-чи? Э, нафсонияти йўқлар...

Ўтирганлар бош кўтариб қарашса Икром индамас йўқ, чиқиб кетибди. Анча вақтгача гап-гапга қовушмади. Ниҳоят улардан бири: «Ошга пашша тушди», деса, бошқаси: «Ит ҳурар, карвон ўтар», деди. Хуллас, бир амаллаб раисни юпатишди. Раис эса, ўз навбатида, ҳали замон келиб-кетган «ярамас»ни боплаб жазолашни ваъда қилди.

Уч-тўрт кун ўтгач, жиҳозланган махсус бир машина келиб, Икром индамасни сув тараб юрган жойидан «ўғирлаб» кетди. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас, ўша машина уни олиб келди-да, ҳужжатларини ҳам йиғиштириб, яна шаҳар томон ғойиб бўлди. «Раиснинг илдизи бақувват экан. Икромнинг тупчугиниям қуритворадиган бўлди», дея шу заҳоти гап тарқатишди одамлар. Йўқ, ҳар қалай, орқа деразасига парда тутилган ўша «Волга» кечга яқин Икром индамасни уйининг эшигигача элтиб қўйиб, қайтиб кетди.

Бу билан воқеа тамом бўлмади, турли нотаниш машиналар Икром индамасни «ўғирлаб» кетар, яна олиб келиб қўяр эди. Нима гап, деб сўраганларга у «ҳеч нима» дегандек бепарво қўл силтар, салом берганларга, қадимгидек, хиёл бош қимирлатиб, уйдан далага, даладан уйга «кўк йўрға»сида қатнаб юрарди. Ҳамқишлоқларининг орасидан эса бир гап аримас: «Раис ахир қаматса кераг-ов», деб қўйишарди одамлар суҳбат шу мавзуга тақалганда.

Ниҳоят, бир куни қишлоқ радиоузели ҳаммани колхоз клубига чорлади.

— Икромнинг суди бўлармиш, — шивирлашарди клуб сари келаётганлар ўзаро. Ўриндиқларга одам сиғмай кетди. Минбарда республика ҳарбий комиссариатидан келган икки полковник, райондан келган раҳбарлар. Икром индамас «қора курси»да эмас, негадир табаррук меҳмонлар даврасида ўтирибди. Район ижрокомининг раиси йиғилишни очиб, масалани маълум қилди:

— Урушда нималар бўлмайди, ўша пайтда қуршов монелик қилган бўлса, кейинчалик, муҳим юмушлардан ортиб Икром ака боролмаган, «индамай» юраверган, — енгил ҳазил қилган бўлди раис. Сўнг республика ҳарбий комиссариатидан келган полковниклардан бирига сўз берди. Полковник икки-уч минутча сўзлаб, олдида турган қутичани очди-да, узоқ вақт эгасини тополмай юрган Олтин Юлдузни сувчининг кўксига тақиб, қаҳрамонни ихлос билан бағрига босди, икки бетидан ўпди... Чироқ нурида ярақлаётган Олтин Юлдуздан кўзлари қамашиб ўтирган раис қаматиш ниятида бошлаган ҳаракатининг оқибати бундай бўлишини қаёқдан билсин?!

Шу тун ўтиб, тонгда Икром индамас ишга бориш учун кўчага чиқай деса, эшик очилмасмиш. Кучаниб, бир амаллаб эшикни қия очса, кўча сомонга тўлиб турганмиш. Бу ҳам, сувчига ортиқча ташвиш бўлди. У колхоздан прицепли трактор чақиртириб, тунда кимдир тўкиб кетган «совға сомон»ни колхоз ғарамига қайтартириб юборди. Бошқа чораси ҳам йўқ эди — ўғли билан бирга тирма билан тўдалаб, эшакда ташиб сомонхонасини сомонга тўлдириб олганди. Шундай қилиб, у кунлар ўтди-кетдию, Икром индамаснинг кимлигини, Салим чолнинг кимлигини, раис ва атрофидагиларнинг кимлигини одамлар яхшигина билиб олдилар.



Ҳакима

Ҳакима кўп ўжар қиз,
Ўжарлик — бу ярашмас.
Эртаю кеч қизлардай
Онасига қарашмас.
Уй супирги кўрмайди
Ҳафтада бир, на чора.
Супиради инқиллаб
Ҳар вақт она бечора.
Кап-катта қиз ўйиндан
Бўшамас, қозон-товоқ —
Куни бўйи ювуқсиз,
Ётар у қалин қобоқ —
Ўйнамаса, данг қотиб
Пешингача ухлайди.
Она шўрлик қизининг
Аҳволидан «уҳ!»лайди.

Дилором ТОЖИЕВА

АҲМАДНИНГ ҚУЛОҒИ

Аҳмад уйдан чиққанда
Эшикни ёпиб юрмас.
Кўчада ҳам ҳовлиқиб
Йўлини топиб юрмас.
Ўқитувчи топшириқ
Берганида барчага,
Қулоқ солмайди Толиб
Эси кетиб кўчага.
«Оёғингни синфга
Артиб кир», дер санитар.
Аҳмад эшитмагандай,
Индамай кириб кетар.
«Кундаликка қўл қўйдир»,—
Деса синф раҳбари,
«Хўп»,— дейди-ю, унутар
Чиққанида ташқари.
Ҳой, «қулоқсиз», деса гар,
Хуноби ошиб биров.
«Бекор гап, кўриб қўй»,—
дер
Қулоғин ушлаб дарров.

Толиб ЙЎЛДОШ

Меҳнат нони

Меҳнат нони ширин бўлар,
Меҳнат қилган сирин билар.
Дангасанинг оғзи тахир,
Ишламасдан ейди ахир.
У мазасин билмайди ҳам,
Меҳнат нонин кўринг баҳам.

Ўйнасин

Болаларга тегманг, улар
Ўйнасин,
Тегувчилар болалигин
Ўйласин.
Ким бор экан ўйнамаган
Хўш, қани?!
Ким қўймас болаларга
Қўшгани.
Ўйнар эди у ҳам, лекин
На чора,
Оғир йиллар меҳнатидан
Бечора —
Бўшамаган... бугунгидай
Кун қайда?
Ўйинда ҳам бор тартиб ва
Қоида.
Уз вақтида одоб сақлаб
Ўйнаш шарт,
Эртанги кун тақдирин ҳам
Ўйлаш шарт.

Кўчамизда болалар кўп

Кўчамизда болалар кўп,
Ўйнашади бўлиб тўп-тўп.
Барчасин тенг ёшлари ҳам,
Ҳаттоки бўй-бошлари ҳам.
Аҳил, иноқ қадрдонлар,
Боқижонлар, Қодиржонлар —
Бир онадан туғишгандай,
Хизматга тенг туришгандай.
Меҳнатсевар, чаққон улар,
Ҳа, ҳаммага, ёққан улар,
Бизнинг кўча болалари,
Бир-бирига ўхшар бари.

Икки ўртоқ

— Ким келмаган тўйимизга,
Хотин-халаж уйимизга
Сиғишмаган, ҳовли тўлиб,
Бундай тўйни бола бўлиб,
Кўрмаганман шу ёшгача.
— Ҳа, тўйларинг бир бошқача
Ўтган,— дейди Карим Норга.
Чиқиб олиб у... чинорга.—
Мазза қилган эдимиз-ку,
Кўп нарсалар едимиз-ку.
— Тўғри, ёнғоқ, мағизларни
Олиб Дилбар, Наргизларни —
Меҳмон қилган эмасмидик.
— Ҳозир бўлса емасмидик?..

Икки ўртоқ кулишади,
Шундай суҳбат қуришади.

Биз болалар

Биз болалар ҳар хилмиз,
Ўқишда ҳам, ишда ҳам.
Мана менинг ҳаммадан
Карнай эмиш иштаҳам.
Соғлиғим соз, жойида,
Фақат ишга йўқ тобим.
Мактабга борсам, эсдан
Чиқиб қолар китобим.
Уйинда бундай эмас,
Оқсоқлаб ўйнамайман.
Карим, Зойирлар нега
Бундаймас, ўйламайман.
Баҳолари тўрт, беш, ҳа,
Катталардай юришар.
Соли деганда улар,
Эснаб, лаби буришар...

Қиш

Қиш қишлигин қилади,
Уз ишини билади:
Қор бўралар ўхшатиб,
Осмон кўнглин бўшатиб.
Изғирин от ўйнатар,
Ҳаммани бир ўйлатар.
Юлқаб қулоқ-бурнингдан,
Қўзғатади ўрнингдан.
Қиш — қаҳрли ёз эмас,
Ҳунари кўп, оз эмас.
Қиш бўлмаса баҳор йўқ,
Табиатда оҳор йўқ.

Тошкент, 1984

Қамбар ЎТАЕВ

Китоб қадри

Ўқитувчи синфда
Улашар экан китоб,
Илмга ташна қалбларда
Ёришди гўё офтоб.
Дарсликларнинг ичида
Бирини кўриб Жўра,
Кўз олдини тўсатдан
Қоплади туман хира.
«Бу китобни ўтган йил
Қандай бола тутибди?
Бетларини аямай,
Роса тимдаб-титибди.
Эссизгина, ўзи ҳам
Ололмагандир билим.
Ундан не кутиш мумкин,
Китобга қилгач зулм.
Варақларига роса
Атайлаб сургандай доғ.
Илмга беписандлик
Дунёда энг зўр гуноҳ —
Эл-юртга нур сочувчи
Қуёшга туфлашдай гап.
Билсам, у безорини
Бўғиб олардим шу тоб.
Кириб борди эртаси
«Ўқитувчи» нашриётига.
Муҳаррир етди унинг
Юракдаги додига.
Китоб тайёр бўлгунча
Чеккан ташвиш-азобни
Унутиб, у узатди
Қалб парчаси — китобни:
— Мана, ўғлим,
олақол,—
Ватан адабиёти.
Ватандай улуғ экан
Покиза табиатинг.
Истагим, ҳамроҳ бўлсин
Сенга ватан одоби.
Ҳаёт йўлинг ёритсин
Илм-фаннинг офтоби.

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 426-болалар боғчасида ёш авлодга эстетик тарбия бериш ишлари яхши йўлга қўйилган.
Суратда: тарбиячи Дилбар Хайруллаева машғулот пайтида.
Ф. Аминов фотоси

ЖОЗИБА

Республикамиз театрлари ҳақида суҳбат кетгудай бўлса, даставвал Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик драма театри ижодий коллективининг фаолияти ҳурмат билан тилга олинади. Дарҳақиқат, театрнинг деярли барча актёрлари маҳорати тўғрисида яхши фикрлар айтиш мумкин. Чунки бу коллектив аъзолари ҳатто эпизодик ролларда саҳнага чиққанларида ҳам ўзлари яратаётган образларни меъёрига етказиб адо этадилар. Бундай илиқ фикрларни ҳозирги кунда устозлар изидан бориб, уларнинг анъаналарини муваффақиятли давом эттираётган Ёқуб Аҳмедов, Ойдин Норбоева, Турғун Азизов, Гулчеҳра Жамилова, Обид Юнусов, Толиб Каримов, Дилбар Исмоилова сингари актёрлар фаолияти ҳақида ҳам эшитамиз.

Мана шу ўзига хос истеъдод соҳиблари орасида Римма Аҳмедованинг ҳам ўз ўрни, ўз овози бор. Бу меҳнатсевар, изланувчан актриса ҳақида СССР халқ артисти Наби Раҳимов фахр билан шундай дейди: «Труппамиз актёрлари орасида Римма чинакам қобилияти билан ажралиб туради. У ниҳоятда камтар, босиқ, камгап. Бироқ сиз уни репетиция вақтида ёки спектаклларда кўринг! Образга заргарона ёндашиш, деб шуни айтадилар. Ижодий жараёнда Римманинг объектив ва принципиаллиги мени ниҳоятда қувонтиради. У аввалambор ўзига, ундан кейин эса ҳамкасбларига ниҳоятда талабчан. Бироқ бу иқтидорли актрисанинг бой ижодий имкониятларидан ҳозирга қадар тўлиқ фойдаланилмаяпти. Масаланинг ана шу томони мени ташвишга солади. Бу актриса чуқур драматизм билан суғорилган образлар, трагик ролларни ҳам, шу билан бирга комик ролларни ҳам томошабинларга манзур эта олади. Чунончи, «Қирол Лир» спектаклидаги Корделия ёки «Парвоз»даги Санам образлари билан «Келинлар қўзғолони»даги Меҳри ўртасида қандай муштарак хусусият бўлиши мумкин? Ваҳоланки, ҳар учала образни ҳам Римма маромига етказиб, тугал ижро этишга муваффақ бўлган».

Дарҳақиқат, актриса ҳар бир ролга ижодий ёндашади, образлар хусусида чуқур мушоҳада, теран фикр юритади.

Мана, Римма Аҳмедова ўз ижодий фаолиятини бошлаганига ҳам йигирма йилдан ошди. Катта санъат даргоҳига қадам қўйиб, илк бор саҳнада ижро этган роли «Биринчи муҳаббат» спектаклидаги Роҳила образи эди. Шундан бери актриса саҳнада яратган Нигора («Оқ кабутар»), Юлдуз, Назокат («Парвона»), Елена («Улимдан кучли»), Корделия («Қирол Лир»), Маргарита Бургунди («Ажал минораси»), Нина («Оқшомдан тушгача»), Шарқия («Кўк эшик ортидаги аёл»), Тие («Уғирланган умр»), Марта («Баланд қоядаги аёллар»), Меҳри («Келинлар қўзғолони»), Тати («Мен Чилига ишонаман»), Хонзода («Бой ила хизматчи»), Хемнолини («Ганг дарёсининг қизи») ва бошқа қатор аёллар образлари яхши бир санъат китобининг мазмунли, гўзал саҳифаларига айланди.

«Албатта, бундай муваффақиятларга эришишим ўз-ўзидан бўлгани йўқ,— дейди Римма Аҳмедованинг ўзи.— Энг аввало мен устозлар кўмагини, улар берган ўгитларни ҳурмат билан тилга олишим лозим. Чунки мен актриса сифатида Саъди Табибуллаев, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Зайнаб Садриева, Тошхон Султонова каби театр санъати усталарининг номларини миннатдорлик туйғуси билан тилга олгим келади. Буларнинг ҳар биридан оламжаҳон актёрлик маҳоратини ўрганса бўлади. Улар ҳеч қачон бир-бирини такрорламайдилар. Шунингдек, саҳнадаги ҳамкорларим ҳам менинг ижодий фаолиятимга маълум маънода ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Театрнинг коллектив санъати эканлиги яхши маълум. Театр ишида ёлғиз муваффақият қозониб бўлмайди».

Дарҳақиқат Р. Аҳмедова ўз ижроси билан ҳамкорларига қанчалик кўмаклашса, ўз навбатида улар ҳам актриса муваффақиятига пухта замин яратишда фаол иштирок этдилар.

Актриса саҳнага олиб чиқаётган бу образларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, «Тарих тилга кирди» (З. Саидов ва Н. Сафаров) спектаклидаги Таннозхон бор-йўғи биргина кўринишда иштирок этади, атрофдагилар билан ҳеч қандай мулоқотда бўлмайди. У базми жамшид қуриб ўтирган бир тўда қора гуруҳлар кўнглини овлаши — қўшиқ айтиб бериши, сўнгра эса бадфеъл, калтафаҳм акаси тазйиқига кўра, ўзини отаси тенги киши ихтиёрига топшириши лозим. Бу даҳшат бокира қизни бутунлай ларзага солади, унинг сийратини маҳв этиб, қуруқ суратга айлантиради.

Мана, саҳнада даҳшатда адойи тамом бўлган фожиали бир ҳолатда Таннозхон — Римма Аҳмедова пайдо бўлади. Қўшиқ айтиш учун на мажол, на хоҳиш бор унда. Бироқ у дутордa жўр бўлишга шай турган акаси қистовида қўшиқ бошлайди. У қўшиқнинг дастлабки бандини айтади, холос. Кейин эса ўксиб-ўксиб йиғлайди. Мазкур эпизодда актриса, ор-номуси, орзу-умидлари, соф инсоний туйғулари, ғурури топталган, ер билан яксон бўлган қизнинг фожиасини, қалб ҳайқиғиғини, изтиробларини тўла етказиб беради.

Актриса ижросидаги Хемнолини («Ганг дарёсининг қизи», Р. Тагорнинг «Ҳалокат» романи асосида) эса бутунлай ўзгача образ. Хемнолини кўз ўнгимизда босиқ, вазмин, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата оладиган зеҳнли, зукко образ сифатида гавдаланади. Ана шу фазилатларнинг барчасини Хемнолини — Р. Аҳмедова табиатига хос том маънодаги садоқат мужассамлаштириб туради. Айниқса, севгилиси Ромешга бўлган муносабатларда Римма Аҳмедова Хемнолини феълатворининг кўрки — садоқат руҳини ёрқин гавдалантиришга эришган.

«Мен Чилига ишонаман» (Ю. Чичков) спектаклида Римма Аҳмедова бутунлай ўзгача қиёфада кўринади. У Сальвадор Альенденинг қизи Тати ролини ижро этади. Тати актриса яратган энг етук образлардан биридир. Мазкур спектакль Чилидаги сиёсий вазият қалқиб турган давр — С. Альенденинг президентликка сайланиш арафасидан ҳарбий тўнтариш содир бўлгунга қадар ўтган давр ҳақида ҳикоя қилади. Тати чинакам ватанпарвар, ўз халқининг озодлиги, бахт-саодати учун қайғурувчи, отасининг тақдиридан доимо ташвишланувчи, ҳар қандай масалада ўзининг аниқ позициясига эга инсон сифатида томошабин кўз ўнгида гавдаланади.

Шу ўринда спектаклдаги асосий қаҳрамон — Сальвадор Альенди образининг ижрочиси Олим Хўжаевнинг саҳнадошига кўрсатган маънавий таъсирини актрисанинг ўзи шундай ифодалайди: «Дарҳақиқат, яратаётган образингнинг қай даражада чиқиши ҳамкасбларга боғлиқ. Чунки сен уларнинг ижросига қараб, ўзингдаги камчилик ва хатоларни тузатишга ҳаракат қиласан. Шу маънода бу спектаклда Олим Хўжаев менга катта ёрдам берди. «Ёрдам» деганда бирор нарсани бевосита кўрсатиб беришни тушунмаслик керак. Бу шундай маънодаки, Олим аканинг қанчалик берилиб, маҳорат билан ўйнаётганини кўриб, ўзинг ижро этаётган ролга нисбатан масъулият ҳисси ортади. Саҳнадаги бўшанглик, ҳиссизлик образга нисбатан хиёнатдир. «Ун учинчи раис» спектакли репетициясига ҳаммадан кеч кириштганман. Бироқ ўз устимда тинмай ишлаб, ҳамкасбларимга етиб олишга ҳаракат қилдим. Бу спектаклдаги ҳар бир актёр ижроси тугал, десам хато қилмаган бўламан. Уларнинг ҳаммаси ўз ролини ниҳоятда севади, жон-жаҳди билан ижро этади. Шунинг учун унда ўртача роль ижро этишнинг ўзи гуноҳ».

Маълумки, Ҳамза номидаги театр Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасини қайтадан саҳналаштирди. Шу ўринда бир нарсага тўхталиб ўтишга тўғри келади. Римма Аҳмедова шу спектаклнинг илгариги вариантида Гулбаҳорни ижро этганди. Бу сафар эса Хонзода образини жонлантирди. «Бу образнинг олдингги ижрочиси ҳақида кўп эшитганман,— дейди актриса.— Тўти Юсупова ижросини эса кўп маротаба кузатганман. Янги вариантда ўша, илгариги ижро талқинларидаги яхши томонларни, шунингдек, режиссёр Т. Хўжаев талабларидан келиб чиққан баъзи хусусиятларни сақлаб қолишга ҳаракат қилдим. Назаримда, Хонзода — йиғлоқи эмас. Чунки бундай одамнинг кўлидан ҳеч нарса келмайди, у кучсиз бўлади. Хонзода ниҳоятда маккор, у ичидаги дардини бировга сездирмайди, ичидан қиринди ўтса ҳам, кулиб туради». Ҳақиқатан ҳам, актриса ижодидаги Хонзода ўзининг ҳар бир ҳаракати, биргина сўзи, ҳатто унсиз ҳолатларида ҳам атрофдагиларга кимлигини таъкидлаб туради. Унинг бир қўл силташи, нимчасининг этагини бир тортиб қўйишининг ўзиёқ бошқалардан ўзини юқори тутишига, унчамунча одамни назарга илмаслигига ишорадир. Хонзоданинг Гулбаҳорга гапираётгандаги ҳолати, важоҳати, айниқса, Пошшоойим билан қилган даҳанаки жанг эпизодлари актриса имкониятлари нақадар кенг, бойлигининг ёрқин далилидир.

Яқинда Пиримқул Қодиров романи асосида саҳналаштирилган «Юлдузли тунлар» спектаклидаги Хонзодабегим Римма Аҳмедова яратган сўнгги тиниқ образлардан биридир. Хонзодабегим ғоят нафис қалб, беқиёс идрок соҳибаси. У кўз ўнгимизда мағрур, матонатли, бир сўзли инсон сифатида намоён бўлади.

Булар актрисанинг театрда яратган ранг-баранг образларидан баъзи намуналар, холос. Р. Аҳмедова ижодиёти камолот сари йўл тутмоқда. У нафақат театр саҳналарида, балки, республикамиз киночилигида ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. Талантнинг бу қирраси ҳам унинг истеъдоди даражасидан шаҳодат бера олади.

Гулчеҳра УМАРОВА

ТЕАТР

Чўл фарзанди

Камол бугун даладан барвақт қайтди. Эртанги учрашув олдидан фикрларини жамлаб, пухта ўйлаб олгиси келди. Турмуш ўртоғи Ашуройнинг: «Чойингизни ичиб олинг», деган қистовига ҳам қарамай, болалари ўйнаб ўтирган хонага кириб кетди.

Қизлари Назокат билан Шафоат кўчага чиқиб кетишган, Дилафрўз эса укаси Жаҳонгирни ўйнатиб ўтирибди. Камол фарзандлари билан бир оз чақчақлашди. Кейин кўрпачага ёнбошлади. Фарзандларига меҳр билан тикиларкан, уни хаёл узоқларга олиб кетди.

...У асли Самарқанд область, Булунғур районидаги «Красногвардейский» совхозидан. Болалиги анча оғир ўтди. Ота-онадан жуда эрта етим қолди.

Ўн олти ёшли Камол оилада ҳам ота, ҳам она ўрнида эди. Яхшиямки, қариндош-уруғлари етим болаларнинг жонига оро киришди. Уларни амакиси боқиб олди.

Камол меҳнат фаолиятини бригада дала шийпонига қоровуллик қилишдан бошлади. Лекин тез орада бу иш унинг жонига тегди. Кун сайин кучга тўлиб, балоғатга етиб бораётган ўспирин чинакамига меҳнат майдонини қўмсади.

Бир куни уларнинг уйига Мирзачўлда ер ўзлаштираётган қариндоши Худойберди келиб қолди. Икки қариндош узоқ суҳбатлашишди. Худойберди чўл қийинчиликлари ҳақида оширмай-яширмай гапириб берди. Камол чўлга боришга қатъий аҳд қилди.

— Тўғри қиласан, ўғлим,— деди тракторчи амакиси Абдужалил ака Камолни рағбатлантириб. — Чўлга сенга ўхшаган серғайрат ёшлар керак... Уканг Жамолдан ташвиш қилма. Бизникида яшайверади.

Ўша йиллари қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳаракати кенг қулоч ёйган, асрий қақроқ даштларга чинакамига ҳужум бошлаб юборилган эди.

Камол ҳолаваччаси Худойберди билан бирга Сирдарё область, Ильич районидаги «Правда» совхозига келди. У пахтачилик бригадасида ишлай бошлади. Лекин кўп ўтмай, тракторчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсга ўқишга ёзилди.

Ёш йигитни совхознинг илғор механизатори Омон Алиқуловга шогирд қилиб беришди. Камол тракторни мустақил бошқаришга шошилмади. «Бир оз ишлай, кўзим пишсин, тажрибам ортсин, ҳайдаш бўлса қочиб кетмас», деб таскин берарди ўзига. Омон ака унга механизаторлик касбини ўргатибгина қолмай, деққончилик, айниқса, пахтачилик илмидан ҳам хабардор қилиб борди. Бир неча йилдан сўнг Камолни бригадага тракторчи қилиб ўтказишди.

Мана, ўшанга ҳам ўн беш йил бўлибди. Бу орада совхознинг тўрт бўлимида тракторчилик қилди. Лекин қаерда ишламасин, ҳалол меҳнати билан ҳурмат қозонди.

Камол тракторни ишлатишдан олдин мойи, тормозлари, ҳайдов ва чопиқ органларини яхшилаб кўздан кечиради. Иш вақти тугагач, машинани шеригига ёнилғи-мойларнинг бор-йўқлигини, ишчи органларининг соз-носозлигини кўрсатиб топширади. Ўзи ҳам шеригидан худди шундай қабул қилиб олади. Ёнилғи-мойлаш моддаларининг исроф бўлишига, трактор моторининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўймайди.

Бир воқеа ҳали-ҳали Камолнинг эсида:

Тракторда мустақил иш бошлаган дастлабки йиллар эди, шеригидан сменани қабул қилгани далага кетаётганди. Узоқдан тракторининг таниш овозини эшитди. «Шеригимнинг ғайрати зўр-ку», деди у ўзича мамнун бўлиб. Кайфи чоғ эди, янада хурсанд бўлди. Лекин яқинроқ келиб, аҳволни кўргач, Камолнинг ғазабдан аъзойи бадани титраб кетди. Трактор ўт олдирилган, мотор «ғайрати ичига сиғмай» вағиллаб ишлаб турибди... Аммо трактор устида шериги кўринмайди. Тракторга сакраб чиқиб, моторни ўчирди. Тракторнинг овози ўчиши билан унинг панасидан шериги ҳам кўзлари олазарак бўлиб чиқиб келди.

— Тентак! Нега ёнилғини исроф қиласан!— Камол ҳали ўзини ўнглаб олмаган шериги устига бостириб келди.— Ўчириб қўйсанг бўлмайдими?

— Нима, ёнилғи сеникимиди!?. Бир-икки литр кетса кетибди-да.

Камол азбароий ғазабга минганидан дағ-дағ қалтирарди. Зўрға ўзини тутиб олди:

— Бошлиқларга айт,— деди дудуқланиб.— Бошқа бўлимга ўтказишсин. Мен ишлай олмайман сен билан.— Шундай деди-ю, тракторнинг кабинасига ўтириб, ер ҳайдай кетди.

Ёмонни кўриб, яхшиликни ўрган, деган гап бор халқимизда. Ўша воқеа сабаб бўлдию, Камолда дангасаликка, текинхўрликка, исрофгарчиликка қарши нафрат янада ортиб кетди, бундай иллатларга қарши муросасиз кураш унинг эътиқодига кун сайин чуқур сингиб борди.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейишади. Камолнинг бахти шундаки, унга ёрдам қўлини чўзган, қўлларидан келганича яхшиликка ўргатиб устозлик қилган кишилар унинг ҳаёт йўлида кўплаб учради.

Дарҳақиқат, тракторчи амакиси Абдужалил ака, совхознинг илғор механизаторлари Холмат Ҳайдаров, Омон Алиқулов унга техникани севиб ардоқлашни ўргатишган бўлса, бригада бошлиқлари, ветеран чўлқуварлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тоғай Идиқулов, Абдурасул Мамадиев, бўлим бошқарувчиси Эгамберди Ботиров пахтачиликдан мўл ҳосил олиш сирларини ўрганишида мураббийлик қилдилар.

1982 йил кузи ғалати келди. Эрта кузда биринкетин ёмғир, қор ёғиб, кўпчиликни саросимага солиб қўйди. Бир ёқда пахта, бир ёқда сабзавот-полиз экинлари йиғиштирилмай ётибди. Йўқ, кейин ҳаво яна юришиб кетди. Камол пахта териш машинасига ўтирди. Ўзини аямасдан ишлади. Даладан далага кўчиб, аввал пахта, сўнг кўсак терди. Йиғим-терим тугагач, хомчўт қилиб кўрса, совхоз хирмонига 280 тонна «оқ олтин» тўкибди. Пахта йиғим-терими тугагач, далаларни шудгор қилишда ҳам ғайратини сусайтирмади, салкам 90 гектар ерни сифатли қилиб шудгорлади.

Ўша куз кунларидан бирида Камолни совхоз директори йўқлаб қолди.

Замондошларимиз

Камол директор хонасига кирганида, Абдураззоқ Қаюмов телефонда ким биландир гаплашаётганди. У бош иргаб саломлашди-да, йиғитни ўтиришга таклиф қилди. Сўнг директор қоғозга нималарнидир тез-тез ёзиб ола бошлади. Гаплашиб бўлгач, Камолга юзланди:

— Камолжон, яхши биласиз, Шавқи Пардаев бригадаси ҳосилдорликда кўп йиллардан бери бир жойда депсиниб турибди. Биз маслаҳатлашиб кўрдик. Бригадани сиз қабул қилиб олсангиз... Нима дейсиз?

Орага узоқ жимлик чўкди. Камол бошини қуйи солганича жим ўтирарди. Сукунатни яна совхоз директори бузди:

— Вақтимиз зиқроқ. Шудгор қилиб, яхоб суви беришни тезроқ бошлаш керак.

— Абдураззоқ ака, трактор туфайли қорним тўқ, устим бут бўлди. Шунинг учун тракторни ташлаб, бошқа ишга ўтолмайман,— деди ниҳоят Камол ерга қараб,

— Сизни тракторчи-бригадир қилиб тайинлаймиз, ҳам трактор ҳайдайсиз, ҳам бригадани бошқарасиз.

Камол рози бўлди. У бригадада ишни меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан бошлади. Коллектив аъзолари билан маслаҳатлашиб, бригада пудрати асосида ишлашга қарор қилишди. Ерларни сифатли шудгор қилишга алоҳида эътибор бериб, бу ишда ўзи шахсий намуна кўрсатди. Шудгор тугаши билан яхоб суви беришга киришишди. Бригада сувчилари Абдураззоқ Раҳимов, Ғайрат Алматов, Исмоил Мамасолиевнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришларини яхши билса ҳам, уларнинг ишларини ҳар куни назорат қилиб турди.

Келгуси йили баҳорида бригадада чигит етти кунда — совхозда биринчилардан бўлиб экиб тугатилди. Лекин табиат ёш бригадир Камол Халиловнинг уқуви, шижоат ва матонатини яна синаб кўрмоқчи бўлди, шекилли, ёзда ҳарорат кескин кўтарилиб кетди. Ғўза япроқлари сарғая бошлади. Жазирама ҳароратнинг кучи кесилмаса, шоналарнинг тўкилиб кетиши, ғўза гулининг қовжираб қолиши ҳеч гап эмасди. Ҳосил тақдири хавф остида эди.

Аввалига Камол ўзини йўқотиб қўяёзди. Бундай табиий офатга ҳеч дуч келмаганди-да, кейин ўзига таскин берди: ахир, бу қийинчилик биргина менинг даламга эмас, ҳаммага бирдай келган «тўй-ку». У кекса, тажрибали пахтакорлар билан маслаҳатлашиб, ғўзаларни тунда суғоришни ташкил этди. Ғўзаларнинг остидан нам аримади. Сув танқис бўлиб қолган кезларда эса зовурлардаги оқова сувлардан ҳам фойдаланишга тўғри келди.

Камол Халилов ҳам механизатор, ҳам бригадир сифатида бу курашнинг олдинги маррасида турди. Кузда икки қаторли пахта терим машинасидан 200 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкди.

Бригада совхозда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. Гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштирилди, қўшимча мажбурият ҳам шараф билан адо этилди. Бу — аввалги бригадир Шавқи Пардаев раҳбарлигида эришилган энг юқори кўрсаткичдан 12 центнер кўп эди. Бригадир дала ишларида механизмлардан фойдаланишга катта эътибор қилди. Ялпи ҳосилнинг 83 процентини машиналарда терилди. Ҳолбуки, бир йил аввал ҳосилнинг ярмигина механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинганди. Бу катта муваффақият эди.

Худди шу йили меҳнатдаги улкан ютуқлари ва техникадан юқори унум билан фойдаланганлиги учун чўлқувар ишчи Камол Халиловга СССР Давлат мукофоти берилди.

Табрик кетидан табрик ёғилиб кетди. Уйда ҳам, далада ҳам табрикларни келган ёру биродарларнинг кети узилмасди.

Камол техникадан фойдаланишда ишнинг сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишни биринчи даражали вазифа ҳисоблайди. У бошқарган тракторнинг бир кунлик иш унуми пландаги 5,7 гектар ўрнига 7,6 гектарга етди. У ёнилғини тежаш ва техника қаровига кетадиган маблағни иқтисод қилиш планларини ҳам оширib бажармоқда.

Камол Халилов ҳар бир меҳнат жараёнига ижодий ёндашади. Масалан, ғўза зараркунандаларига қарши курашда заҳарли кимёвий дори — далапонни сепишнинг одатдаги усули кўпдан бери уни қаноатлантирмай келарди. У бу усулни такомиллаштириш тўғрисида кўп бош қотирди, кейин совхоз бош инженерига ўзининг рационализаторлик таклифини баён қилиб, амалда кўрсатиб ҳам берди. Бунда далапон қуйилган цистернага «Андижанка» насосининг помпаси монтаж қилинади. Натижада иш ҳажми ва суюқлик дори қуйиб олиш учун сарфланадиган вақт беш баравар қисқаради. Ушбу янгиликнинг жорий этилиши туфайли эндиликда ҳар йили совхознинг 17—18 минг сўм пули тежаб қолинаётир.

Совхоз директори Абдураззоқ Қаюмов новатор бригадир ҳақида шундай дейди:

— Камол Халилов — Мирзачўл фарзанди. У механизаторлик қилаётган ва бошқараётган бригада Сирдарё областида энг юқори ҳосилли коллективлардан. Унинг хизмати оддий, лекин қиммати олий.

Ҳалол меҳнати туфайли Камол Халилов юксак мукофотга сазовор бўлди. У янада катта зафар марраларини кўзлаб меҳнат қилаётир.

Абдуғаним ОТАМЕТОВ

Қўшкўпир районидаги биринчи даражали наслдор ўрдакчилик хўжалигининг директори Раҳимбой Машарипов.

Наслдор ўрдакчилик хўжалиги ветеринария врачи Рўзимбой Ғоипов ва бош зоотехник Ҳусан Қутлимов.
Н. Шарипов фотолари.



Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Гул шайдоси.

В. Лешченко фотоси.

А. **ВИНЕР**. ТИҚУВЧИ-МОТОРИСТКА З. МАТКАРИМОВА ПОРТРЕТИ

Суратда: Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозининг илғор сут соғувчилари: (чапдан) опа-сингил Холниса ва Ириса Сарбоевалар, Анорхон Отажонова, Нурхон Мадаминова.

Н. Шарипов фотолари.

Хива районидаги Фрунзе номли колхоз Маданият уйида санъат музейи ташкил этилди.

Музей залида.

Н. Шарипов фотолари.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Китоб шаҳридаги Улуғбек номли Халқаро Кенглик станцияси.
А. Гаврилюк,
В. Ярошенко фотоси.



А. ВИНЕР.
СУРХОНДАРЁЛИК
ЧЎПОН



Болалар — ҳаёт гуллари.
(Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозидаги «Эртак» болалар комбинатида).
В. Лешченко фотоси.

БАХТ

— Яқинда областимиз маркази Урганч шаҳрида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Орамиз сийраклашиб қолибди. Солдатлик шуҳрати орденларининг тўлиқ кавалери Раҳим Авазмуродов ҳам бугун қаторимизда йўқ... Хотирам кўзгусида бир умрга ўчмас бўлиб қолган кишилар жуда кўп эди. Инсон бахт сўзини кашф қилишида Улуғ Ватан урушида кечган йиллар ҳам бир давр бўлганлигини ўйлаб кетаман...

Қўшкўпир районидаги 1-даражали наслдор ўрдакчилик хўжалиги директори, Улуғ Ватан уруши инвалиди Раҳимбой Машарипов гапни ана шундай бошлади, бизга фронт воқеаларидан сўзлаб берди... У она-Ватан бошига кулфат тушганда қалб амри билан жангга отланди. Иккинчи Украина фронтининг 68-гвардиячи дивизияси 2-батальонида миномётчи бўлиб хизмат қилди. Харьковни озод этишда қатнашди. Днепр дарёсидан ўтишда мардлик кўрсатди. Қисмларимиз гўзал Украина дарёсини қайиқ ва солларда кечиб ўтарди. Раҳим Машарипов ҳам биринчилар қатори соҳилга тушиб, олдинги марралардан бирини эгаллади. Соҳилда оғир жанглар бўлди. Қаттиқ яраланди. Қирқ бир кун даволаниб қуролдошлари сафига қайтди. Бу пайтда унинг батальони Кривой-Рогда мудофаада турар эди. Ана шу ерда етти жойидан жароҳатланди. Бу гал тўрт ой даволанди.

1945 йил, 16 февраль. Бу кунни у асло унутолмайди. Шу куни старший лейтенант Н. Божидомов бир неча кишини разведкага юборди. Улар орасида Раҳимбой Машарипов ҳам бор эди. Командир жўнаш олдидан разведканинг мақсадини тушунтирди: қаршидаги тепаликдан ўтиб, душман позициясининг ҳолатини аниқлаш, асосий ўт очиш нуқтаси қаерда эканлигини ракета отиб маълум қилиш... Мана, ер бағирлаб боришаяпти. Уқ ёмғирдек ёғарди. Эмаклаб бораётганларнинг бир нечаси жойидан қўзғалмай жимиб қолди. Фақат уч киши сургалиб боряпти. Олдингаги қозоқ йигити ҳам бир тўлғандию жим бўлди... Раҳимбой Машарипов ён бошлаб ётганича ракета отди, шу пайт ёнгинасида снаряд портлади. Кучли силтаниш уни бир неча метр нарига ирғитиб ташлади. Уч метр нарида бомбадан ҳосил бўлган чуқурча кўзга ташланиб турарди. Шунга қараб эмаклади. Осколка чап оёғининг сон суягини узиб кетган эди. Қандай қилиб бўлса ҳам қонни тўхтатиш керак. Кўйлагини йиртиб, ярасини боғлади. Ўн икки соат давомида ёлғиз ўзи ўлим билан олишиб ётди. Кейин нима бўлганлигини билмайди. Уни чала жон ҳолда топиб олишди. Ўн саккиз ярим ой давомида Ессентуки ва Пятигорскда даволанди. Етти марта операция қилишди. Шундан ўн тўрт ой гипсда ётди.

Ўшанда ҳам у қуролдош дўстларини эслади. Ўн тўққиз ёшигача бўлган умр саҳифаларини хотирлаб чиқди. Виждонига хилоф иш қилмабди. Йўқ, ўтган умрига ачинмайди. Энг гуллаган ёшлик пайтида кўксини қалқон қилиб Ватанни ҳимоя этди. Айни ўйнаб-куладиган кунларида, мана, гипс ичида ётибди. Эсон-омон юртига қайтса, умрини фақат яхшиликка, одамларга хизмат қилишга бағишлайди. Болалигида эшитган эди: халқ қаҳрамонларидан бири ўзининг айбдор эмаслигини исбот қилиш учун бир таноб ерда ёқилган олов ичига киради. Агар гуноҳкор бўлса, ўша ўғлон ёниб кетиши керак экан, аммо у оловдан омон-эсон чиқади. Албатта, бу бир афсона. Лекин унинг тагида ҳақиқат бор. Фашистлар Шимолий Қутбдан Қора денгизгача бўлган чексиз майдонда уруш оловини ёқдилар. Совет кишилари бу машъум оловдан ғолиб чиқдилар. Советлар мамлакатининг кураши адолатли эканлигини бутун дунё олдида исбот этдилар. Раҳимбой ака шуларни ўйлар экан, киприклари намланди: бу кунга кимлар етди, кимлар етмади...

1946 йилнинг августида Раҳимбой ака қадрдон юрти Қўшкўпирга қайтиб келди. Район ер ишлари бўлимида ишлади. Аввал зоотехник, сўнгра бош зоотехник бўлди. Кўз очиб-юмгунча шунча йил ўтиб кетибди. У бундан афсусланмайди. Чунки умрининг ҳар бир куни эл-юрт учун, фаровон турмуш учун бағишланди!

Кейинги йилларда воҳада мўл гўшт етиштириш масаласи кўндаланг турар эди. Ҳамма воситалар, имкониятлар ишга солинди. Қўшкўпир район бўрдоқичилик базасида ўрдакчилик хўжалиги ташкил этиш фикри туғилди. Бу иш аслида оддий бир қизиқувчанликдан бошланди. Марказий газеталардан бирида қўшни Туркманистон ССРнинг Тошҳовуз районидаги Ленин номли колхозда ўрдакчилик яхши ривожланаётгани ҳақида ёзилган эди. Шуни бориб кўриш керак, деди Раҳимбой ака бўрдоқичилик фермасининг мудири Жўманиёз Абдалниёзовга. Бу фикр маъқул тушиб ўша ёққа кетишди. Қарашса, 55—60 кунда ҳар бир ўрдак икки килограмм гўшт берар экан. Бу кони фойда-ку! Наҳотки, Қўшкўпирда ҳам шундай ферма ташкил этиш мумкин эмас. Колхоз раисига учрашиб, ўрдак тухуми сўрашди. Раис рози бўлди. Дарҳол қайтиб келиб район партия комитетининг биринчи секретари Матжон Ваисовга учрашиб, мақсадни айтишди.

Райком секретари обдон тинглади, масаланинг моҳиятини тушуниб, хурсанд бўлди. Қурилиш ташкилотларига янги ўрдакчилик фермаси учун бино қуриш вазифаси топширилди. Туркманистондан беш минг дона тухум олиб келинди. Натижа унча қувончли бўлмади. Инкубация йўқлиги, тажрибасизлик оқибатида тухумларнинг учдан биригина жўжа очди. Лекин умидсизликка тушишмади. Қурилиш ишлари жадал олиб борилди. 1978 йилнинг июнь ойида Тожикистон ССРнинг Ленинобод районидаги Конибодом ўрдакчилик совхозига борган Раҳимбой акани яхши кутиб олишди. Мақсадни билишгач, бажонидил ёрдам беражакларини айтишди. Лекин ўн беш минг дона тухумни қандай қилиб олис Хоразмга етказиш муаммо эди.

Тажрибали фронтчи Раҳимбой Машарипов бунинг ҳам иложини топди. Конибодомга Қўқон анча яқин экан. Тўғри шаҳар партия комитетига кириб борди. Секретарь қиз ичкарига кириб, қайтиб чиқди. Раҳимбой ака бир оёғини судраб олганча эшикни очар экан, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўрнидан туриб, ўзи томон қулимсираганча қўл чўзиб келаётганлигини кўрди. Илиқ кўришишди. Раҳимбой ака муддаога ўтди, транспорт зарурлигини айтди. Секретарь қизғин маъқуллаб, бажонидил ёрдам берамиз, деди. Дарҳол аэропорт бошлиғига телефон қилди. Бўлим мудирларидан бирини қўшиб, уй ва хизмат телефонлари номерини берди: мабодо қийинчилик туғилгудай бўлса, сира тортинмай қўнғироқ қилинг, деб тайинлади.

Раҳимбой ака Қўқон шаҳар партия комитетидан хурсанд бўлиб чиқди. Шундай қилиб, тухум олиб келинди. Аммо Қўқонда транспорт самолёти йўқ эди. Кечикиш мумкин эмас. Ҳаво ғоятда иссиқ. Тухумлар палагда бўлиб, давлатнинг қанчадан-қанча пули ҳавога совурилиб кетиши мумкин. Шунинг учун Қўқон аэропорти бошлиғи Наманганга телефон қилиб, транспорт самолёти беришларини илтимос қилди. «АН—10» самолётида кўкка парвоз қилишди. Олти соат давомида учиб Урганчга етиб келишди. Тухумнинг ярмидан кўпроғидан жўжа чиқди. Бу 1978 йилнинг июль ойи эди. Ўша кунлари ўрдакчилик фермасида кўрик-семинар ўтказилди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Мадиёр Худойберганов қўшкўпирликларни, иш ташкилотчиларини қизғин табриклади.

Кенг миқёсда иш кўриш учун Кустанай областининг Комсомольск ўрдакчилик фабрикасидан ҳам ўттиз минг дона тухум олиб келинди. Сўнгра инкубация қурилиб ишга туширилди.

Дастлабки йили 6 минг дона она ўрдак ҳамда 25 тонна юқори нав ўрдак гўшти етиштирилди. Ташкил этилгандан бошлаб хўжалик рентабелли бўлиб, кўплаб фойда бера бошлади. Ўн биринчи беш йилликнинг уч йили плани 147,5 процентга уддаланиб, 326 тоннадан зиёд ўрдак гўшти етиштирилди. Тухум тайёрлаш бўйича уч йиллик план 126 процентга бажарилди. Бу йилги режалар ҳам чакки эмас. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллиги нишонланадиган бу қутлуғ йилда 330 ўрнига 430 тонна гўшт етиштириш мўлжалланган. Хўжалик ташкилотчиси Раҳимбой ака Машарипов 1980 йилдан буён бу ерда директорлик қилмоқда. Ишнинг кўзини билиб ишлаш туфайли гўшт етиштириш йил сайин кўпайиб бораяпти. Шу йилнинг биринчи кварталида 50 тонна ўрнига 70 тонна ўрдак гўшти етиштирилди.

Тинч ижодий меҳнатда ҳам ўрнак кўрсатиб ишлаётган Раҳимбой ака Машарипов бу йил 60 ёшга тўлади. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Жасурлиги учун» медали безаб турибди. Ўтган йили яна бир қувончли воқеа бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Раҳимбой Машариповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди.

У наслдор ўрдакчилик хўжалигининг истиқболи ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Агар мавжуд имкониятлар ишга туширилса, йилига 800—1000 тонна юқори сифатли ўрдак гўшти етиштириш, она ўрдаклар сонини 25 мингтага етказиш, шундай қилиб, 2—2,5 миллион дона тухум тайёрлаш имконияти бор...

Раҳимбой ака Машариповнинг ҳикояларини тинглар эканмиз, беихтиёр шундай савол туғилди:

— Инсон ўз фазилатларини бир сўзда жамлаб, бахт деб атади, дединг-из. Сизнинг фикрингизча, шу кашф қилинган бахт тўлиқми, мукаммалми?

У бир зум чуқур ўйга толди. Раҳимбой ака-нинг чеҳраси ёришиб деди:

— Ҳа, тўлиқ, мукаммал бахтимиз бор. Эндиги интилишларимиз шу бахтни безамоқ ва ардоқламоқдан иборат бўлмоғи керак.

Рўзимат ОТАЕВ

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА



Шовот районидаги В. Чкалов номли колхоз механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Бикажон Худойберганова, Тошкентдаги 2-трамвай депосининг ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Насиба Абдулхаева (ўнгда), Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, депутат Эркин Юсупов билан суҳбатда.

В. Молгачев фотоси

УЛУҒ МЕЪМОР

Сарвар АЗИМОВ

Мен Николай Васильевич Гоголни вақтни енгиб, бизнинг кунларимизга, бизнинг ҳаётимизга — олға қараб интилаётган ҳолда тасаввур этаман.

Яширишнинг ҳожати йўқ: Николай Васильевич Гоголь асарларини ўқишга муккасидан кетган болалик чоғларимда унинг реалистик нақшларини ҳамиша ҳам тўла тушунавермасдим, лекин унинг китобларида қандайдир сеҳрли куч борлигини доимо ҳис қилиб турар эдим. Аммо менинг ҳали пешланмаган ақлим бу қандай куч эканлигини тушуниб етолмас ва аниқ изоҳлаб бера олмас эди. Орадан узоқ йиллар ўтиб, маълум бир ёшга етгандан кейин, Гоголь асарларини қайта ўқиб, улар устида узоқ хаёлга толиб, бу буюк адибнинг ўзига хос ва ўхшаши йўқ образлари, ғаройиб характерлари оламида ўзим узоқ вақтдан бери излаб юрган нарсаларимни топдим, аввал тушунмаганларимни тушундим. Николай Васильевич Гоголь мени, шарқ кишисини ўзининг одамга ишонч балқиб турадиган, дардли дилнинг қаърларидан сизиб чиқадиган мўъжизавий суҳбати билан мафтун этди, сеҳрлаб қўйди. Шунда мен, у ўзининг қудратли санъаткорлик руҳини тўлатўкис сафарбар этган ҳолда, ўқувчи билан ҳамиша шу тарзда — асосини ўзаро ишонч ташкил этадиган суҳбат қуришга интилганини ҳис қилдим. Бу ишончда қатъият ҳам, теранлик ҳам, эҳтирос ҳам, мураббийлик ҳам... ва даҳонинг қарамақаршиликлари ҳам мужассам эди!

Бу ишончга тўла дил суҳбатининг сарчашмаси қаерда? Илк адабий қадамларидан, ўт сачраб турадиган «Оқшомлар...»идан бошлабоқ ўзини халқ ёзувчиси, ўша вақт таъбири билан айтганда, **«авом»** ёзувчиси, деб чуқур ҳис қилганида эмасми? Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай бир ажойиб шаҳодат қолдирган, улкан сафдоши Александр Сергеевич Пушкинга, — ҳайрон қолибми ёки чин дилдан кулибми,— шундай деб ёзган: «Ҳаммасидан ҳам босмахона билан учрашувим қизиқарли бўлди. Остонадан ўтмасимданоқ ҳарф терувчилар мени кўрдилару деворга ўгирилиб, оғзи-бурнини қўллари билан тўсиб, силкиниб кула бошладилар. Бу мени анча ҳайрон қилиб қўйди. Мен факторга юзландим, у, бир неча марта гапга чап бермоқчи бўлдию, ниҳоят, Павловскдан босиш учун юборилган нарсалар жуда ҳам аломат ва уларни ўқиган ҳарф терувчилар кулгиларини тиёлмай қолаётганлигини айтди. Мен бундан: мен мутлақо **«авом»**, яъни оддий халқ дидига мос ёзувчи эканман, деган хулоса чиқардим» (Н. В. Гоголнинг А. С. Пушкинга 1831 йил 21 августда йўллаган хатидан).

Николай Васильевич Гоголь машҳур ёзувчи бўлиб танилганидан кейин ҳам ўзи учун фавқулодда муҳим бўлган бу масалага бот-бот қайтди: «..мен, «Улик жонлар»ни ўқиш,— айниқса қўл остида қаламу қоғози бўлса,— одамларни қўзғотиб қўяди, деб ўйладим»; у давом этиб, яна шундай деб ёзади: «...мен кейинча ҳам: «Улик жонлар»ни ўқиш кўпларни ўз муддаоларини ёзиш фикрига олиб келади, деб ич-ичимдан умид қилиб юрдим...» («Муаллиф иқрори»дан). Николай Васильевич Гоголнинг «Оқшомлар...»идан «Тарас Бульба»сигача, «Уйланиш»идан «Ревизор»игача, «Эски замон помешчиклари»дан «Бурун»гача, «Шинель»дан «Улик жонлар»гача — барча буюк асарлари шундай ҳамдард ишонч ва ижодкорликка қизғин даъватлар билан йўғрилгандир...

Бу асарлар ялписига улуғ рус, кўп миллатли совет адабиётининггина эмас, балки бутун жаҳон адабиётининг боқий хазиналаридир.

Мен ўзбек адибларининг бири сифатида шу нарсадан хурсандманки, бу ўз соҳасида ягона устанинг «барчаси дурдонанинг ўзи каби донадор, йирик» асарларини менинг халқим ўз она тилида ҳам, рус тилида ҳам ўқийди. Мен шу нарсадан ғурурланаманки, ўзбек адабиётининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Абдулла Қодирий, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Назир Сафаров, Мирмуҳсин ва Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий ва Одил Ёқубов сингари танилган адиблари Николай Васильевич Гоголга кўп марта мурожаат этганлар, ундан маҳоратни, В. Г. Белинский таъбири билан айтганда, кенг, беандоза, гўзал ҳадисларни ўрганганлар.

Назаримда, биз, совет адиблари Гоголга ҳозиргидан кўпроқ мурожаат қилишимиз, унинг жонли, ўзига хос булоғидан чанқоғимизни кўпроқ қондиришимиз зарурга ўхшайди. Ундан Ватанни ва халқни сидқидилдан севишни ўрганиш лозим. Замонавий Хлестаков ва Маниловларга қарши курашни ўрганиш керак.

Николай Васильевич Гоголь Пушкин ва Жуковскийнинг янги эртакларини ўқиб-завқланиб, шундай деб самимий хитоб қилган эди: «Сизнинг қисматингиз қандай гўзал, улуғ меъморлар!».

Бугун биз дунё тургунча сўнмас Гоголь даҳоси, зўравон мустабид ҳокимиятга қарши борган ва унинг асосларига ларза солган, бош ҳарфлар билан ёзиладиган Рус кишиси олдида бош эгиб, «Сизнинг қисматингиз қандай гўзал, улуғ меъмор Гоголь!»— деб айта оламиз.

Сиз борлигингиз учун замин кенгроқ, сиз бўлганингиз учун инсон олижаноброқ, сиз борлигингиз учун дунё гўзалроқ туюлади, бизнинг шонли меъморимиз!

АДАБИЁТ САРДОРИ

Умарали НОРМАТОВ

Бу йил улуғ рус адиби Николай Васильевич Гоголь туғилган кунга 175 йил тўлди. Вақт ўтган сари бу улуғ зот яратган асарлар бизга тобора яқинроқ, уларнинг аҳамияти, моҳияти янада равшанроқ бўлиб боряпти.

Н. В. Гоголь атиги қирқ уч йил умр кўрди. Шундан ўн йилигина баркамол ижод даврига тўғри келади. У шу қисқа муддат оралиғида рус адабиётида бутун бир давр яратди, чиндан ҳам «Диканька қишлоғи оқшомлари», «Тарас Бульба», «Шинель», «Ревизор», «Улик жонлар»— буларнинг ҳар бири рус адабиётида улкан воқеа, катта жасорат, олға ташланган қадам бўлди, улар яхлит ҳолда рус адабиёти ривожида бутун бир даврни ташкил этади; рус адабиётидаги улкан танқидий йўналиш биринчи галда Гоголнинг номи билан боғлиқ, у рус адабиётида танқидий реализмни бошлаб берди. В. Белинский, Н. Чернишевскийдек улуғ танқидчилар Гоголь асарларининг рус адабиёти тараққиётидаги ўрни ва улкан аҳамиятини ўз вақтида пайқаган, уларга жуда юксак баҳо берган эдилар, В. Белинский Гоголни ўз даври рус адабиётининг сардори деб атаган эди.

Н. Гоголь ёзувчи санъаткор сифатида А. С. Пушкин бош бўлган рус адабиёти заминида туғилди, Пушкиннинг шогирди, сафдоши ва меросхўри сифатида майдонга чиқди, шоҳ асарлари «Ревизор» ва «Улик жонлар»ни улуғ шоир маслаҳати, у тақдим этган сюжетлар асосида яратди; аммо садоқатли шогирд ижодда тамомила ўзгача, оригинал йўлдан борди, унинг ижодий жасорати, новаторона изланишлари туфайли рус адабиёти Пушкиндан кейин янги босқичга кўтарилди, айни пайтда галдаги юксак босқич учун дебоча, замин бўлди. Н. Гоголь ўз ижоди, бой адабий мероси билан сўз санъатида ўзига хос улкан мактаб яратди. Рус адабиётининг жуда кўп авлодлари, жаҳон тараққийпарвар, кўп миллатли совет адабиётининг, жумладан ўзбек адабиётининг талай намоёндалари бу мактабдан сабоқ олганлар. Улуғ санъаткор Ф. Достоевский миннатдор шогирдлар фикрини ифодалаб, катта ифтихор билан: «Бизларнинг ҳаммамиз Гоголнинг «Шинель»идан чиққанмиз»,— деган эди.

Н. Гоголнинг ижодий мероси, у яратган мактаб ғоят сертармоқ. Гоголь аввало, боя айтганимиздек, рус адабиётида танқидий реализмнинг асосчисидир. Ўткир гражданлик эҳтироси билан суғорилган шафқатсиз, мардона танқидий пафос барқ урган, ўша давр рус жамиятини ларзага солган «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтган жанжал қиссаси», «Нева проспекти», айниқса «Ревизор» билан «Улик жонлар» каби асарларида улуғ реалист ёзувчи Россияда крепостнойлик тузумни, таназзулга юз тутган давлат аппарати, мулкдорлар, мансабдорлар — помешчик ва чиновниклар муҳитини, ҳаёт тарзини аёвсиз фош этади, кулги остига олади, ижтимоий қабоҳатларга қарши кескин ўт очади; жамият тараққиётига ғов бўлиб турган, улуғ мамлакат, халқ шаънига иснод келтирадиган маънавий қашшоқ, қолоқ, қўпол, очкўз, порахўр, лўттибоз-фирибгар, бачкана-пасткаш кимсаларнинг афт-ангорини ниҳоятда ёрқин қилиб кўрсатади, чиркин, қашшоқ ички дунёсини санъаткорона очиб беради.

Н. Гоголь айниқса сатирик бадиий тип яратишнинг ажойиб намуналарини берди. Иван Иванович, Иван Никифорович, Ноздрев, Манилов, Плюшкин, Собакевич, Хлестаков — буларнинг ҳар бири худди тирик одамлардек кўз олдингизда бутун борлиғи билан баралла кўриниб туради, илк танишувдаёқ хотирангизга умрбод муҳрланиб қолади; ўта жонли, бетакрор бу шахслар айни пайтда ниҳоятда муҳим идея-салмоқдор концепцияни ўзида ташийдилар, улар катта социал, умумлаштирувчилик хусусиятига эгадирлар.

Шафқатсиз сатирик ёзувчи айни пайтда улуғ гуманист сифатида биқиқ муҳит сиқиб, янчиб, чиқитга чиқариб ташлаган «кичик одамлар»ни ҳимоя остига олади, ўқувчида уларга нисбатан ҳиммат, мурувват туйғуларини уйғотади. «Шинель» асари, ундаги Акакий Акакеевич Башмачкин образи шу тарика майдонга келган.

Жабрланган, унутилган, инсоний шаъни таҳқирланган, ожиз-нотовон ҳолга тушиб қолган одамлар қисматини чуқур бир ички дард билан қаламга олган адиб бошқа бир асари — «Тарас Бульба»да эса, аксинча, зўр ирода, матонат эгаси, баҳодир, курашчи шахс ҳаётига мурожаат этади ва мислсиз қаҳрамонона характер яратишга муваффақ бўлади.

«Ревизор», «Улик жонлар»да кулгининг энг кескин, бешафқат заҳарханда пардаларига кўтарилган сатирик адибнинг бошқа қатор асарлари, хусусан «Диканька қишлоғи оқшомлари» беозор, қувноқ, ҳаётбахш юмор билан йўғрилган; бу ерда ёзувчи кулги орқали халқнинг қувноқ кайфиятини ифодалайди, эзгу умидларни, одамлардаги фазилатларни улуғлайди.

Кўпчилик асарларида Н. Гоголь изчил реалист, рус халқи турмуши, одамлар руҳиятининг ўта синчков билимдони сифатида кўринади, аксари асарлари ҳаётга ғоят яқинлиги, ўта ҳаётийлиги билан ажралиб туради; ана шундай изчил реалист санъаткорнинг бошқа тур асарларида реалистик картиналар биридан фавқулодда ситуациялар, фантастик элементлар, гротеск усулида чизилган портретлар билан қўшилиб, чатишиб кетади; «Вий», «Портрет», «Бурун» қиссалари, «Шинель»нинг финал қисми бу жиҳатдан характерли.

Баъзан бир асарнинг ўзида бир неча хил таъсир, услуб, ҳаттоки адабий тур хусусиятларини учратамиз. Чунончи «Улик жонлар» сатирик асар, лекин унда соф лирик чекинишлар, публицистик талқинлар, Ватан, унинг истиқболи ҳақида ўй-мушоҳадалар, она юрт табиати, меҳнаткаш рус кишилари тўғрисидаги мадҳиялар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. «Улик жонлар» бугунги тушунчага кўра роман жанрининг намунаси, Пушкиннинг «Евгений Онегин» асари билан биргаликда у рус адабиётида реалистик роман жанрини бошлаб берган; лекин муаллиф «Улик жонлар»ни поэма деб атаган. Бу тасодифий эмас. «Улик жонлар»да роман хусусиятлари билан баробар поэмага хос белгилар ҳам мавжуд. Чунончи асардаги лирик чекинишлар, публицистик ўй-мушоҳадалар, кўпдан-кўп қистирма эпизод ва образлар, ниҳоят, унда бошдан-оёқ фаол иштирок этувчи автор образи —асардаги ёрқин ижобий қаҳрамон асарни поэма жанрига яқинлаштиради.

Шу тариқа Н. Гоголнинг роман ва повестлари реалистик прозанинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлиги, бизлар учун жуда ҳам аҳамиятли!

Н. В. Гоголь Пушкин маслаҳати билан Европада, аниқроғи Парижда Адам Мицкевич билан танишади, Пушкин маслаҳати билан «Ревизор»ни, «Улик жонлар»ни ёзади.

Бу меҳрибонлик ҳам бизга ибрат тарзида учинчи олмос қиррадир.

«Улик жонлар»нинг иккинчи китобида Гоголь катта хатога йўл қўяди. В. Белинскийнинг машҳур «Гоголга хат»и шу даврда ёзилган. У, эзилган крепостной деҳқонларга бу йўл билан озодлик бериб бўлмайди, деб қатъий айтди. Доҳиймиз В. И. Ленин Белинскийнинг «Гоголга хат»ининг ҳақ эканини ўз асарларида таъкидлаган. Бу, энг муҳим олмос қирра!

Н. В. Гоголь: «Уйланиш», «Улик жонлар», «Ревизор», «Тарас Бульба», «Арабески», «Ал-Маъмун», «Шинель», «Иван Иванович билан Иван Никифорович» асарларида от қўйишга ҳам жуда уста бўлган. Шаблондан қочган: Чичиков, Хлестаков, Манилов, Собакевич, Яичница, Подколосний, Плюшкин... ва ҳ. к.

Бу ҳам бир олмос қиррадирки, ҳар бир ёзувчига насиб этабермайди! Шаблондан қочиш санъаткорлик демакдир! Хуллас, Н. В. Гоголь ижодда ҳеч кимни такрорламаган, тил бобида беназир, китоб ўқиб китоб ёзмаган, инсонга, жамиятга зарар етказганларни ҳажв тиғи билан маҳв этган, кулкиси зўр, қаҳри қаттиқ, қиличдек ўткир адиб бўлган.

ҲАЖВ УСТАСИ

МИРМУҲСИН

«Гоголь» деган сўзнинг мазмуни ўрдакча демакдир. Аммо, бизнинг Гоголь, яъни Николай Васильевич, бу сўзнинг луғавий маъносини ўзгартириб юборди, буюк Россия, балки ҳозирги вақтда жаҳон адабиёти осмонида қанот қоққан улкан шунқор бўлдики, мана, 175 йилдан сўнг ҳам у дунёда буюк сўз сеҳргари деб тан олинмоқда. Ҳа, меҳнату талант «ўрдакча»ларни бургут қилади, бемеҳнату беталант бургутлар ўрдакча бўлиб қолади!..

Н. В. Гоголь ҳақида кимлар фикр айтмаган дейсиз! Пушкину Толстой, Белинский, Некрасов, Тагор, Бернард Шоу, Мирза Фатали Охундов, Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Мухтор Авезов... Аммо, бу алломалар гапириб, гапни тугатиб қўйгани йўқ, Гоголдек адиблар ҳаммага ҳам гап топиб беради. Шу боисдан камина ҳам бир сўз демоқчи. Балки бизданкейин дунёга келадиган қалам соҳибларига ҳам Гоголь гап топиб беради. Гоголнинг отаси — Василий Афанасьевич Гоголь ҳам номдор ёзувчи — драматург бўлган, «Простак, или хитрость женшини», «Собака — овца» деган пьесалар ёзган. Украинада ўзига ярашур обрўли қалам соҳиби бўлган. Буни қарангки, ўғли Николай Гоголь отаси доирасидан чиқиб, жаҳонга танилди.

Н. В. Гоголь ижодининг уч олмос кирраси ҳақида гапиргим келади.

У Нежин гимназиясида декабрист К. Ф. Рилеев шеърларини ўқиб, ёшларни самодержавиега қарши кўтарди. А. С. Пушкин тарафдори бўлди. Ўқитувчиси Н. Г. Белоусов декабристликда айбланиб, таъқибга учраганида, уни ҳимоя қилди. Ижодидаги эркпарварлик туйғулари, дарҳақиқат, олмос қирра дейишга арзийди. Н. В. Гоголь «Диканька қишлоғи оқшомлари» китоби «Отечественные записки» журналида босилиши муносабати билан В. А. Жуковский, П. А. Плетнёв, С. А. Аксаков ва А. С. Пушкинлар билан танишади.

«Тарас Бульба» қиссасини ёзаётганида, «Арабески», «Ал-Маъмун» китобларини ҳам ёзди, ўрта аср тарихи, Шарқ тарихи билан қаттиқ қизиқди. Бундан илгарироқ Жуковскийнинг Фирдавсий «Шоҳнома»сини таржима этиши, Пушкиннинг Саъдийни ўқиши, Гоголнинг «Ал-Маъмун» рисоласи, «Арабески» китоби, бу ижодий ҳаракат бизларга катта маълумот беради. Н. Гогольнинг Шарқ халқлари адабиёти билан қизиқиши биз учун жуда муҳим!

ҚУЁШ ТУНДА НУР СОЧАДИ

Фан халқ хизматида

Фантастика, одатда, ҳозирча фақатгина орзу қилиш мумкин бўлган ниятларни рўёбга чиқариш йўлида бизни келажак сари чорлайди. Илмий-техника инқилоби ҳайратдан лол қоларли фантастик ишларни амалга ошириш учун беқиёс имкониятлар очди. Бу имкониятлардан оқилона фойдалана билиш лозим. Ана шунда ниҳоятда фантастик бўлиб туюлган лойиҳаларнинг аниқ асоси юзага келади. Қуйида ана шу ҳақда сўз юритилади.

Ернинг сунъий йўлдоши орбитасига бизнинг замин узра қуёш нурларини тарата ётган рефлектор чиқариб қўйилганлигини бир лаҳза тасаввур этиб кўринг. Ана шу «варрак» турлича соат минтақаларида жойлашган бир ёки бир неча йирик районларни ёрита олади.

Космик рефлекторлар яратиш ғоясини дастлаб немис тадқиқотчиси Герман Оберт 1929 йилдаёқ ўртага ташлаган эди. Кейинчалик бу йўналишдаги ишлар америкалик олим Крафт Эрик томонидан ривожлантирилди. Эндиликда эса биз хаёлий бўлиб туюлган ана шу лойиҳаларнинг амалда жорий этилишига жуда яқинлашиб қолдик.

Аввало, бундай сунъий ойларни яратиш нима учун зарурлиги ҳақида фикр юритайлик

Маълум бўлишича, уларни халқ хўжалигида қўллаш туфайли бир қатор ажойиб самараларга эришиш мумкин. Рефлектор йўлдошлардан йирик шаҳарларда кун узунлигини бир неча соат узайтиришда фойдаланиш туфайли кўчалар, транспорт магистраллари, қурилишлар юксак сифатли (соясиз) ёритилади ва иқтисодий самараларни таъминлайди. Масалан, космосдан туриб Москва каби бешта шаҳарни ёритишга сарфланган ҳаражатлар электр қувватини иқтисод қилиш эвазига 4—5 йил ичида ўзини тўла қоплайди. Рефлектор йўлдошлар системасини эса бир вақтнинг ўзида бошқа гуруҳ шаҳарлар устига йўналтириш мумкин. Бу иш амалда қўшимча капитал ҳаражатни талаб қилмайди.

Яна бир имконият — тунда ишлаш зарурати мавжуд бўлган жойларни — масалан, кенг минтақадаги йирик қурилишлар ёхуд экинтикин мавсуми даврида қишлоқ хўжалиги районларини ёритиш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда давомийлик бўйича ҳам, спектр йўналиши бўйича ҳам — қишлоқ хўжалиги экинлари ривожига ёритиш даражасининг таъсири масаласи кўпдан бери ўрганиб келинмоқда. Спектрнинг маълум диапазонида ёритиш майдонларини ташкил этиш ўсимликнинг ривожини тезлаштиради, бу ҳол тундаги қисқа муддатли қировларга қарши кураш воситаси бўлиб хизмат этиши мумкин, дейиш учун асослар бор. Рефлектор йўлдошлар ёрдамида бу ишлар бемалол амалга оширилади. Уларни қўллаш доираси ҳақида сўз кетар экан, қутқарув ишлари олиб бориладиган зилзила ва бошқа табиий офат майдонларини ёритиш имкониятлари юзага чиқиши мумкинлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Лекин, ҳар ҳолда, мазкур лойиҳаларнинг техник имкониятлари нималардан иборат? Бу ишни амалга оширишдаги асосий қийинчилик, бир томондан, амалий самараларга эришиш учун қуёш нурини акс эттириб берадиган юзаси бир неча ўнлаб гектардан иборат ясси майдонлар орбитага чиқарилиши керак; бошқа



гини намойиш этувчи бебаҳо ҳужжат сифатида ҳам қимматли. Н. Гоголь ижоди, унинг адабий мероси ғоят кўп тармоқли, сержило, сирли, сеҳрли, жумбоқларга бой. Гоголнинг адабий мактабида ҳар қандай ижодий манерага — ҳам ижчил реалист, ҳам лиро-романтик, ҳам публицист, ҳам қувноқ юморист, ҳам сатирик, ҳам фантаст, ҳам оддий кишилар, ҳам фавқулодда қаҳрамонона шахслар ҳаётига мойил адиблар учун сабоқ ва ибрат бўладиган жиҳатлар мўл. Бинобарин, адабиётда Гоголь традициялари ҳам ранг-баранг шаклда давом этиб келмоқда. Чунончи, Ф. Достоевский ижодида Гоголнинг «Шинель» асарига хос пафос — оддий одамлар тақдирига алоҳида эътибор, уларнинг ташвишларига, қалб изтиробларига ҳамдардлик юксак чўққига олиб чиқилди; Салтиков-Шчедрин, Некрасов, Гончаров, Островский каби адиблар улуғ сатирик ижодидаги танқидий йўналишни ижчил давом эттирдилар; И. Тургенев ва Л. Толстой ижодида эса Гоголдаги рус ҳаётининг поэтик тасвири, қаҳрамонона руҳ янги куч, янгича жило билан намоён бўлди...

Ўзбек реалистик прозасининг, биздаги реалистик сатира ва юмор жанрларнинг туғилиши, шаклланиши ва ривожида жаҳон прогрессив рус классик адабиётининг кўп улуғ намоёндалари қатори Н. Гоголь мактабининг ҳам салмоқли ҳиссаси, ҳаётбахш ижодий таъсири бор. Дарҳақиқат Ҳамза, Қодирийдан тортиб Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор ижодиша то Мирмуҳсин, Саид Аҳмаднинг роман, ҳикоясигача Т. Пўлатов қиссалари, Неъмат Аминов ҳажвияларига қадар — кўплаб асарларимизда Гоголнинг ранг-баранг ижодий меросига хос хусусиятлар билан муайян муштаракликларни учратиш мумкин.

Машҳур «Майсаранинг иши»даги халққа хос юмор, афанди табиат Мулладўст образи, ижчил реалистик тасвир билан фавқулодда ситуацияларнинг қўшилиб-чатишиб кетиши, гротеск усулида яратилган персонажлар — булар нимаси биландир Гоголнинг «Диканька қишлоғи оқшомларини», комедияларини ёдга туширади. «Обид кетмон»даги Хатиб домла билан Мулла Муҳсинларнинг қиёсий характеристикаси Гоголь қиссасидаги Иван Иванович билан Иван Никифорович образлари талқинидаги приёмни эслатади. Ғ. Ғулом прозасидаги халқчил, кувноқ юмор яна ўша «Диканька қишлоғи оқшомлари»ни хотирага солади. Хусусан Абдулла Қаҳҳор учун Гоголь ижоди маҳорат мактаби ролини ўтади, адиб Гоголни сўз санъатидаги «биринчи домлам» деб атайди, «Мен биринчи сабоқни Гоголдан олган эдим»,— деб ёзади у. А. Қаҳҳор Гоголга тақлид қилган ҳоллар ҳам бўлди; адиб фақат ижодий ўрганиш орқалигина ўзига хосликка эришиш, миллий-ҳаётий заминда мустаҳкам турган ҳолда ижодда муваффақият қозониш, новаторона кашфиётлар қилиш мумкинлигини илк бор Гоголь ижодига муносабатда чуқур ҳис этди. Қаҳҳорнинг талай ҳажвий асарлари, комедиялари, шунингдек машҳур «Асрор бобо» ҳикояси Гоголнинг ижодий таъсирида битилган, лекин улар ўта миллий, чуқур оригинал, адабиётимизда ўзига хос ҳодиса даражасидаги асарлар бўлиб чиқди. Гоголь ижоди билан яқиндан танишиш адибдаги мавжуд ижодий имкониятларнинг рўёбга чиқишида, самарали йўналиш тусини олишида зўр туртки бўлди.

Саид Аҳмаднинг туркум «Чўл ҳикоялари», бу ҳикояларга хос қувноқ, ҳаётбахш юмор Гоголь мактабига бориб тақалади; «Уфқ»даги Икромжон, унинг хиёнаткор ўғлига муносабати Тарас Бульба тақдиридаги эпизодни ёдга туширади. Мирмуҳсиннинг «Умид» романидаги Салимхон Обидий ва бошқа сатирик персонажлар портрети, хатти-ҳаракати ифодасида Гоголь бўёқларини эслатадиган айрим жилоларни сезиш мумкин. Неъмат Аминовнинг «Ёлғончи фаришталар...» қиссасидаги ҳажвий характерлар талқинида Гоголнинг таъсирини пайқаш қийин эмас...

Кейинги йилларда Лотин Америкаси адабиётида «магик реализм» деб аталган йўналиш кенг тарқалди, бу адабий ҳодиса кўп баҳсларга, шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, реал ҳаётий лавҳалар билан сирли, сеҳрли, ғаройиб фавқулодда фантастик ҳодисаларнинг қўшилиб-чатишиб кетишидан иборат бу йўналиш аслида реалистик ижодда Гоголдан бошланган, бу ҳодиса услубий йўналиш сифатида ўзбек адабиётида Ҳамза, Қодирийдан бошлаб бугунги кунда қалам тебратаётган ёш авлод ижодига ҳам хосдир; хусусан Худойберди Тўхтабоев, Т. Пўлатов бу услубий йўналишни самарали давом эттирмоқда, «Сариқ девни минib», «Ғойибнинг қайтиши», «Шинаванда» асарлари бунинг учун ёрқин далил бўла олади.

Улуғ Гоголь мактабидан сабоқ олиш, унинг ҳаётбахш анъаналари бугунги кунда жаҳон тараққийпарвар адабиётида, кўп миллатли совет адабиётида, жумладан ўзбек адиблари ижодида ҳам самарали давом этмоқда. Бу мангу мерос фақат ижодкорлар учун маҳорат мактаби бўлиб қолмай, ижтимоий тараққиёт, мусаффо ҳаёт, баркамол инсон учун курашда ўткир қурол, маънавий омил бўлиб хизмат этмоқда.

Н. Гоголнинг ҳаёти, тақдири ғоят мураккаб, зиддиятли, фожиали кечди; гарчи Пушкин, Белинский, Чернишевский каби алломалар адибни астойдил ҳимоя қилган, ижодига юксак баҳо берган бўлсалар ҳам, бу улуғ санъаткор асарлари моҳиятини тушунмай, ҳис этмай, уларга ҳамла қилувчилар кўп бўлди. Бу ҳол адибни қаттиқ ранжитди, баъзан чалғитди, бу ҳол уни руҳий инқирозга олиб келди. Аммо даҳо санъаткор изтироб ва иккиланишлар гирдобида ҳам ўзининг ҳақлигини, ўзи яратган асарларнинг аҳамияти ва умрбоқийлигини юракдан ҳис этиб турарди. «Биламан, менинг номим кейин ўзимдан кўра бахтлироқ бўлади»,— деб башорат қилган эди. Ёзувчи ҳақ бўлиб чиқди, унинг ижодий тақдири ўзи кутганидан ҳам бахтлироқ бўлди; Гоголнинг бахтиёр номи барҳаёт, унинг бой мероси ҳамиша биз билан бирга; тараққийпарвар инсоният адиб туғилган куннинг 175 йиллигини кенг нишонлаш билан унинг руҳини яна бир бор шод, бахтиёр этди.

томондан эса, шу хилдаги қўплаб йўлдошларнинг учирилиши натижасида бундай системаларнинг рентабеллиги кескин суратда камайиб боради. Шунинг учун орбита шароитида мураккаб монтаж ишларини талаб қилмайдиган ўта енгил конструкциялар яратишга тўғри келади. Шу билан бирга конструкцияларнинг енгиллаштирилиши унинг қаттиқлик сифати ёмонлашувига, демакки, нур йўналишининг аниқлигига салбий таъсир қилади. Самарали бошқариш системасигина рўй берадиган йўқотишлар ўрнини қоплаши мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан келажакнинг рентабелли орбитал ёритгич системалари умумий йўналишларда ишлаб чиқилган. Афтидан, алоҳида-алоҳида рефлектор йўлдошлардан иборат системаларни қулай орбиталарга жойлаштириш мумкин. Улар орбитага чиқариб қўйилгандан сўнг автоматик суратда очилиб кетадиган оддий ғилофланган зонтикни эслатади. Йўлдошларнинг нурни акс эттириб берувчи юзаси, эҳтимол, металл кукуни билан полимерлашган плёнкадан иборат бўлади. Нур йўналишини бошқариш бошқарув системаси орқали амалга оширилади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари лозим даражада ташкил этилса, конструкцияни яратиш, космик рефлекторларни бошқариш принципларини ўрганиш билан боғлиқ ишлар изчил йўлга қўйилса, космик рефлекторларнинг тажриба намуналари яқин ўн йиллар ичида вужудга келиши мумкин. СССР Фанлар академияси, бир қатор министрликлар бу ишларни ҳозирданоқ бошлаб юборишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Бу ишларга олий мактабнинг илмий ходимларини ҳам кенг кўламда жалб этиш лозим, зотан, бунинг учун зарурий замин вужудга келтирилган.

Масалан, С. Оржоникидзе номидаги Москва Автомобиль йўллари институтида оғирлиги 200 килограммга етар-етмас, юза майдони 110 квадрат метрдан иборат орбитал рефлектор йўлдошнинг тажриба намунаси яратилаётир. Бундай тажриба моҳияти биринчи навбатда келажак космик рефлектори қурилмасининг асосига қўйилган техник жиҳатларни текшириб кўришдан иборат. Айланаси 10 километрдан иборат ер юзасининг ёритилиш даражаси тўлин ой пайтидагидан етти баравар зиёд бўлиши лозим (1,5 люксга яқин).

Институтда бир гуруҳ илмий ходимлар ва студентлар томонидан аллақачон тажрибавий қурилмалар яратилди, унинг воситасида рефлектор йўлдош юзасининг очилиш ва уни бошқариш жараёнлари намойиш этилди. Фан ва техника бўйича СССР Давлат комитети ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тадқиқот базасини вужудга келтириш ҳақидаги масалани ҳал этишлари айни муддао бўлур эди.

Шу ишлар билан бир вақтнинг ўзида космик рефлекторларни қўлланишнинг экологик оқибатларини ўрганишни йўлга қўйиш, бундай системалардан рационал фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазасига доир тавсияномалар ишлаб чиқиш зарур.

Энергиянинг қудратли манбаи бўлган Қуёш одамзодга янада самарали хизмат этмоғи лозим.

Ж. АЛФЕРОВ,

академик, СССР Фанлар академияси «Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг янги йўлларини қидириш» комплекс проблемаси бўйича илмий совет раисининг ўринбосари

В. КАНТОР,

техника фанлари кандидати

«МАЛИКА» ҚИЗЛАРИ

Манзура 10-синфни тугаллагач, тенгқурлари билан «Малика» ишлаб чиқариш фирмасига ишга кирди. Уни шогирдликка олган Гулбаҳор Обидова тикув ишларининг мураккаб сирларини сидқидилдан ўргата бошлади.

Уқувли, қизиқувчан Манзура тез орада берилган ҳар бир топшириқни ўзи мустақил бажарадиган бўлди. Секин-аста белгиланган нормалар олди, уларни моҳирлик билан адо этди. Кунлик, ойлик топшириқларни ошириб бажарабошлагандагина мусобақалашишга қарор қилди. Иккинчи сменада ишлаётган дугонаси Заҳро Камоловани мусобақага чақирди. Заҳро ҳам Манзуранинг таклифини қабул қилди.

Кўп ўтмай, комсомол аъзоси, илғор ишчи Манзурани цех касаба союз бошлиғи қилиб сайлашди. Бу масъулият Манзуранн ўз устида янада кўпроқ ишлашга, изланишга, ёрдамчи омиллардан усталик билан фойдаланишга ундади. Бирлашмада «сифат белгиси» босилган эмблемалар билан чиқарилган маҳсулотлар тайёрлашда Манзура ва Заҳро каби илғор ишчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Уларнинг ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. Манзура ҳалол ва сифатли меҳнати эвазига бир неча марта фабрика комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Меҳнат отпускасида 1982 йили Болгарияга, 1983 йили эса Москвага бепул путёвка билан бориб, дам олди.

— Бирлашмамиз партия ташкилоти,— дейди Манзура Тўлаганхўжаева,— социалистик мусобақани янада ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқда. Якунлар ўз вақтида кўриб борилади, мусобақа натижалари ҳар бир ишчига маълум қилинади.

Мана бир неча йилдирки, Манзуранинг ўзи устоз ишчилар сафида. Эндиликда унинг шогирдлари 20—30 нафардан ортиб кетди. Манзура меҳнат қилаётган тикув цехи бир ой давомида 360 минг дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқаради. Шу жумладан, 293 минг дона ички трикотаж кийими, 67 минг дона устки трикотаж буюми тайёрланади.

Ишчилар учун ҳамма шароит мавжуд. Бирлашма ўзининг вақтли матбуотига эга, поликлиника, савдо шаҳобчаси, турли-туман тўгараклар ишлаб турибди. Ўз навбатида бирлашма партия комитети мусобақаларни янада ривожлантиришнинг маънавий омилларидан ҳам кенгроқ фойдаланмоқда. Бу ерда илғор тикувчиларга «Бирлашманинг фахрий ишчиси» деган фахрий ном берилмоқда. Иш стажи унчалик кўп бўлмаган, лекин ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган ёшлар учун эса «Энг яхши ёш ишчи», узоқ йиллар меҳнат қилган, тажрибали ишчилар учун «Бирлашма ветерани» деган фахрий ном таъсис этилган. Бундай маънавий рағбатлантириш натижасида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотнинг сифати яхшиланиб бормоқда. Сифатли маҳсулот ўз навбатида харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулот сифатининг яхшиланишининг яна бир сабаби бирлашмада янги ишлаб чиқариш усули — бригада пудратини жорий этилганлигидир. Ўтган йили бирлашманинг 95 бригадаси шу системада ишлади. Йил кўрсаткичлари бўйича янги усул синовдан муваффақиятли ўтди. Ишчилар унинг афзаллигини дарров сезишди. Пудрат энг аввало меҳнат интизомини мустаҳкамлади. Меҳнат унумдорлиги ҳам пландагига нисбатан 1,5—1,6 баравар ўсди. Бу йил шу янги системада ишловчи бригадаларнинг сони 122 тага етди.

Ҳар бир бригадада кенгаш аъзолари тузилган бўлиб, улар план ва мажбуриятни қабул қиладилар. Бу кенгаш планларни қайта кўриб чиқиш, камайтириш ёки кўпайтириш ҳуқуқига эга. Масалан, яқинда бўлиб ўтган йиғилишда бригада кенгаши йиллик планга ўзгартириш киритди: уни 120 процент қилиб бажаришга қарор қилди. Бригадада иш тақсимоти ишчининг малакасига, қобилиятига қараб белгиланади. Хуллас, фабрика коллективи қўлга киритаётган бу улкан ютуқларда, Манзура Тўлаганхўжаева каби илғор тўқувчиларнинг ҳам баракали улуши бор.

Оқила КАРИМОВА

Тошкентдаги «Малика» тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг эксперимental цехида асосан ёшлар меҳнат қилишади.

Н. Шарипов фотоси

«ХАМСА» ИБРАТЛАРИ

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори

Тартиб бўйича тўртинчи достон «Сабъаи сайёр»ни тугатар экан, Навоий афтидан, бутун «Хамса»ни тез орада якунлай олишига тўла-тўкис ишонч ҳосил қилди, болалигиданоқ «дилига тушган улуғ муддао»нинг ушалишига эндиликда бирор шубҳаси қолмади. Шунинг учун ҳам достон охирида битилган мана бу мисралар фақат «Сабъаи сайёр»гагина тегишли бўлмай, балки битилиши аниқ бўлиб қолган бутун «Хамса»га алоқадор, десак хато бўлмайди:

Деганимни улусқа марғуб эт!
Ёзганимни кўнгулга маҳбуб эт!

Халққа зеби торак айла они!
Ўқуғонга муборак айла они!

Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!

Бу мисралар айни замонда, Навоий ижодининг чин халқчил моҳиятини кўрсатади, унинг илғор адабий-эстетик қарашларининг етакчи белгиларини ҳам ифодалайди. «Хамса»дек улкан асарни миллион-миллион туркий халқларга тушунарли бўлган она тилида яратар экан, шоир, биринчи навбатда, уларга достонларининг манзур келишини, кўнглига йўл топиб, дилига ҳам жо бўлишини орзу қилади. Шу муҳимки, шоир ўз асарининг тор миллий доирани ёриб чиқиб, «етти фалак ва етти иқлим эллари»нинг ҳам энг азиз маънавий мулкига айланишини, севиб ўқилишини, ардоқланишини хоҳлайди, шунга умид билдиради.

Шоир эзгу истакларини ифодалович бу мисралар битилганига беш юз йил тўлмоқда. Ўтган беш аср Навоий орзуларининг шунчаки хомхаёл бўлмаганлигини, чиндан ҳам, шоирнинг бошқа асарлари қаторида «Хамса» достонларининг юксак дидли китобхонлар дилига «марғуб», «кўнглига маҳбуб» бўлиб қолганлигини равшан кўрсатди. «Хамса» юзага келиши ҳамоноқ фақат ўзбек халқининггина эмас, балки, барча туркий халқларнинг маънавий бойлигига айланди, кўп ўтмай Европага кириб борди, эндиликда эса, чиндан ҳам, «етти иқлим эли унга харидор»— неча-неча тилларга таржима қилинди.

Жаҳон шеърияти хазинасининг энг нодир ва энг улкан ёдгорликларидан бири бўлган «Хамса» 1483—1485 йиллар орасида ёзиб тугалланган. Аммо бу ҳисоб нисбий бўлиб, «Хамса» икки йил давомида ёзилган экан, деган маънони бермаслиги керак. Гап шундаки, йирик давлат ва жамоат арбоби Навоий бу йилларда ҳам актив ижтимоий фаолият кўрсатган, фақат ижодий иш билангина банд бўлмай, балки «ўзи халқ ғавғосидин, қулоғи халойиқ алоласидин тинмай», кўп вақтларини «улус меҳнати» билан ҳам ўтказган. Навоий «Хамса»нинг ёзилишига кетган вақтни ҳисобга олишда ана шу ҳолатни ҳам назарда тутиш лозим, деб кўрсатади. «Хамса»нинг хотима қисмида худди шу ҳақда сўз очиб, бевосита беш достон учун ҳаммаси бўлиб ярим йил ҳам сарф бўлмаганлигини табиий фахр ва ғурур билан таъкидлаб ўтади:

Дейилган замонин ҳисоб айласа,
Йигиштирса бўлмас бори олти ой!

Шу тариқа Навоий ижодий ишда фавқулодда суръат кўрсатиб, 51 мингдан ортиқ мисрадан ташкил топган «Хамса»дек шоҳ асарни мисли кўрилмаган қисқа бир муддатда ёзиб тугатади.

Биз ана шу беш улкан хазинанинг — маънавий бойликнинг биринчиси «Ҳайрат ул-аброр» («Яхшиларнинг ҳайратланиши») хусусида фикр юритмоқчимиз.

«Ҳайрат ул-аброр» ўз мазмуни ва ғоявий йўналишига кўра, тўла маънода ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий достондир. Унда адолат ва инсонпарварлик, одамийлик ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва ростлик, инсоф ва диёнат, вафо ва садоқат каби **умуминсоний, умумбашарий** ва **ҳамиша ҳар бир давр учун актуал** бўлган масалалар биринчи планга чиқарилади ҳамда илғор, соф халқчил позицияда туриб юксак бадиийлик билан ёритилади. «Ҳайрат ул-аброр» ички тузилиш жиҳатидан ҳам «Хамса»га кирган бошқа достонлардан фарқ қилади. Унда бутун достон учун ягона бўлган сюжет линияси ҳам, асар бошидан охирига қадар ҳаракат этувчи тўқима бадиий образлар ҳам йўқ. Соф ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий характердаги асарларда бўлганидек, «Ҳайрат ул-аброр» марказида ҳам муаллиф «менси» — мутафаккир шоирнинг ўзи туради.

Муқаддима ва якунловчи бобларда ташқари 20 асосий мақолат ҳамда уларга илова қилинган ҳикоятлардан ташкил топган достон давомида ҳаёт ва жамият, инсон ва унинг бурчи, яхшилик ва эзгулик ҳақида фикр юритилаётган, «юрт ободлиги» ва «эл шодлиги»ни орзу этиб, зулм ва зўравонликни қатъий қоралаётган донишманд Навоий ўқувчиларга ҳамроҳ бўлиб, ўз баҳо ва муносабатларини, ҳукм ва хулосаларини баён этиб боради.

Навоийнинг етук инсон ва одамийлик ҳақидаги халқчил концепциясининг асосий нуқталари худди шу достонда ўзининг тугал ифодасини топди. Дунё инсон учун яратилган, ҳаётдан «ғараз инсон»дир деб ёзади шоир. Шунинг учун ҳам «борчадин инсон шарифӣ», азиз, у «борчанинг сарвари». Инсонни улуғлаган шоир жамиятнинг ҳамма аъзоларини ёппасига маъқуллайвермайди, ҳамма ҳам унингча Инсон деган юксак унвонга лойиқ эмас. Комил инсоннинг белгифазилатларини кўп, аммо энг асосийси, энг муҳими, Навоий таъкидлашича, одамийликдир. Бу тушунчага эса инсонпарвар шоир аниқ ижтимоий мазмун юклайди: халқ ғамини ейиш, умум манфаатини кўзлаш, эл учун хизмат қилиш одамийликнинг бош мезонидир. Ана шу чуқур фалсафий мазмун машҳур:

Одамӣ эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами —

шоҳ мисраларида ниҳоятда лўнда ва ёрқин ифодасини топган. Худбинликни енгиб, халқпарварлик, эл-улус бахту саодати ҳақида қайғуриш даражасига кўтарилиш учун эса инсон қатор фазилатларга эга бўлиши лозим. Шоир ана шу фазилатлардан бири сифатида инсонпарварликни, ўзгалар ҳаётини, иқболини кўзлашни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Бу илғор мазмун унга зид тушунчанинг қуйидаги инкори орқали ҳам олға сурилади.

Улки, киши ўлмақидин шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур.

Навоий кишиларни халқпарварликка, элга наф етказишга, инсонни қадрлаш, эъзозлашга даъват қилар экан, бундай халқчил фаолият шахснинг ўзини маънавий юксакликка кўтаришини, унинг ўзига ғурур ва қониқиш бахш этишини таъкидлайди:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпрак
дурур.

Ва аксинча, элга зиён келтиришга уриниш, кўпчилик манфаатларига зид худбин фаолият шахсни тубанликка улоқтиради, унинг ўзини ҳақоратлайди, камситади:

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Навоий жамиятнинг барча аъзоларига моҳиятан халқпарварлик, элу улус манфаати, одамийлик мезони билан ёндошади, уларнинг ҳар биридан аввало шу бош фазилатни талаб этади. Бу жиҳатдан юқорида келтирилган машҳур фалсафий байтнинг шоҳ-ҳукмдорларга қарата мослаштирилган қуйидаги варианти жуда характерлидир:

Ҳисрави гозийки эмастур дами
Ким емагай мулку раият ғами!

Шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, «мулку раият ғами» билан яшамаган, улар орзу-истакларига қулоқ тутмаган, улар манфаатларини кузатмаган ҳукмдор қатъий инкор этилади. «Ҳайрат ул-аброр»нинг учинчи мақолати у давр учун ниҳоятда актуал бўлган худди шу масалага — золим шоҳлар танқидига бағишланган. Шоир «зулм боғида май ичувчи» адолатсиз шоҳларни аёвсиз фош этади, талончилик ва зўравонлик билан тўпланган бойликлар эвазига шоҳ ва ярамас амалдорларининг маиший бузуқ ҳаётларини, саройдаги қабоҳат ва разолатни реалистик бўёқларда очиб ташлайди. Шоир катта дадиллик билан золим шоҳ ва унинг сарой аҳли «эл моли, эл жони ва улус қонини талаш ва сўриш ҳисобига текинхўрларча кун кўраётганлигини таъкидлаб, зулму ситамга чек қўйишни талаб қилади:

Зулмунг эрур кундузу фисқинг —
кеча!
Зулм ила фисқинг неча, бўлғай
неча?!

Навоий ўша жамиятнинг текинхўр табақаларидан бири сифатида мунофиқ, алдамчи дин аҳилларини, элни ёмон йўлга бошловчи шайх-зоҳидларни ҳам фош этади, уларнинг шармандасини чиқаради. Шоирнинг қатъий баҳосича:

Бу эл эрур барча ёмондин ёмон
Ким, ки йўқ ондин ёмон, ондин ёмон!

Шу муҳимки, Навоий оддий кишиларни золим шоҳлардан ҳам, риёкор дин арбобларидан ҳам, давлатманд бою амалдорлардан ҳам устун қўяди. Масалан, у адолатсиз шоҳга қарата «сен ҳунар, камол, хулқ, одоб, ҳаё, адл» ва бошқа кўп белгиларга кўра оддий кишилардан тубансан, деб нидо қилади. Бу жиҳатдан достон мақолатларидан бирига илова қилинган Ҳотамтой ва ўтинчи чол ҳикояти диққатга сазовор. Унда жуда камбағал, кундалик ҳаётини оғир қўл меҳнати билан базўр ўтказаётган устн юпун, бели букик, жисмоний ожиз чолнинг ниҳоятда бой, ўз сахийлиги билан обрў орттиришга интилаётган шуҳратпараст Ҳотамтойдан маънавий устун эканлиги ишонарли кўрсатилган. Шоир тасвирида ўтинчи чол бутун умр покиза ҳаёт кечирган, у ўзининг инсоний шараф-ғурурини юксак тутади, текин томоқ билан кун кўришдан ор қилади. Унинг ҳаётий фалсафаси ҳалол меҳнат билан яшашдир:

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж!

Навоийнинг бутун ижодида қатъий қоралаган салбийликнинг бири кишилар табиатидаги таъмагирликдир. Айниқса, «Ҳайрат ул-аброр» мақолатларида ҳамда махсус илова этилган ҳикоятларда ғайриинсоний белгиларнинг энг ёмони деб таъма кўрсатилади. У шоир талқинича, шахснинг ғурур ва шарафини яксон этади, уни хор-зор қилади. «Билки, гадодур тамаъ этган киши!» деб ёзган шоир бошқа бир ўринда янада кескинроқ ҳукм чиқаради:

Бировким тамаъ риштаи қилғуси,
Анинг бирла бўғзидин осилғуси!

«Ҳайрат ул-аброр»да фалсафий — дидактик йўналиш чиндан ҳам етакчи ўринга кўтарилган. Шу муҳимки, мутафаккир шоир ўз даври кишилари табиати ва фаолиятларидаги ёлғончилик, очкўзлик, фирибгарлик, эгрилик, порахўрлик, худбинлик ва ҳоказо салбий белгиларни ижтимоий онг билан, ўша тузум ҳолати, жамият тараққиёти даражаси билан мустаҳкам боғлиқликда кўради ҳамда барча салбий белгиларни аввало замона етиштирган мевалар деб қарайди. Шу тариқа, шоирнинг жорий ахлоқ нормаларининг танқиди ўша даврдаги тартиб-қоидалар, тузум ва замона носозлиги танқиди даражасига кўтарилади. Масалан, шоир «давр каж-лик» (бузуқлик, эгрилик)ка ҳомийлик қилади, шундай кишиларни рағбатлантиради, ва аксинча, тўғри, ростгўй («тузлук») кишиларни қувғин остига олади, деб куйинади. Бугина эмас:

«ЗАРАФШОН»»— ТАРҒИБОТЧИ

Лутфулла ҲАМРОЕВ,
журналист, ЎзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Самарқанддаги большевистик матбуотнинг қалдирғочи «Ҳуррият» газетаси 1917 йил апрель ойидан чиқа бошлаган эди. У Совет ҳокимияти учун кураш, уни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни интернационализм, дўстлик, революцион руҳда тарбиялаш ишига муҳим ҳисса қўшди.

1918 йил 11 июндан бошлаб газета «Камбағаллар товуши», 1920 йилнинг 14 октябридан «Меҳнаткашлар товуши», 1922 йилнинг май ойидан эса «Зарафшон» номи билан чиқади.

«Зарафшон» мамлакат халқ хўжалигини тиклаш ишларига меҳнаткашлар оммасини сафарбар этди. У область партия комитети раҳбарлигида партия сиёсатини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида фаолият кўрсатди, синфий душманлар, руҳонийлар, буржуа-миллатчиларига қарши курашда муҳим роль ўйнади.

Газета дастлаб катта форматда олти саҳифа бўлиб чиқди. Унинг бир саҳифаси рус тилида чоп этилар, биринчи саҳифасида эса ҳамиша дунё воқеаларига катта ўрин берилар эди.

Газетада ўзбек совет адабиётининг асосчиси, инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг публицистик мақола ва асарлари босилиб турарди. Тожик совет адабиётининг асосчиси, устод Садриддин Айний ҳам мақола ва асарлари билан газетада қатнашган. Кейинчалик Ҳамид Олимжон, журналист Абдулҳамид Мажидий ва Наим Саидлар ҳам «Зарафшон» редакциясида фаолият кўрсатдилар.

Мазкур нашр ўз фаолиятининг дастлабки йилида ташкилий жиҳатдан бирмунча қийинчиликларга дуч келди. Буни газетанинг 1924 йил 5 май сонида босилган «Газетамизга ёрдам беринг» сарлавҳали мақоладан ҳам билиш мумкин. «Бизнинг Самарқандда,— дейилади мақолада,— ёлғиз «Зарафшон» газетаси чиқадур. Бу газета маънавий ёқдан бир даража таъмин этилган бўлса-да, моддий жиҳатдан ҳануз оқсаб борадур. Бизнинг муҳим вазифамиз газетага моддий ёрдам бериш ва уни ҳозирги торлиқ ҳолидан қутқариш бўлса, иккинчи вазифамиз уни ишчи-деҳқон оммаси ўртасида мумкин қадар кўпроқ тарқатишдир».

1925 йилдан бошлаб газетанинг тиражи 3—3,5 минг нусхага етди ва ҳафтада икки марта ўрнига уч марта чиқадиган бўлди. Газета саҳифаларида сиёсий руҳдаги публицистик мақолалар, фельетонлар, адабий материаллар, хат-хабарлар босила бошлади. Бундан ташқари, ҳафтада бир марта адабиёт саҳифаси уюштирилиб, унда ёш шоирларнинг шеър ва мақолалари ёритиб борилди.

Ўнлаб қаламкашлар газетанинг актив мухбирлари эдилар. Жанр ва мавзу ранг-баранглиги унинг турли-туман рубрикасидан ҳам билиниб турарди. Айниқса, «Фирқа ҳаёти», «Шўролар Русиясида», «Сўнгги соатлар», «Шарқда», «Самарқандда», «Ўлкамизда», «Чет элларда» каби рубрикалар остида кўплаб мазмунли ва қизиқарли материаллар бериб бориларди. Айни пайтда газетада байрам ва намойишларга, муҳим сиёсий воқеаларга бағишлаб махсус саҳифалар уюштириларди. Масалан, «Зарафшон»нинг 1925 йил 21 январь сони В. И. Ленинга бағишланиб, бу саҳифада Маъруф Расулийнинг «Бир йил», М. Ҳўжанинг «Коммунистлар фирқаси», К. Худойбердиевнинг «Муҳим вазифа», Онқабойнинг «Ленин васиятлари ва бизнинг вазифамиз» сарлавҳали мақолалари ҳамда «Буюк доҳий ва хотин-қизлар дунёси» деган редакцион мақола босилган эди.

1927 йилнинг ноябрь ойида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига 10 йил тўлди. Бу улуғ айём мамлакатимизда тантаналли нишонланди. «Зарафшон» газетасининг байрамга бағишланган бу сони катта форматда саккиз бетлик қилиб чоп этилди.

1924 йил июнь ойидан «Зарафшон» газетаси редакцияси ходимларининг ташаббуси билан газетага илова тариқасида 15 кунда бир марта «Машраб» сатирик журнали чиқарила бошланди. Бундан ташқари, газетада «Таёқ» ва «Қопқон» сатирик бўлимлари бўлиб, уларни А. Мажидий (Абутанбал) билан Бектош (Жуғул Хўжа) бошқарардилар. Газета ҳажвиёт билан меҳнаткашларнинг эркин ҳаётига тўсқинлик қилувчи унсурларни шафқатсиз фош этар ва уларга қақшатғич зарба берар эди.

«Зарафшон» газетаси ўша даврда бошланган маданий инқилобнинг жарчиси ҳам эди. «Онг-билим ишлари», «Мактаб-маориф», «Маориф-тарбия», «Хотин-қизлар турмуши», «Хотин-қизлар орасида» каби рубрикаларнинг газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олиб келганлиги бунинг исботидир.

Газетада маданий-маиший темаларга оид кўплаб материаллар босиларди. «Соғлиқни сақлаш керак», «Клубларнинг ишини яхшилайлик», «Қироатхоналарга марҳамат», «Театр тўғаракларига раҳбарликни кучайтирайлик!» каби рубрикалар остида долзарб мавзуларда материаллар бериб борилди. 1928 йилнинг октябрь ойи сонларида эса оташин шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ер-сув ислоҳотига бағишланган пъесаси босилди.

Газета саҳифаларида социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса, ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш, пахтачиликни ривожлантириш масалаларига доир материаллар кўпроқ ёритилди. Иттифоқимизнинг тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлашда ўзбек деҳқонлари зиммасига катта ва шарафли вазифалар юкланганлиги уқтириб борилди. 1928 йилнинг 5 майидан «Зарафшон» газетаси кичик форматда 6 ва 8 бетли бўлиб чиқа бошлади. 16 майдан бошлаб газетанинг сўнгги сонигача Онқабой муҳаррирлик қилди.

1928 йилнинг ноябрида «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакцияси Самарқандга кўчирилганлиги муносабати билан «Зарафшон» газетаси ўз фаолиятини тўхтатди. Газетанинг 12 саҳифадан иборат сўнгги 107 (647) — хайрлашув сони 7 ноябрда чиқди. Унда газета редакцияси «Зарафшон»нинг мухбирлари, ўқувчиларига қарата қуйидагиларни ёзган эди:

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг Самарқандга кўчиб келганлиги муносабати билан «Зарафшон»нинг бугун энг сўнгги сони чиқади.

«Зарафшон» газетаси саҳифаларини ўз материаллари билан бойитиб келган ишчи-деҳқон мухбирлари бундан кейин ҳам илгаригидек ёзурлар, ўз материаллари билан «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларини бойитурлар, деб ишонамиз».

«Зарафшон» газетаси ўзининг олти йиллик фаолияти давомида коллектив таргиботчилик, коллектив ташвиқотчилик ва коллектив ташкилотчилик бурчини адо этди ҳамда кўплаб қаламкашларни вояга етказди. Улар республика матбуоти равнақига муносиб ҳисса қўшдилар ва ўзларининг шогирдлари фаолияти тимсолида ҳамон ҳисса қўшишда давом этаётирлар.

Матбуотимиз тарихидан

Ул кишиким туалук эрур шоп анга
Душман эрур гардиши даврон анга.

Бошқа бир ўринда эса шоир замона «разлга рифъат» — юксаклик ва донишмандларга — «билик аҳлига ранж» етказади, деб очиқдан-очиқ ёзади.

Ростлик ва тўғриликни, ҳалоллик ва ҳақгўйликни улуғлаган шоир, айни замонда, ичиллик билан, фирибгарлик ва ёлғончиликни қатъий қоралайди. «Дуррож ва шер» масалида эса қалбакилик ва алдамчиликни касб этган кишиларнинг қаттиқ жазоланишини ҳайвонот дунёсидан олинган ҳаётий лавҳаларда ишончли кўрсатади.

Ҳар бир шахс, деб таъкидлайди шоир, ўқимишли бўлиши, илму фанни ўзлаштириши маъқул, айниқса ҳунар эгаллаши, ўз касбининг билимдони бўлиши керак. Олим ўз билими ва тажрибасини эзгуликка қаратиши, жамият ва халқ манфаати йўлига бахш этиши лозим. Илмни амал эгаллаш ёки шахсий бойиш воситасига айлантирган «олим»лар шоирнинг танқидига дуч келади.

Навоий талқинича, етук, баркамол Инсон, биз кўриб ўтган белгилардан бошқа яна қатор ижобий фазилатлар соҳиби бўлиши керак. Булар орасидан шоир ҳаё ва одобни одамийликнинг муқаддас белгиларидан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтади. Ҳамма нарса, жумладан, шахснинг қадр-қиммати, обрў-эътибори пул билан, бойлик билан, жамиятдаги тутган ўрни, мансаб-мартабаси, наслнасаби билан ўлчанадиган бир даврда Навоий бу тушунчаларга батамом зид илғор тушунчаларни олға суради, «Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд», деб хитоб қилади. Шоирнинг қатъий ишончига кўра, шахсни ҳаё ва адаб шарафлайди:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёю адаб!

Ҳаё, одоб, Навоий талқинича, кўнгирралик ижтимоий даража бўлиб, ўз навбатида қатор муҳим белгиларни ўзида жамлайди. Катталарга ҳурмат, иззат, кичикларга эса шафқат, ибрат, ҳаё ва одобнинг бир кўринишидир:

Кимки улугроқ — анга хизмат керак,
Кимки кичикроқ — анга шафқат керак!

Деярлик саккиз минг мисрадан (3988 байт) иборат бўлган «Ҳайрат ул-аброр» достонида таълим-тарбия, одоб-ахлоқ билан боғлиқ жуда кўп масалалар қўйилиб, илғор ғоявий позициядан бадиий юксак ҳал этилганки, уларнинг барчаси ҳақида бир мақола ҳажмида сўз юритиш қийин. Шоир кўплаб мақолат ва ибратомуз ҳикоятларда севги ва садоқат, вафо ва олижаноблик, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик, покизалик ва юксак дид, раҳм-шафқат ва мулойимлик каби чин инсоний фазилатларни ташвиқ этиш билан бирга ҳаромхўрлик ва худбинликни, бузуқлик ва ғаразгўйликни, кибр ва ҳасадни, очкўзлик ва молпарастликни аёвсиз қоралайди, кишиларни бу салбий белгилардан қутулишга даъват этади. Айниқса, ичкиликка берилиш, бадмастлик шоир томонидан қатъий қораланади, бундай кишиларнинг онлага ҳам, жамиятга ҳам катта зарар келтириши рад этиб бўлмас далилларда исботланади.

«Ҳайрат ул-аброр»да олға сурилган етук Инсон концепциясининг муҳим бир шарти шахснинг ота-онага иззатли муносабатда бўлишлигидир. Навоий Инсон камолотини ота-онани эъзозлаши, ҳурмат қилиши, хизматларини сўзсиз бажариши билан ҳам белгилайди.

Бошни фидо айла ато қошига!
Жисмни қил садқа ано қошига!

дейди шоир, зеро, «уларнинг бири ой, бири қуёшдир».

Қисқаси, «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий ўз даврининг етук инсонпарвари сифатида илғор ахлоқ нормаларини тарғиб этди, ўқувчиларни баркамол инсон бўлиб етишишга, «халқ ғами»да фаолият этишга, «эл-улус» манфаатини кўзлашга чорлади, олижаноблик ва покликка даъват этди. Олға сурилган энг етук, энг илғор, ғоялари билан, ҳаётий ибратлари, пурҳикмат панд-ўгитлари билан беш юз йил бурун ёзилган бу достоннинг актуаллиги, тарбиявий-маърифий аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

ҚИЗИЛҚУМДАГИ ЖАСОРАТ

Газли... Бу ер яна тилдан тушмай қолди. 19 март, ярим кечада Тошкент вақти билан соат 2 дан 29 минут ўтганда кучли зилзила бўлди. Эрта тонгда республика радиоси зилзила маркази Бухоро областининг Газли шаҳарчаси яқинида содир бўлганини, зилзила ер марказида 9 баллдан ортиқ, Бухорода 7, Тошкентда 6... бўлганини қайд этди. Давлатимиз аҳолига ёрдам беришга шошиларди. Эрта тонгдан Тошкент аэропортидан самолётлар Қизилқум томон учиб, Газлига палаткалар, дори-дармонлар, озиқ-овқат, инсонга нимаики керак бўлса, ҳаммасини олиб борди. Партия ва давлат раҳбарлари ҳам тезда табиий офат содир бўлган жойга етиб келишди. Зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Дарҳақиқат, аҳвол жиддий эди. Кучли табиий офат осуда ҳаёт кечираётган шаҳарчага дақиқалар ичида катта талофат келтирди. Ҳамма кўчага отилди. Қайтиб уйларга киришнинг иложи бўлмади. Бу жуда хавфли эди. Шундай қилиб, зилзила туфайли юзлаб оилалар шу кунги тунни кўчада бедор ўтказишди. Мана, Газли—Хоразм магистрал йўлининг 41-километрида, қум барханлари орасида жойлашган туячилик ва йилқичиликка ихтисослаштирилган Будённий номли совхоз марказий қўрғони. Ер силкинишининг эпицентрига энг яқин мазкур аҳоли пунктида ости ошхона, усти магазин бўлган икки қаватли бино, совхознинг маъмурий биноси, биолаборатория, мактаб ва медицина пункти, тураржой бинолари вайрон бўлиб ётибди.

— Посёлкамиз зилзиладан қаттиқ талафот кўрган бўлса-да, биз атиги бир тунни кўчада ўтказдик, холос,— дейди шу совхоз аъзоси, 7 ўғил, 5 қизнинг онаси Ажар Давидова. — Эртаси куниёқ бошпанасиз қолган оилаларга палаткалар келтириб беришди. Кўчма дўконларда дарҳол савдо хизмати йўлга қўйилди. Абдурауфжон бошчилигидаги моҳир ошпазларимиз ҳар куни кўчада лаззатли таомлар тайёрлаб туришибди. Поёнсиз саҳро бағрида совхозимизга қарашли 1496 бош туя, 414 бош йилқи, 29 бош қорамол, 500 бош қўй-қўзиларимиз ўтлаб юришибди. Фарзандларим, умр йўлдошим, ўзимнинг ҳам Газлининг қад ростлашида ҳисса қўшаётганимиздан хурсандман.

Газлининг бунёд этилиши... Беихтиёр кўз олдимда шаҳарчанинг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги кинолента жонланди. ...Экранда ҳудудсиз саҳрода илк бор газ конини топган геологлар группаси аъзолари. Кон қидирувчилар газ запасларини қидиришмоқда. Бирдан саҳрони тўрт томондан булут қисиб келиб, жала қуйди. Геологлар эса ёмғирга, бўроннинг қутуришига парво қилмай ерни пармалаш билан банд. Кечқурун ишдан ҳориб-чарчаб қайтишар экан, қум қуюнлари улар тунайдиган чодирни чирпирак қилиб учириб юборганини кўришди. Озиқ-овқат, сув, анжомлар ҳам қум остида қолганди. Ярим тунгача ухламай, чодирни қайта тикладилар. Ниҳоят, кон қидирувчилар жазирама ёз кунларининг бирида ер остида катта газ денгизи борлигини аниқлашди ва бу хушхабарни бошқармадагиларга етказишди.

Посёлкага 180 километр узоқликдаги Амударё ўзанидан бетон ариқлар ёрдамида сув келтирилгач, ишлар юришиб кетгандай бўлди-ю, лекин барибир қийинчиликларнинг охири кўринмасди. Шу шароитда ҳам оловкорлар ўзларини бахтли ҳис қилишарди. Чунки бу ерда ўзбек газига биринчи марта асос солинаётганди. Ватан бойлигига бойлик қўшишдек ягона мақсад уларнинг йўлини ёритиб турарди. Кейинчалик бу ерда топилган «зангори олов» денгизи олис мамлакатларга ҳам етиб бориши мумкин эди.

Шундай бўлди ҳам. Вақтинчалик тикланган ёғоч ва вагон уйлар ўрнини икки қаватли турар-жой бинолари эгаллади. Урал, Магнитогорск, Челябинск, Свердловск шаҳарларининг металл эритадиган улкан конлари ўзбек гази билан ишлай бошлади.

Шундай қилиб, Газли ўз қаҳрамонларини яратди. Оловкорлар «Газнефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмасида олиб борилган жуда катта миқёсдаги ишларга бош бўлган Алексей Картиновнинг номзодини шу ердан СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатишди. Оловкорларнинг фарзандларини ўқитиш учун қурилган 3-мактабга Алексей Картиновнинг номи берилди.

Шаҳарнинг 20 йиллик юбилейи арафасида «Газнефтегаздобича» бирлашмаси ҳамда унинг ўнлаб инженер-техник ходимлари СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Бирлашманинг катта оператори Аслон Бомуродовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Газлида ҳаёт ана шундай қайноқ, ўзига хос бир тарзда давом этарди. Аммо табиатда йиллар, фасллар ҳамиша бир-бири билан алмашиниб турар экан, унда турли-туман зиддиятлар рўй бериши табиий бир ҳол. Газлида кутилмаганда фалокат юз берди: 1976 йил 8 апрелда содир бўлган кучли ерости силкиниши шаҳарчадаги кўпгина турар-жой биноларини издан чиқарган эди. Газлиликлар эса саросимага тушмадилар. Бутун мамлакат мадади остида ўз шаҳарчаларини қайта жадал тиклашга киришдилар. Қулай уй-жойлар, маъмурий, маиший муассасалар бунёд этилди. Газли Ватанга бериладиган газ миқдорини яна ҳам ошириб борди. Минг ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаблар,

Зилзила юз берган дастлабки кунлардаёқ юрт фарзандлари ёрдамга етиб келдилар.

ДЕҲҚОН ҚИЗИ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Ернинг захини қочириш учун ўрнатилган коллектор устидаги темир қувурга сув сиғмай, эндигина чопиқдан чиқарилган пахтазорга тошиб кетди. Сувчи Тоштемир ака белигача сув кечиб кўп уринди. Аммо ҳайқириб оқаётган сув кетмонлаб ташланаётган юмшоқ тупроқни коллектор тубига шовқин солганча шитоб билан оқизиб тушиб кетарди. Кароматхон коллектор тепасида кетмонларини кўтариб олганча зир югураётган сувчиларни кўрдию, шийпон олдида куймаланиб юрган бир-икки йигитларни эргаштириб улар томон чопди.

Кўпчилик бўлиб, сувни беркитишди. Сувчилар яктакларини ечиб, ажириқ устига ҳолсизланиб ўтиришар экан, Тоштемир ака бир чеккада ўйланиб турган бригадирга гап қотди:

— Бу дейман, қизим, бу йил ҳам шу коллектор билан олишиб кунимиз ўтади шекилли. Совхоз раҳбарларига яна бир бор айтиб кўрсанг бўлармиди!

Кароматхон индамади, нимаям дерди, ўтган йили ҳайдов пайтида ҳам, кейин ҳам бўлим мудирига айтди. Нафи бўлмади. Оқибат бугун яна шу аҳвол такрорланди. Йўлда бўлим бошлиғини учратиб, аламини ундан олди. Ахир яқингинада мана шу қувурнинг атрофи яланг жой эди. Совхоз ирригатор-инженерига, бўлим мудирига: «Бунинг олдини олиш керак», демаганмиди. Бугун бўлса...

Бўлим бошлиғи Мелибой Маҳкамов Кароматхонни бунақа аҳволда кўраман деб ўйламаган шекилли юк машинанинг кабинасини очган кўйи жойида қотиб қолди. Кароматхон аччиқ-аччиқ гапларни айтди-да, уйи томон бурилиб кетди.

...Деҳқон оиласида тарбияланган Кароматхон ёшлигидан отасига эргашиб, далама-дала, эгатмаэгат юраверибди, пахтакорлик касбига ишқи тушиб қолган эди. 8-синфни битирганидан кейин далага ишга чиқди.

Кароматхон асли уятчан, тортинчоқ бўлса ҳам, лекин меҳнатда, тўғриликни ҳимоя қилиб гапиришда тортиниб-ийманиб ўтирмасди. Кетмон чопиғида, пахта теришда дугоналари билан беллашиб, ғолиб чиқарди. Эркаклар эплолмайдиган оғир юмушларга ҳам қўл урарверарди. Пахта теримида-ку ундан биров ўзиб кетолмасди. Совхозда ташкил этилган «Қизил дуррачали» қизлар мусобақасининг бош соврини ҳамиша Кароматхонда эди.

1973 йили Кароматхон хўжаликдагина эмас, балки бутун районда ҳаммадан кўп пахта терди. Салкам уч ойда 17 минг килограмм пахтани қўлда териш — айтишга осон. Кароматхон терим мавсуми тугагунча, пахтазордан чиқмади. «Бир ёқда терим завқи, пахта ишқи бўлса, иккинчи ёқда оила... Бу болаларни қандай тарбияларкин!...» деганлар ҳам бўлди. Кечқурун ишдан чарчаб келган Кароматхон уй юмушидан ортиб, газета ўқишга ҳам вақт тополишини, механизатор бўлиб ишлаш орзуси борлигини ким билибди, дейсиз. Ширин орзу уни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундарди. Ҳудди шу йили Кароматхон Бойболаева ҳалол меҳнатлари эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Кароматхон дугонаси Қимматхон Матбобоева билан механизатор бўлишга аҳд қилишди. Ниҳоят, механизаторлар тайёрлайдиган курсга кириб ўқишди. Механизаторлик гувоҳномасини олган дугоналарни бўлим механиги Рўзимбой Холбоев совхоз марказий устахонасига олиб борди.

— Сизга механизатор қизларни олиб келаяпман,— деди механик совхоз бош инженери Топиболди Бектемировга.

Инженер иккала дугонага қобилиятига яраша иш тақсимлади. Кароматхонга пахта териш машиналарининг терим агрегатини ремонт қилишни топширди...

Кароматхон ўзига берилган янги тўрт қаторли машинани пахтазорга дастлаб олиб кирганда, қаттиқ ҳаяжонланди. Қўллари агрегатни туширадиган рычагга текканда енгилгина қалтиради. Кейин ўзини ўнглаб олди-да, газини босди. Машина гуриллаб юриб кетди.

Биринчи кун якунланди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиболдиев номидаги бўлимнинг Тўхтасин Назаров бошлиқ бригадасида икки бункер пахта терди. Машина теримига тушилган куни район ва совхоз раҳбарлари келиб қолдилар.

700 ўринли болалар боғчаси, поликлиника, унинг ҳузуридаги касалхона, 500 ҳўранда овқатланадиган икки ошхона, 5 магазин, клуб ва бошқа кўпгина бинолар қурилиб, ишга туширилди.

Газли ҳамма томонлама қулай ва файзли дўстлик шаҳарчасига айланиб бормоқда эди. Ҳа, улар шаҳарни саккиз йил қайта қурдилар. Зилзила етказган офатлар эндигина унутилаётган бир пайтда, Наврўз байрами арафасида ярим тунда яна ер ости довули бошланди. Бир зумда ҳамма кўчага чиқди. Ер икки минутча 9 баллдан ортиқроқ куч билан титраб-силкинди турди. Газли шаҳар комсомол комитетининг секретари Сония Аҳмедова бундай дейди:

— Ер қаттиқ тебрана бошлаши билан синглим йиғлашга тушди. Лекин ойим, дадам, мен ҳеч ҳам чўчиганимиз йўқ. Чунки табиий офат биз учун янгилик эмас, бундан саккиз йил олдин ҳам биз кучли ер қимирлашининг гувоҳи бўлган эдик.

* * *

Зилзила юз берган тунда бирлашмада катта смена инженери Ҳамид Очилов раҳбарлигидаги 22 кишидан иборат бригада вахтада эди. Тўққиз баллдан ортиқроқ куч билан замин титраб турарди. Бироқ вахтадаги 22 киши ўз постидан жилмади. Улар инструкцияда кўрсатилган, амалга ошириш зарур бўлган ишларни бажариб бўлгандан кейингина бинодан ташқарига чиқишди. Бордию, улар ўша минутларда ўз жонини қутқазиб қолишни ўйлаб, ишни ташлаб кетганларида борми, бирлашмада қаттиқ портлаш юз бериши, бу эса катта ёнғинга, ҳалокатга олиб келиши турган гап эди. Шунинг учун ҳам ўз ҳаётларини тикиб бўлса-да, аввал ўз бурчларини бажардилар. Бу билан минглаб оловкорларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бу ҳаёт-мамот кураши эди. Бу ўз маслаги йўлида ҳар қандай даҳшатни ҳам енгишга тайёр туришликнинг, совет ватанпарварлигининг белгиси эди! Натижада 200 дан ортиқ газ қудуқларидан отилиб чиқаётган табиий газни бош иншоотлар орқали Бухоро — Урал магистралига яна йўналтириш мумкин бўлди.

— Уша замин титраб турган лаҳзаларда ҳаёлингиздан нималар кечди? — сўрайман зилзила пайти сменада вахтада бўлган оператор қиз— Узбекистон Ленин комсомоли XIX съезди делегати Раъно Умароваdan.

— Одамларни асраб қолиш, — жавоб берди Раъно Умарова.

Вақтинча палаткаларда яшаймиз.

В. Молгачев фотолари

* * *

Комил Фозилов 1976 йилги зилзиладан сўнг саккиз йил «Газнефтегаздобича» бирлашмасида партком бўлиб ишлади. Яқиндагина уни Бухоро область партия комитетининг транспорт бўлимига бошлиқ этиб тайинлашганди. Зилзила содир бўлган тундаёқ у обком топшириғи билан Газлига етиб келди... «Газнефтегаздобича» бирлашмаси бошлиғи Аҳад Сайфуллаев, Газли шаҳар ижроия комитетининг раиси Абдураззоқ Умаров, бирлашма ходими Иброҳим Сафаровлар дарҳол партком секретари хонасига тўпланишди. Ер қимирлаши оқибатларини тугатиш чораларини белгилаб олиш керак эди. Йигирма минут орасида Тошкент, Бухоро шаҳарлари билан боғланилди. Газлида 18 километр чуқурликда кучли ер силкиниши содир бўлганлиги, кўпгина оилалар бошпанасиз қолганлиги маълум қилинди. Эрталабга яқин эса барча ҳаво флоти, темир йўл, автомобиль магистралларида Газлига бораётган юкларга кенг йўл очиб берилди.

Ҳа, бутун мамлакат газлиликларга ёрдам беришга шошиларди. СССР Газ саноати ва СССР Газ саноати корхоналарини қуриш министрликлари томонидан 500 дан ортиқ монтажчи, энергетик, приборчи, созловчи ва бошқа касб эгалари шу куниёқ Газлига жўнатилди. Москвалик, краснодарлик, Брянск ва урганчлик юзлаб мутахассислар қўлни қўлга бериб, бир тан-бир жон бўлиб уч сменада меҳнат қилишди. Шаҳарда ҳаёт ўз изига тушди. Қардошлик қудрати билан харобалар, қумтепалар ўрнида янги шаҳар яна қаддини тиклай бошлади.

Мана, сиз қадимий Бухоро шаҳридан автобусда 106 километр йўл босиб, саҳро бағридаги кўм-кўк сўлим бир шаҳарчага етиб келдингиз. Автобусдан тушишингиз билан доҳиймиз В. И. Ленининг соя-салқин хиёбон ўртасида қад ростлаган улуғвор ҳайкалига кўзингиз тушади. Музикали ҳайкалчалар билан ишланган фавворалар атрофида юриб, ҳордиқ ёзасиз. Бир оз пастда эса анҳор тўлиб оқади. Мажнунтолларнинг хуш бўйидан, қушлар наъмасидан дилингиз сархуш тортиб, сув ёқалаб кетаверасиз, кетаверасиз. Бир пайт кўм-кўк улкан стадионга дуч келасиз. Доира ва рубобнинг шўх садолари сиз стадиондан сизни район Маданият уйига бошлаб келади. Бу ерда ёш хонандалар ижросида мириқиб концерт томоша қиласиз. Сўнг яна сайрни давом эттирасиз. Мана, физкультурачи ёшларнинг ҳовузли спорт зали, ҳашаматли пионерлар саройи, бежиримгина меҳмонхона биноси...

Бундан ташқари, Газли фақат саноат шаҳригина эмас, унда ҳозир учта чорвачилик совхози ташкил этилган. Кейинчалик у областимиздаги йирик чорвачилик районларидан бирига айланади. Чексиз, поёнсиз Қизилқум саҳроси чорвадорлар учун яйлов вазифасини ўтайди.

Қарийб ўн минг квадрат метрга яқин территорияни ўз ичига олган Қизилқум саҳроси бағридаги бу жасур оловкорлар шаҳарчаси кишилари билан гоҳ очиқ ҳавода, гоҳ юлдузлар чарақлаб турган баҳор кечаларида, гоҳ палаткаларда узоқ-узоқ суҳбатлашиб ҳузур қилардик. Ушбу шеър ана шундай серфайз оқшомларнинг бирида Газлида қоғозга тушди.

* * *

Барханлар бағрида бир шаҳар кўрдим,
У эди қардошлик, дўстликка тимсол.
Юрак тафтин тутиб бор дунёга жим,
Япроқ ёзар эди чинорлар мисол.
Заминнинг қаъридан бир ваҳшатли куч
Қўзғалди-ю, қаттиқ силкитди бирдан.
Қайдан топди, билмам, шаҳар келди дуч,
Туриб берди шаҳар матонат билан.
Шу заҳот пойтахтга қилинди хабар,
Зилзила бўлганин бунда тўққиз балл.
Мамлакат тўпланди кўз очмай саҳар,
Барча муаммони этмоқ учун ҳал.
Деб: Газли қаддини тикламоғи шарт,
Бошланди ўзбекча каттакон ҳашар.
Ватан юрагидан олиб куч, мадад,
Борар у атиргул сингари яшнаб.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

Газли — Тошкент

Раҳбарлар Кароматхон билан суҳбатлашишди. Кейин бўлим механиги кулимсираб, Кароматхоннинг тушликка бормаётганлигини «гина қилиб» ҳазиллашди. Совхоз директори баралла кулиб юборгандю кейин, меҳр тўла кўзлари билан унга боқиб насиҳат қилди:

— Ишни кўп қиламан деган киши қорнини оч қўймайди, синглим. Сиз совхозда эмас, районда ҳам хотин-қизлардан чиққан қалдирғоч механизаторлардансиз. Тортинмай тўрга чиқинг-да, яхшилаб овқатланиб олинг.

Эртасига Кароматхоннинг терган пахтаси саккиз бункерга чиқди. У ҳар куни уйга қувонч билан кириб келар, бутун ҳаётини далада ўтказган, қишлоқнинг активларидан бўлган, бир неча йил бригадир бўлиб ишлаган отаси Уринбой акага бажарган ишлари тўғрисида сўзлаб берар эди.

Шу йили Кароматхон 80 тонна пахта териш билан мавсумни якунлади. Қишда тракторларни ремонт қилди, баҳор ва ёз ойларида транспорт тракторини ҳайдади.

Иккинчи йили мавсумда терган пахтаси 150 тоннадан ошди. Совхозда шу йили пахта ҳар йилгидан мўл бўлган эди. Кўриқ ерлар заминида ташкил этилган Навоий номидаги совхоз директори хўжаликка комплекс механизацияни олиб кириш тобабускори бўлиб майдонга чиқди. Шу боисдан ҳам мутахассислардан тортиб, бўлим бошқарувчилари, бригадирларгача механизация учун жон куйдиради.

Кароматхон КПСС сафига қабул қилинган йили ҳам 150 тонна пахта териб, яна район механизаторлари орасида ғолиб бўлди. Шу йили унга иккинчи марта учинчи даражали Меҳнат Шуҳрат ордени берилди. Кечки ўрта мактабни битирганлиги тўғрисидаги етуклик аттестатини ҳам олди.

Аттестатни олиб, Тошкент Қишлоқ хўжалик институти Фарғона филиалининг агрономия факультетн сиртқи бўлимига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан ҳам муваффақиятли ўтиб, биринчи курсга қабул қилинди.

1981 йили Кароматхон ўзи ишлаётган 6-бригадага бошлиқ қилиб тайинланди. Кўпчиликка бош бўлиш, ҳамманинг кўнглидагини топиб гапириш мушкул иш. Устига-устак, Кароматхон бу соҳада янги ҳам эди. Ёш бригадирга механизаторлик тажрибаси жуда қўл келди. У ҳам бригадирлик қилди, ҳам трактор ҳайдади. Совхозда биринчилардан бўлиб, бригадасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз усулини жорий қилди.

Ўтган йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам Кароматхон Бойболаева бошлиқ бригада омилкорлик билан иш олиб борди. Баҳорги қийинчиликлар етмагандек, уруғни экиб бўлишганда, пахта тозалаш заводидагиларнинг хатоларини сезиб қолишди. Чигитнинг бир қисми айниган экан. Унувчанлиги 80—85 процентни ташкил этди. Кўп жойга ола экишга тўғри келди. Бунинг устига, ғўзанинг бўйи ҳаддан зиёд ўсди-ю ҳосилнинг ғози бўлмади. Бу фикрларни бригадир мутахассисларга айтган. На чора, уруғ ҳақида олимларимиз ҳам, заводлардаги мутахассисларимиз ҳам жиддийроқ ўйлаб кўришмаса бўлмайди.

Бойболаева ўтган йилларда ҳосилдорликни бригадани янги қабул қилиб олган йилига нисбатан 6—8 центнерга оширди. Утган йили 79 гектар ердан 41 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда Кароматхон ҳамкишлоғи, уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ортиқбой ака Боййигитовдан маслаҳатлар олиб турди, билмаганини ўрганди.

— Мен Кароматхонни ёшлигидан яхши биламан. Унинг отаси уста пахтакор эди. Мана энди фарзанди ҳам уста пахтакор бўлди. Ҳалол меҳнати билан халққа танилди, олий таҳсил олди. СССР Олий Советига депутат қилиб сайланди,— дейди Ортиқбой ака Боййигитов.— Мусобақадошимизнинг муваффақиятларидан ниҳоятда хурсандмиз.

Ҳамид БУРҲОНОВ

Фарғона область,
Риштон райони

Жониворлар дўстимиз



— Қулоғингга бир гап айтаймн!



— Нимани шивирлашаяптилар-а!!



— Бу учаётган «ТУ»микан ёки «Аэробус»микан!

Н. Шарипов фотоэтюдлари



Тулки хаёл ичида.



— Ойижон, қорним очди.

ҚУМЛИКЛАР КЕМАСИ

Одамлар жуда қадимдан туяни, саҳро кемаси, деб атайдилар. Бу бежиз эмас. Саҳрода яшайдиган бу жонивор инсонларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишдан ташқари, уларни гўшт ва сут билан ҳам таъминлайди.

Туя — жуда қадимдан инсоннинг энг содиқ ёрдамчиларидан бири. Олимларнинг фаразларига кўра, туялар мелоддан аввалги беш мингинчи йилларда уй ҳайвонига айлантирилган. Юк ортилган туяларнинг Мисрдан топилган ҳайкалчалари, шунингдек, Асвон ва Синай қояларидаги ҳайвонлар тасвири олимларнинг фаразларини тасдиқлайди.

Одамлар қадим-қадимлардаёқ туялар ёрдамида ер ҳайдаганлар, ғалла янчганлар, ғоят чуқур қудуқлардан сув тортиб чиқаришда фойдаланганлар. Туя кўп минг йиллар давомида инсоннинг энг ишончли улови бўлиб келди. Автомобиллар, самолётлар ва бошқа транспорт воситаларининг ҳаётдан ўрин олиб, туяни сиқиб чиқарганларидан буён ҳали кўп вақт ўтгани йўқ.

Туя унча-мунча юкни писанд этмайди: айрим туялар ўз вазнининг ярмисича, айримлари эса, ўз вазнига баробар оғирликда, яъни 700 килограммгача юк кўтаради. Шунча юк билан эмин-эркин одимлаб кетаверишини айтмайсизми. Туя устида юки билан соатига йигирма километргача йўл боса олади. Бир кунда 80—90 километр йўл босиш туя учун ҳеч гап эмас.

Туя — чўл ва саҳроларда яшашга мослашган жонивор. Қалин юнглари уни тунги совуқ изғиринлардан ва кундузги жазирама иссиқлардан асрайди. Бу жонивор ҳар хил ем-хашакларга ҳам ўч эмас, унга янтоғу шўра бўлса, бас.

Бундан бир неча йиллар муқаддам шундай кузатиш ўтказилган: туялар 290 хил гиёҳ ўсадиган яйловдаги 161 хил гиёҳни, қорамоллар эса, атиги 68 хил гиёҳни танлаб еган. Айтишларича, туя сувли ва майин ўтларни нушхўрт чиқармай ея веради, қаттиқ ўсимликларнинг устки қисмини ва баргини ейди.

Туялар бир неча кунгача сувсиз юраолади. Уларнинг бу хусусияти саҳро шароитида муҳим аҳамиятга эга. Туялар устидаги юки билан қизиб ётган қум устида ҳам, тарс-тарс ёрилиб ётган ерларда ҳам бемалол кетаверади ёки ёйилиб юраверади. Унинг кенг ёйилган туёқлари — пойпишлари чармдек қаттиқ бўлиши билан бирга эгилувчандир. Бу нарса туя ўтган жойлардаги гиёҳларнинг оёқ остида эзилиб кетмаслигини таъминлайди.

Шарқ мамлакатларида туя ҳақида кўплаб эртаклар, шеърлар, мақоллар ва маталлар тўқилган. Айрим мамлакатларда туячилик бўйича кўргазма ва кўриклар, мусобақа ва фестивалар ўтказилади, уларда ақлли ва гўзал, тезюрар ва кучли туялар аниқланади. Бундай тантаналарда йигитлар ўз эпчилликларини, жасоратларини, ёш туяларни минишга, юк ортишга ўргатиш санъатларини намойиш қиладилар. Туяларни олиш-сотиш учун махсус бозорлар очилади.

Туялар икки турга: икки ўркачли (бактрион) ва бир ўркачли (дромадер) турига бўлинадилар. Ҳозир дунёда ўн беш миллионга яқин туя мавжуд. Уларнинг кўп қисми шимоли-шарқий Африкада, оз қисми Осиёда яшайди. Дарвоқе, дунёдаги туяларнинг 90 фоизи дромадерлар, яъни бир ўркачли туялардир.

Туя соғиш сигир соғишга нисбатан бир қадар қийин юмушдир.
Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Туячилик бизнинг мамлакатимизда кенг ривожланган. Жанубий Поволжьеда, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда туячилик билан шуғулланадиган хўжаликлар бор. Туялар бугунги кунда улов сифатида қарийб фойдаланилмайди. Бироқ улар ўзининг юнги, сути, гўшти ва териси билан ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Икки ўркачли туяларнинг қозоқи ва қалмоқи насли мамлакатимизнинг шимолий районларида кенгроқ тарқалган. Ўрта Осиёда, айниқса Туркманистонда асосан бир ўркачли туяларнинг арвона насли ўстирилади. Бундай туялар жазирама иссиқлик ва сувсизликка ғоят чидамли, аммо совуқ ва қорга чидамсизроқдир. Мамлакатимизда Шевченко шаҳридан Чимкент шаҳригача бўлган ягона зонада иккала турдаги туялар ҳам баравар яшайверади.

Туркманистон ССРнинг Сақар-Чага районида Давлат наслдор туячилик заводи жойлашган. Бу йирик хўжалик территориясида биттадан ёки бир нечтадан туяси бор хонадонлар ҳам кўп. Бу ерда бир ярим мингдан ортиқ арвона насллн туялар борлиги маълум.

Сақар-Чагада ҳар куни кечқурун қишлоқ узра туялар овози эшитилади. Арвона насллн бир ўркачли туялар ўз эгаларининг ҳовлиси рўпарасида тўхтайди, дарвоза очилгач, ичкарига киради. Уларни кутиб турган уй бекалари туя соғишга киришадилар. Теварак-атрофга туя сутининг хушбўй ҳиди таралади... Эрталаб яна туя сутининг ҳиди димоқларга уриладн. Сўнгра туя овози эшитилади... Ҳар бир туядан ҳар гал кўпи билан 1,5—2 литр сут соғиб олинади. Соғин мавсумида ҳар бир она туя ҳар куни 4 мартадан соғилади.

Бу ерда ҳар йили бир марта, тахминан апрель ойининг ўрталарида туяларнинг юнги қирқилади. Аввалларн бу юмуш анча қийинчилик билан бажариларди: туяларни ушлаш, йиқитиш ва оёқларини боғлаш лозим эди. Сўнгра энг камида беш киши қайчи билан ишга киришарди. Ана шунча одам бир кунда 15 та туянинг юнгини олиши мумкин эди. Бундай пайтларда баъзан одамлар, баъзан туялар шикастланар эди. Ҳозир эса, Сақар-Чагада туялар учун махсус «сартарошхона» ташкил этилган. Жониворлар махсус жойга ҳайдаб кирилади. «Сартарошлар» эса, қўлларида электр устаралар билан ишга киришадилар...

Туя юнги қўй юнгига нисбатан қаттиқ ва чидамлирокдир. Туркманистонда туя юнгидан қўлқоплар, иссиқ кўйлаклар, газламалар тўқилади, газламасидан чакмонлар, устга ёпиладиган кўрпалар тикилади. Бироқ туя юнгидан кигиз, гилам, пайпоқ қилиш мумкин эмас, қадимий урф-одатлар бунга йўл қўймайди. Туянинг юнгини бўяб бўлмайди, у ҳамиша сарғиш-қўнғир тусда тураверади. Шу боисдан туя юнгидан тўқилаётган газлама ва буюмга безак беришда қўй юнгидан фойдаланилади.

Туянинг сути анча вақтгача ачимайди, унда 3—6 фоизгача мой мавжуд. Туянинг сути қуюқ, ширин ва хушбўй бўлади. Туркманистонда туя сутидан мой, айрон олинади, кўпроқ чал — қимрон тайёрланади. Қимрон сервитаминлиги ва ошқозон фаолиятини яхшилаши билан инсон организмини учун жуда фойдалидир. Сақар-Чагадаги туячилик хўжалигида қимрон тайёрлайдиган цех ташкил қилинган. Бу ерда тайёрланган маҳсулот асосан Мари атрофидаги санаторияларга тарқатилади.

Туя — феълн нозик жонивор. Унга ҳамиша мехрибонлик билан муомала қилиш лозим. Туя ўзини хафа қилган одамга нисбатан узоқ вақтгача кек сақлайди, вақти келганда йиқитади, тишлайди, ҳатто оёғи билан эзади.

Туя сувлик ва зах жойларни хушламайди, тунда чақадиган чивиндан кўп азият тортади. Унинг яна бир ғалати одати шуки, маълум бир жойга пастгина қилиб арқон ўраб қўйилса, ўша жойдан чиқиб кетолмайди. Унинг бу феъли сабабини ҳеч ким айтиб беролмайди.

Туячилик — чорвачиликнинг фойдали соҳаларидан бири. Шу боисдан ҳозир бу соҳани муваффақиятли ривожлантириш учун, туячиликда мўлкўл маҳсулот ва юнг етиштириш учун муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

САЁҲАТЧИ ЧИРИЛДОҚ

Бу чирилдоқнинг қаерга йўл олгани номаълум. Бироқ, ҳаётида қандайдир муҳим ўзгариш юз берган бўлиши керакки, бутунлай ёт бўлган атроф-муҳитдан, хавф-хатардан чўчимай, бепоён Намиб чўллари бўйлаб йўлга чиқибди. Теварак-атрофда ҳаётдан ном-нишон ҳам йўқ, ушбу кимсасиз чўлга инсон қадами ҳам етмаган (мазкур суратни кадрга туширган фотограф ҳисобга кирмайди), фақат ҳашаротнинг изларигина қандайдир номаълум мақсадни кўзлаб чўл орқали ўтганлигидан далолат беради.

Биз суратда кўриб турган мазкур олти оёқли саёҳатчини ҳам сайёҳлар буюк уруғ-аймоқларининг рамзи қаторига қўшиш мумкин.

РАМЗЕС МАҚБАРАЛАРИ

Мисрлик археологлар Қоҳира жанубидаги Саккара районида қазиш ишлари олиб бораётганларида Миср фиръавни Рамзес II (бизнинг эрамизгача 1301—1235 йй.) ҳукмронлиги даврига мансуб бешта мақбара топилди. Мақбаралар тошли блоклардан қурилган бўлиб, ҳар бирининг вазни ярим тонна келади, уларга моҳирлик билан нақш солинган.

Олимларнинг фикрига кўра, уларда Рамзес II нинг яқин қариндошлари, шу жумладан, пашкарбошиси, хазиначиси ҳамда фиръавннинг шахсий котиби ҳам мўмиёлаб кўмилган.



ФОЙДАЛИ РИСОЛА

Совет кишилари моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришнинг ижтимоий шаклларини, оилавий, маиший муносабатларни янада камол топтириш, зарарли диний сарқитларга барҳам бериш, коммунистик ахлоқни шакллантириш, замонамиз учун мақбул урф-одат ва маросимларни ҳаётга жорий этиш ҳозирги кунимизнинг муҳим масалаларидан биридир. Фалсафа фанлари доктори, профессор Исо Жабборовнинг «Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб»[1] рисоласи ана шу ғоят актуал мавзуга бағишланган.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий шаклларини такомиллаштириш, оилавий муносабатларни янада яхшилаш, айниқса, меҳнаткашлар онгида сақланиб келаётган эскилик ва зарарли диний сарқитларни бартараф этиш, унинг хусусиятларини ўрганиш фақат назарий аҳамият касб этибгина қолмай, шу билан бирга амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Китобнинг биринчи бобида идеологик кураш ҳақида фикр юритилади ва синфий жамиятда ижтимоий тараққиётнинг социал тенгсизлик ва зиддиятни кескинлаштириши мумкинлиги капиталистик давлатлар, биринчи навбатда АҚШ мисолида аниқ ва равшан баён этилади. Шу билан бирга капитализм билан социализм ўртасидаги сифат тафовутлари мисоллар билан ёритилади.

Социалистик жамиятда рўй бераётган, совет турмуш тарзининг ҳаётбахш таъсирида камол топаётган инсон маънавий қиёфасидаги сифат ўзгаришларини рисола муаллифи етарли даражада ёритиб бера олган. «Жамиятимиз ҳаётида рўй берган бу ўзгаришлар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга хизмат қилди... иқтисодий ва социал тараққиётга қудратли таъсир кўрсатди», деб ёзади автор ҳақли равишда.

Маълумки, идеологиянинг асосини ташкил этувчи диалектик материализм ва илмий атеизм диний дунёқарашга зарба бериб, инсон маънавий дунёсининг янгиланишига ва ривожланишига ёрдам беради. Рисолада ғоявий душманларимизнинг бизнинг миллий ҳис-туйғуларимизни уйғотиш мақсадида исломдан фойдаланаётганлиги, Совет Иттифоқидаги, жумладан республикамиздаги дин ва диндорларнинг аҳволини қийшиқ кўзгуда кўрсатишга катта эътибор бераётганлиги, КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига қарши бутун воситаларни жон-жаҳди билан ишга солаётганлиги муфассал ёритилган.

Китобнинг шу бобида мамлакатимиздаги, жумладан, республикамиздаги меҳнаткашларнинг динга бўлган муносабатларига, бу борада ўтказилган социологик тадқиқотларга ҳам алоҳида ўрин берилган.

Айрим кишилар онгида диний сарқитлар сақланиб келаётганлигининг объектив ва субъектив сабаблари, баъзи оилаларда хотин-қизларни камситиш, уй-рўзғор ва хўжалик ишларини фақат уларнинг зиммасига юклаш, ота-оналарнинг болаларга таъсирини кучайтириш, ёшларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам рисолада ўз ифодасини топган.

[1] И. Жабборов. Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1983.

ТАРИХИЙ ТАҚДИРЛАР

Ўзбекистон адиблари тарихий қаҳрамон Спитаменнинг Искандарга қарши курашини шеърий, насрий асарларда илгари ҳам тасвирлаганлар. Бу ўринда шоир Муҳаммад Алининг «Спитамен» туркумидаги қатор шеърларини, Ж. Илёсовнинг «Суғдиёна» асарини эслаб ўтиш мумкин.

Ёш адиб Исфандиёрнинг «Қасам»[1] тўпламига кирган шу номдаги қиссасида ҳаёти афсоналар билан қоришган фотиҳ Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши, бу ердаги халқлар — суғдлар, форслар ва массагетларнинг уларга қарши кураши ҳикоя қилинади. Бу асардан муаллифнинг эрамиздан олдинги III асрдаги юнон-македон ҳамда Ўрта Осиё халқлари турмушини, урф-одатларини, тарихини, Искандар, Доро III, Спитамен, Бесс сингари тарихий шахсларнинг ҳаётини яхши ўрганганлиги кўриниб турибди.

Қиссада воқеалар, қаҳрамонлар ва улар билан боғлиқ сюжет линиялари жуда кўп. Шунинг учун ҳам асарни ўқиб чиққан киши дабдурустдан муаллифнинг ғоявий-бадиий ниятини англаши қийин. Аммо асарнинг ёрдамчи сюжет линиялари эмас, асосийлари хаёлдан ўтказилса, адибнинг ғоявий-бадиий нияти аён бўлади.

Бутун дунёда енгилмас деб тан олинган форс подшоси Доро III Кадемон, сўнгра унга суиқасд уюштириб шоҳликни қўлга олган Бесс фотиҳ Искандар ҳужумларига дош беролмай енгилади. Ўрта Осиё халқлари ўзаро низолар туфайли Искандарга қарши курашда бирлаша олмайдилар.

Доро, Бесс сингари шоҳларнинг Искандарга қарши курашни уддалай олмаганларидан кейин Спитамен оз сонли сарбози билан кутилмаган жойларда пайдо бўлиб, фотиҳнинг лашкарларига зарба беради. Шу билан Искандарнинг Ҳиндистонга юришини анча кечиктириб туради. «Спитамен қўлга олинмаса, суғдлар ерини ўзимники ҳисоблаёлмайман», дейди Искандар.

Бир қатор шиддатли жанглар олиб борганига, баъзи ҳарбий муваффақиятларни қўлга киритганига қарамасдан, Спитамен аскарлари мағлубиятга учрайди, унинг ўзи ярадор бўлади ва оғир бир шароитда ҳалок бўлади. Спитаменнинг Ростан каби шогирдлари ва бошқа сафдошлари кейин ҳам жуда оз сонли аскарлари билан курашни давом эттирадилар... Бу билан гўё ёзувчи: босқинчилик мавжуд экан, унга қарши ҳаракат, кураш ҳам тўхтамайди, оз сонли қурашчилар ҳаракати ва халқ қонида (бозордаги чолнинг Искандар босиб олган юртдаги аҳвол ҳақидаги аччиқ сўзлари ва халқнинг унга хайрихоҳлиги бунга мисол бўлаолади) интиқом ҳисси яшаб қолади, дегандай бўлади.

Кейинги йиллар ўзбек прозасида халқ ҳаётининг олис қатламларини акс эттирувчи, халқ қаҳрамонлигини бадиий намоён қилувчи бир қанча тарихий асарлар яратилди. Зеро, озодлик мавзуи ҳам муҳаббат каби эскирмас, турли материалда турлича жило берадиган, ҳар бир юракда янгиланадиган мавзулардандир.

Асарнинг фазилатларидан яна шуни айтиш керакки, ундаги асосий сюжет линиясига ёндош бир қатор воқеалардан, айрим қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларидан, тақдирларидан ҳам ҳаётий маънолар англашинади. Масалан, Искандарнинг ўзи қурдирган шаҳар меъмори Паламед билан учрашадиган эпизодни олайлик. Бу ерда Искандар ўзини дунёни гуллатиб-яшнатиш учун келган зот сифатида кўрсатмоқчи бўлади, оддийлик ва буюклик, абадийлик ва ўткинчи дунё, ёввойи ва маданий халқлар ҳақида баҳс юритади. «Мен оддий одамлар эришиши мумкин

[1] Исфандияр. «Клятва». Издательства Литературы и искусства им. Г. Гуляма. Тошкент — 1983 г.

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Оммага ғоявий-сиёсий билим бериш санъатини эгаллаш, мураккаб проблемаларни ёрқин, асосли ва тушунарли қилиб баён этиш, аудитория билан жонли мулоқатда бўлиш барча лектор ва пропагандистларимизнинг муҳим вазифасидир. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарорида бундай дейилади: «Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, пропагандистлар, лекторларни хабардор қилиб туриш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатишни яхшилаш, уларни аудиториядагилар билан жонли ва мароқли суҳбатлашиш, одамларни ўзига эргаштира билиш маҳоратига ўргатиш керак». Ҳозирги кунда нотиқлик санъатини лектор ва пропагандистлар билан бир қаторда барча раҳбар ва мутахассис ходимлар ҳам чуқур эгаллашлари лозимлиги ҳақидаги партия кўрсатмалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан қараганда санъатшунослик кандидати С. Иномхўжаевнинг «Нотиқлик санъати асослари»[1] номли қўлланмаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

Қўлланма унча катта бўлмаган ўнта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим нотиқлик классификациясига, унинг турли ва кўринишларига бағишланади.

Нотиқлик санъатини чуқур эгаллаш учун асарда кўрсатилган унинг тур ва хилларини яхши билиш зарурлигининг боиси шундаки, нутқ ўз мавзуи ва мазмуни билангина эмас, балки баён қилиш усули, шунингдек, таъсир этиш даражаси, ҳатто ишлатиладиган иборалар характери билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Муаллиф ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган нотиқликнинг беш тури ва ўнлаб кўринишлари ҳақида, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бир-биридан фарқларини аниқ мисолларда қизиқарли баён этган.

«К. Маркс ва Ф. Энгельс нотиқлик санъати ҳақида» деб номланган бўлим ҳам аниқ фактларга асосланган туфайли жонли ва жозибалидир. Маркс ва Энгельс кенг меҳнаткаш халқ оммасининг манфаатини ҳимоя қилувчи содда, тушунарли нутқлари билан катта обрў қозонган ажойиб, фозил кишилар эдилар. Улар тингловчиларнинг касб-кори, ёши, билим ва қизиқиш доирасини ҳисобга олган ҳолда сўзлар эдилар. Муаллиф бу икки йирик сўз санъаткорининг нотиқлик санъатига хос қомусий билим, революцион рух, тил ва талаффузга бўлган юксак талабчанлик каби буюк фазилатларни алоҳида таъкидлайди.

Китобда В. И. Ленининг нотиқлик маҳорати алоҳида ҳурмат ва меҳр билан ифода қилинган. Доҳийимизнинг революцион агитация ва пропаганданинг моҳир устаси, тенги йўқ нотиқ сифатидаги хусусиятлари, марксизм революцион таълимотини практика билан моҳирона боғлай олиш қудрати конкрет мисолларда ифодалаб берилган. Муаллиф Ленин нотиқлигида бадиий адабиётга, мақол ва маталларга, зид қўйиш ва таъкидлашларга, мунозара ва ҳикоятларга, сатира ва юморга анча кенг ўрин берилганлиги ҳақида ажойиб лавҳалар келтиради. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, ленинча нотиқлик турли усулларга, ўзига хосликларга, техник эмоционал, мазмуний ва шаклий ёрқин хусусиятларга шу қадар бойки, уларнинг шарҳ этилиши ҳозирги кун ва истиқбол учун ҳам катта амалий ва назарий аҳамиятга молликдир.

Китобнинг кейинги бўлимлари нотиқлик санъати тарихига бағишланган. Унда юнон нотиқлигининг Перикл, Демосфен каби буюк намояндаларининг, Римнинг Катон, акаука Гракхлар, Марк Антоний ва Цицерон каби энг йирик нотиқларининг маҳорати ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Ўрта асрлар нотиқлик санъатининг юксалишида энг ноқулай давр

[1] С. Иномхўжаев. «Нотиқлик санъати асослари». Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1982 й.

масига юклатиб қўйилаётганлиги ҳам эътибордан четда қолмаган.

Мазкур китобнинг иккинчи боби «Совет турмуш тарзи, маиший ҳаёт ва диний эътиқод» деб аталади. Муаллиф бу бобда социалистик турмуш тарзи кишиларнинг меҳнат фаолияти билан чекланибгина қолмасдан, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший ҳаётидаги фаолияти билан боғлиқ социал муносабатларда намоён бўлишини ҳам аниқ-равшан тушунтириб беради.

Социалистик турмуш тарзи капиталистик турмуш тарзидан тубдан фарқ қилади. Бироқ турмуш тарзи билан маиший турмуш бир нарса эмас, улар бир-биридан фарқ қилади. «Зотан,— деб ёзади муаллиф,— маиший турмушнинг ўзи социал мураккаб тушунча бўлиб, у инсон фаолиятининг турли-туман жиҳатлари билан — биологик ва социал, индивидуал ва миллий жиҳатлар билан туташиб кетади. Маиший турмуш ҳаётнинг фақат объектив моддий шароитлари... билангина эмас, балки мазкур жамиятга хос бўлган фикрлаш тарзи, ҳаёт мақсадлари, хатти-ҳаракат формалари, ахлоқ нормалари, ижтимоий яшаш қоидалари, анъана ва урф-одатлари билан ҳам ўзаро боғлиқдир...»

Марксизм-ленинизм классиклари ҳам турмуш тарзини ҳамиша социал-синфий ҳодиса деб билганликлари, уларнинг асарларида турли ижтимоий-иқтисодий формациялардаги синфлар ёки социал гуруҳларнинг турли типдаги турмуш тарзи таърифлаб берилганлиги, турмуш тарзининг типологияси ишлаб чиқилганлиги эслатиб ўтилган.

Жамиятимиздаги маиший турмуш соҳаларида учраб турадиган баъзи нуқсонлар китобда асосли танқид қилинган, бу камчиликларни тузатишнинг йўл-йўриқлари кўрсатилган.

Китобнинг учинчи боби фаровонлик ва турмуш маданиятига бағишланган. Маълумки, бугунги кунда халқимизнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз ошириш бутун экономикани ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда.

Материалистик диалектиканинг объектив қонунига биноан ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди. Ижтимоий онг деганимизда кишиларнинг объектив воқеликни, кишилик жамиятини, табиатни акс эттирувчи идеялари, назариялари, қарашлари, социал туйғулари, одатлари ва ахлоқларининг жами тушунилади. Ижтимоий онг инъикос эттирадиган асосий объект кишиларнинг ижтимоий борлиғидир. Кишиларнинг ижтимоий онги уларнинг ижтимоий борлиғининг маҳсулидир. Демак, меҳнаткашларимиз онгидаги эскилик сарқитларини бартараф этиш уларнинг моддий ҳаёт шароитини яхшилаш билан мустаҳкам боғлиқдир. Меҳнаткашлар маданиятининг юксалиши, социал активлигининг мустаҳкамланиши масалалари ҳам уларнинг моддий ҳаёт шароитлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съездида: «Конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида амалда ғамхўрлик қилиш партия иқтисодий сиёсатининг бош ва пировард мақсадидир», деб бежиз айтилмаган.

Партиямиз иқтисодий сиёсатининг асосий мазмуни мазкур китобнинг шу бобида ўз ифодасини топган.

Китобнинг сўнгги — тўртинчи боби «Одат, одоб ва инсон камоли» деб номланган. Бу масала ижтимоий меҳнатдан ташқаридаги фаолиятни, яъни маиший турмушнинг янада гўзал ва ранг-баранг бўлишини тақозо этади. Муаллиф инсон ҳаётидаги объектив жараённинг маҳсули бўлган анъана ва урф-одатлар ҳақида фикр юритар экан, айрим урф-одат, маросимларнинг диний элементлари мавжудлигини ва улар консерватив (муҳофазакор)ликка мойил эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Кишиларнинг ахлоқий қарашлари, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини баҳолашда уларнинг бурч, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, инсонпарварлик, коллективизм каби ахлоқий фазилатларга муносабатини ҳисобга олиш албатта катта аҳамиятга эга. Зеро, олижаноб инсоний фазилатлар ҳам муайян тарихий эҳтиёж ва ижтимоий манфаатдорлик асосида пайдо бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мазкур китоб атеистлар, лекторлар, пропагандистлар, студент ва аспирантлар учун назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Абдураҳмон ОРТИҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор
Тўхтахон АБДУРАСУЛОВА,
фалсафа фанлари кандидати, доцент

бўлмаган ишларни бажаришга ҳаракат қиламан. Бу ёввойи саҳроларда ажойиб шаҳарлар пайдо бўлишини, бу шаҳарнинг боғларида турли-туман дарахтлар ўсиб, уларнинг соясига улуғ файласуфлар, шоирлар йиғилиб туришини хоҳлайман», дейди у Паламедга. Искандар ўзидан олдинги ва кейинги фотиҳлар каби ўз босқинчилигини «қолоқ халқларга маданият олиб келиш» ниқоби билан яширишга уринади. Меъмор, халқ, санъат вакили сифатида истиҳола билан бўлса-да: «Бу ишни (маданиятли бўлишни) уларнинг ўзларига қўйиб бериш» ҳам мумкинлигини айтади. Аммо фотиҳ унинг сўзларидаги ҳақиқатни англаб турса-да, гапини ўтказишга, ўз босқинчилигини оқлашга интилади ва ўзича асослайди ҳам...

Бу эпизодда фотиҳларга хос яна бир умумий хусусият индивидуаллаштирилган. Искандар бутун оламни забт этиш ғоясининг руҳий асосларини ўзича шундай изоҳлайди: «Менинг руҳимда олов жойлашганга ўхшайди. Ҳушим ўзимда эмас. Баъзан ҳаммасини унутишни, дам олишни, ҳокимиятдан воз кечишни истайман, аммо ўша ўй менга тинчлик бермайди, олдинга даъват этади. Агар руҳимдаги бу ўтни сарф этмасам, ўзимни қафасдаги қушдай ҳис этаман». Меъмор Паламед «бу ўтни Искандарга худо берган»лигини айтади. Фотиҳ ҳам бу гапга ишонч билан қарайди... Бундай эпизодлар фақат маъно учун эмас, қаҳрамонлари характеридаги индивидуал хислатларни очиш учун ҳам хизмат қилади.

Асардаги кўплаб қаҳрамонлар ичида Искандар, Спитамен, Гулрухсор, Ростан образлари, уларнинг ҳаракатлари ва руҳиятлари анча дуруст очилган. Масалан, Искандар — фотиҳ. Аммо Исфандиёр уни фақат қон тўкувчи ёвуз шоҳ сифатида эмас, инсон, тўғрироғи ўзини худо томонидан буюк этиб яратилганлигига ишонган шоҳ сифатида кўрсатади.

Искандар шоҳ бўлатуриб ёшлиги, қайноққонлиги туфайли хавфли жангларда кичик бир лашкарбошидай қатнашади. Яқинларига, айниқса, болалик дўстларига самимий муносабатда бўлади. Аммо улар қуюшқондан чиқадиган ҳаракат қилсалар аяб ўтирмайди. Айни замонда у айёр тактик: суғдларни қўлга киритолмагач, тинч аҳолини — болалар, хотинлар ва кексаларни «озод этиб», курашдан чарчаб қолган Вахшунварта каби айрим лашкарбошиларни ўзига оғдириб олади. Шу тариқа Спитаменни яккалаб, унинг ҳалокатини яқинлаштиради.

Асардаги энг жозибали, жўшқин образлардан бири Спитамендир. Ёзувчи унинг мардлиги, Ватанга, дўстларга садоқатини ички бир хайрихоҳлик билан ифодалайди. У ҳар ким ўз юртига ўзи эгалик қилишини, суғдларнинг форсларга ҳам, юнонлар ёки македонияликларга ҳам бўйсунмаслигини истайди. Худди шу эътиқоди туфайли форсларнинг «биргаликда курашиш» ҳақидаги таклифини рад этади: Искандар енгилган тақдирда ҳам биз аввалгидай форслар қўл остида эзилаверсак, бундан нима маъно, дея ўйлайди.

Спитаменнинг ўлими тўғрисида турли тахминлар бор. Ўзбекистон тарихида лашкарбоши ўз хотини томонидан ўлдирилиб, боши Искандарга олиб борилганлиги ҳақидаги тахмин қайд қилинади. Бу тахминга асосланиб шоир Муҳаммад Али психологик шеър яратган. Исфандиёр қиссасида эса оғир ярадор ҳолда ётган Спитаменнинг оғзига хотини Гулрухсор заҳар қуйганлиги тасвирланади. Ўқувчи унинг бу ҳаракатини: «Гулрухсор Спитаменнинг қийналиб ётишини истамаганидан шундай қилди», деган маънода тушунади. Буни унинг аввалги хатти-ҳаракатлари — жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари ҳам тасдиқлайди. Аммо ушбу фактни мардона муносабат сифатида баҳоласак, унинг зўрлик остида бўлса-да, бесўнақай ва бадбуруш Гаплетга турмушга чиқиб, у билан яшаганини қандай тушуниш мумкин? Гулрухсордай аёл ҳам Спитамен ёди билан, ҳам душманлар билан бирга яшай олармикан? Ўқувчи хаёлини бу шубҳали савол банд этиб туради.

Исфандиёрнинг бу тўпламига тарихий, ярим тарихий ҳамда ривоят материалларидан фойдаланиб ёзилган ҳикоялари ҳам киритилган. Ҳикоялар ёзилиш услуби жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, мавзу ва қаҳрамон нуқтаи назаридан турличадир. Чунончи Ольга Ипатова билан биргаликда ёзилган «Святослова» ҳикоясида эртакнамо тарздаги воқеалар берилса, «Маздаклар»да ярим тарихий ҳодисалар, «Зирик» ва «Оллоҳ инояти»да қадимий ривоятлар қаламга олинади. Бу ҳикояларнинг кўпчилигида ўқувчи эсида қоладиган образлар яратилган, қизиқарли воқеалар баён қилинган бўлса-да, аммо уларнинг ҳаммасида ҳам муаллифнинг ғоявий-бадиий концепцияси аён сезилиб турмайди.

Умуман, ушбу китобдаги асарларда ёш ёзувчининг тарихни, халқ ҳаётини бадиий идрок эта олиш, қаҳрамонлари тақдирини қизиқарли ва маъноли йўсинда тасвирлаш маҳорати шаклланиб келаётганини кўриш мумкин.

Ботир НОРБОЕВ,
филология фанлари кандидати

ҳисобланади. Муаллиф сўз эрки бўлмаган ўрта асрларда нотиқлик санъати яхши ривожланмаганлигини баён этади.

«Рус нотиқлик санъати» деб номланган бўлимда Киев Русидан то Октябрь революциясигача бўлган давр орасида ўтган нотиқларнинг маҳорати ҳақида қисқача маълумот берилади. С. Н. Халтурин, П. А. Алексеев, И. В. Бабушкин ва бошқа пролетар нотиқларининг нутқлари энг аввало халқчиллиги, оммавийлиги билан шуҳрат қозонганлиги уқтирилади.

Китобда совет нотиқлик санъати бўлими марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Янги социалистик тузум бу санъатнинг равнақи учун ҳам янги уфқлар очди, шунинг учун ҳам Совет ҳокимияти даврида нотиқлик санъати беқиёс даражада равнақ топди. Совет нотиқлигининг энг муҳим хусусияти унинг партиявийлиги бўлиб, бу, аввало унинг коммунизм йўлида, кенг меҳнаткашлар оммасининг бахт-саодати йўлида хизмат қилишида намоён бўлади. Муаллиф Ф. Э. Дзержинский, С. М. Киров, М. И. Калинин, А. В. Луначарский ва бошқа қатор совет нотиқлигининг забардаст вакиллари маҳоратининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритади.

Китобда энг катта ва салмоқли бўлим «Риторика» деб аталади. Бу бўлимда риторика, унинг предмети ҳамда вазифалари аниқ, равон ва тўғри баён этилган. Ҳақиқатан ҳам риторика деганда икки маъно англашилади: ҳам нотиқлик санъатининг амалий миқёси, ҳам унинг назариясига оид илмий адабиётлар. Аммо кейинги вақтларда бу термин кўпроқ назарий аспектда қўлланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, риториканинг предмети расмий жонли сўз санъати жараёни бўлиб, унинг вазифаси идеологиянинг муҳим қуроли бўлган нотиқлик санъатининг назарий методик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Китоб «Нутқ маданияти» деган бўлим билан якунланади. Нутқ маданияти кейинги йилларда жамоатчилик диққатини тортаётганлиги бежиз эмас. Чунки у маълум даражада инсоннинг маънавий ҳаётини белгилаб, унинг жамият олдидаги бурчини ҳис этишни, жамият аъзолари билан фикр алмашиши жараёнидаги маданиятини кўрсатади. Муаллиф нутқ маданиятига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, адабий тил ва адабий талаффуз, оғзаки нутқ маданияти ва ёзма нутқ маданияти каби тушунчаларни ажратиб, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида фикр юритади. Қўлланма қуйидаги хулоса билан якунланади: нутқ маданияти серқирра, мураккаб ҳодиса бўлганлиги учун ҳам бу соҳада ҳамма учун ягона рецепт бериш мумкин эмас. Лекин шунга қарамасдан, нутқ маданиятининг айрим умумий томонлари (муаллиф буни 5 пунктда кўрсатади) борки, барча нотиқлик санъати билан қизиққан ўртоқлар уни билиши ва унга риоя қилишлари лозим.

Ушбу рисола, бизнингча, айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Унда баъзи бир ғализ жумлалар ва изоҳ талаб сўзлар учрайди.

Ўрта Осиё нотиқлиги ҳақида сўз кетганда муаллиф мотам ва диний воизлик кўринишлари хусусида қисқача ахборот бериш билан чекланган. Ўрта Осиёдаги воизлик анъанасини фақат шу кўринишлар билан чеклаш тўғри эмас. Қадимда бизда ҳам прогрессив йўналишдаги нотиқлик бўлган, бу ерда ҳам моҳир нотиқ — воизлар етишиб чиққан. Улуғ алломаларнинг илм-фан аҳли, мадраса талабалари олдидаги ижтимоий-ҳаётий мавзулар бўйича мароқли маърузалар қилганлиги ҳақида хилма-хил ҳужжатлар, кўплаб ривоятлар сақланиб қолган. Афсуски, булар фанда ҳали ўрганилган эмас.

Тўғри, муаллиф бундан бир неча йиллар муқаддам «Ўтмиш Шарқ нотиқлиги» деган кичик рисола эълон қилган ва унда халқимизнинг номлари машҳур воизлари ҳақида иложи борича тўлиқроқ маълумот беришга интилган эди. Бизнингча, муаллиф ўзининг ана шу асаридан ва бошқа янги манбалардан фойдаланган ҳолда ўтмиш Шарқ нотиқлигини алоҳида бўлим ҳолида «Нотиқлик санъати асослари» деб номланган мазкур қўлланмасига киритганда, юқоридаги эътирозларга ўрин қолмаган бўлур эди.

Қайд этилган баъзи камчиликларга қарамай, муаллиф ҳали кам ўрганилган соҳага қўл уриб, хайрли иш қилган. Чунки ушбу рисола нотиқлик санъати асосларини ўрганувчи кишиларга мўлжалланган дастлабки қўлланмалардан биридир.

Хидой ЖАЛИЛОВ,
ТошДУ фалсафа кафедрасининг доценти

ИРҚЧИЛИК — ХАЛҚЛАР ДУШМАНИ

Ирқчилик бугунги кунда турли хил кўринишларда намоён бўлаётир. У Жанубий Африка Республикасида апартеид системасида, АҚШда ку-клукс-кланчилар ҳаракатида, маҳаллий ҳиндуларга ва негрларга муносабатда, Исроилда сионизм қиёфасида, Англияда собиқ мустамлакалар миллатига мансуб кишиларни, Францияда африкаликларни, Ғарбий Германияда туркияликларни, Австралияда маҳаллий аборигенларни таҳқирлашда яққол кўзга ташланаётир.

Ирқчиликнинг асл моҳияти эксплуатацияни оқлашдан, халқлар ўртасига низо уруғини сочишдан, у ёки бу ирқнинг устунлиги тўғрисидаги сохта назарияларни асослашга уринишдан иборатдир. Ирқчиликнинг апартеид қобиғидаги фаолияти бунинг ёрқин далилидир. Ҳозирга қадар Африка халқлари бошига кўплаб кулфатларни солаётган «Оға-ннилар уюшмаси» деб аталувчи мудҳиш ташкилот Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)да 1921 йилда ташкил топган эди. Афтидан ўша пайтларда европалик корчалонлар содда африкаликларни бизлар сизлар билан оға-ннимиз деб лақиллатган бўлсалар керак. Бу ташкилотнинг ҳозир 12,5 мингдан ортиқ аъзоси бор. Бир вақтлар фашизм билан оғиз-бурун ўпишган, Гитлер ва Геббельслардан мадад олиб турган бу ташкилот эндиликда Америка империализми билан тил бириктирган, қотиллик ва разилликда эса у ку-клукс-клан ташкилотидан қолишмайди. Ташкилот Жанубий Африка Республикаси давлат аппаратида етакчи роль ўйнайди. Бош министр Питер Бота уюшмага раҳнамолик қилади, унинг резиденцияси «Либертас» уюшмасининг асосий идораси ҳисобланади. Барча махфий ирқий ишлар — миллий-озодлик ҳаракатларининг раҳбарлари ҳаётига суиқасд уюштириш, айрим қабилаларни қириб ташлаш, Африка озодлик ташкилоти фаолиятига раҳна солиш — юқоридаги уюшманинг фаолиятини белгилайди.

Ирқчилар шум ниятларини амалга ошириш учун хунрезликдан ҳам тоймайди. Одам ўлдириш Жанубий Африка Республикасида одат тусига кириб қолган ва у бу борада империалистик давлатлар ўртасида жаҳон рекорди қўйган. Масалан, 1976 йилдан то шу кунга қадар бу ерда мингдан ортиқ ватанпарварлар ўлимга ҳукм қилинди, ҳар кунн минглаб қоратанлилар арзимаган баҳоналар билан қамоққа олинмоқда. Сўроқ пайтида калтак зарбига бардош беролмай ўлганларнинг сон-саноғи йўқ.

1982 йил 9 декабрда қотиллар навбатдаги жиноятга қўл уришди. Улар Лесото ерларига бостириб кириб, 42 кишини ўлдирди, шундан 30 киши Африка Миллий Конгрессининг аъзолари эди. 1983 йил 9 июнь куни яна қотиллик юз берди. Жанубий африкалик учта ватанпарвар — Т. Могоеране, Д. Мосололи ва М. Мотоунга ана шу қотиллик қурбонлари бўлдилар. Улар Преториянинг ирқчилик снёсатини қоралаган эдилар. Қотиллар БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги нуфузли вакилларнинг, ҳатто ғарбдаги айрим обрў-эътиборли доираларнинг талабларини ҳам ҳисобга олмайди.

Жанубий Африка Республикасида ирқчилик давлат даражасига кўтарилган. Ирқий адоватга қарши салгина норозилик билдирган оқ танлилар ҳам қибсга олинмоқда. Иоганнесбургда чиқадиган «Стар» газетасининг хабар беришича, Кимберли шаҳридан беш студент бесабаб, судсиз сўроқсиз 6 ой муҳлатга қамаб қўйилган. Л. Кнегали исмли студент қиз деярли бир йил давомида қамоқда тергов ўтказилишини кутиб ётган. Яна бир мисол: 37 ёшли мактаб директори Джаако Кангаджи Францияда чиқадиган «Монд» газетасининг мухбирига ирқчилар қўлида чеккан азобларини қуйидагича баён этади: «Мени кўзларимни боғлаб ура бошладилар. Ҳушимдан кетиб йиқилдим. Шунда улар мени электр стулига ўтқизиб, қулоқларимга электродлар тиқиб, сўроққа тутдилар. Бундай даҳшатли қийноқларга мен бор-йўғи уч кунгина бардош бера олдим... Камерага келтириб ташлаганларида мен, энди одам бўлмасам керак, деб ўйлагандим...» Бечора Д. Кангаджи қайси гуноҳлари учун бундай уқубатларга гирифтор этилганини ҳам билмайди.

Ирқчилик қандай шакл ва кўринишларга эга бўлмасин, ҳамиша империализм манфаатларига хизмат қилади. Туб африкаликлар Претория учун арзон ишчи кучи холос. Аниқ маълумотларга қараганда, Жанубий Африка Республикасида 40 фоиз аҳоли бутунлай саводсиз. Уқиш ва ёзишни биладиганлар оқ танлилар орасида (улар бор-йўғи 2 миллион киши) 87 фоиз бўлса, туб аҳоли ичида бу кўрсаткич (бу 25 миллион киши) 51 фоизни ташкил этади. Агар бутун қитъа бўйича мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 60 фоизи саводли экани ҳисобга олинганда ҳам бу нисбат ундан 11 фоиз кам эканлиги кўринади.

Ирқий жиҳатдан камситилаётган Жанубий Африка Республикаси аҳолиси озодлик учун фаол кураш олиб бормоқда. Жумладан, 1982 йилда жами 342 марта иш ташлашлар содир бўлган. Забастовка ҳаракатида оқ танлилар ҳам қатнашмоқдалар. Аввалари ирқчилик «Норозилар»дан аёвсиз ўч олган бўлсалар, эндиликда бир оз бўлса-да, ён беришга мажбур бўлаётирлар. Тоғ кон саноатининг қора танли ишчилари ўз касаба союзларини тузиш ҳуқуқини қўлга киритдилар; ўлим жазосига ҳукм қилинган Лубиси, Мананс ва Машнго каби ватанпарварлар ҳаёти сақлаб қолинди.

Миллий-озодлик ҳаракатининг таниқли раҳбарларидан бири, Африканинг содиқ фарзанди Нельсон Мандела Симон демократия учун, ирқчиликка, мустамлакачиликка қарши курашдаги изчил фаолияти учун Боливар номидаги мукофотга сазовор бўлди. Ана шундай кишини Претория ирқчилари 1962 йилдан бери қамоқда сақламоқда. Н. Манделанинг содиқ дўсти, Африка Миллий Конгрессининг Бош секретари Уолтер Сисулининг тақдири ҳам ана шундай.

Ирқчилик снёсати тараққийпарвар инсониятнинг ғазабини жўш урдирмоқда. Жанубий Африкалик ватанпарварларни озод қилиш учун бошланган ҳаракат бутун дунёда кенгайиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1973 йилда ирқчиликнинг шармандали кўринишларига қарши кураш ҳаракати биринчи ўн йиллигини эълон қилган эди. Биринчи конференция 1978 йилда бўлиб ўтди. 1983 йил август ойида Женевада шу масалага бағишланган Иккинчи Жаҳон конференцияси ўтган ўн йилликка якун ясади ва келгусидаги вазифаларни белгилаб берди. 80 дан кўпроқ давлат вакиллари иштирок этган Женева анжуманининг мақсади БМТнинг одамларнинг ирқи, танасининг ранги ва этник келиб чиқишига қараб камситилишига узил-кесил барҳам бериш тўғрисидаги қарорларини бажаришга кўмаклашишдан иборат бўлди.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз озодлиги ва социал тараққиёти учун, мустамлакачилик зулмига, ирқчилик ва апартеидга қарши курашаётган халқларни қатъий ва изчил қўллаб-қувватламоқдалар. Бу билан улар жаҳонда тинчлик мустаҳкам қарор топишига ҳам ҳисса қўшаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко 1984 йил 13 февралда бўлиб ўтган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида: «СССР халқаро кескинликни камайтиришга амалий ишлар билан ёрдам беришга, дунёда ишончи муҳитини вужудга келтиришга тайёр бўлган, бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатан ҳам урушга тайёргарлик кўришни эмас, балки тинчлик негизларини мустаҳкамлашга интилувчи барча давлатлар билан тўла-тўкис баҳамжиҳат иш кўраверади», деди

Тинчлик ишига инсониятнинг туб манфаатларига батамом зид бўлган ирқчилик снёсати оқибат натижада барбод бўлишига шубҳа йўқ.

М. ҒОЙИБНАЗАРОВ,
тарих фанлари кандидати

ГИПНОЗ БИЛАН ДАВОЛАШ

Гипноз нима, унинг хосияти борми! Бу саволга Ленинграднинг етакчи гипнозчиларидан бири, медицина фанлари кандидати Л. Первов шундай деб жавоб беради:

— Маълумки, инсонлар учун энг қадрли ва энг таъсирли алоқа воситаси — сўздир. Соддароқ қилиб айтганда, оддий сўзлар сизнинг бутун вужудингизга ниҳоятда сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан: «совуқ», «иссиқ», «лимон», «уйқу» каби сўзлар кишига қаттиқ физиологик таъсир кўрсатади. Оқибатда асаб тўқималари бўшашади ёки таранглашади. Шунингдек, мия системасига таъсир этиши натижасида тормозланиш ҳолларн рўй бериши ҳам мумкин.

Маълумки, гипнозда биринчидан, бутун вужуднинг бўшашиб кетиш, узоқ вақтга қадар давом этадиган чарчоқлик ва ниҳоят гипнозчи томонидан берилган буйруқни сўзсиз бажаришга мойиллик ҳолатлари мавжуд. Бундай пайтда гипноз қилинган киши фақат майда-чуйда ахборотлар билангина чекланади. Ажабланарлиси шундаки, худди ана шу майда-чуйда, яъни аҳамиятсиз ахборотлар таъсири остида ҳаракат қилаётган кишининг мия органлари ҳам суст ишлайди.

Баъзан, талантли одамнинг қобилиятини ўзга бир одамга таъсир йўли билан ўтказиш мумкинми, деб сўрайдилар. Асло мумкин эмас. Негаки, гипнозчи энг аввало ўз шахсий ҳаётий тажрибасига суянади. Бундай кезларда юриш, туриш, ўтириш каби кундалик ҳаракатлари назарда тутилади. Шунингдек, гипноз таъсиридаги одамнинг нечоғли ахлоқли эканини ҳам кўрсатиб беради. Демак, кишини фақат унинг ахлоқи, дунёқараши ва фикрлаш қобилиятига қараб гипноз қилиш лозим. Бундай турдаги гипнозни қўллаш учун фақат врачларгагина рухсат берилган, холос.

Гипнознинг бу турн психотерапия муассасаларида даволашнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда асаб касалликларининг турли кўринишларини даволашда гипноз самарали восита бўлиб қолди. Айни пайтда куйиш, баъзи бир мураккаб хирургия операцияларида, кўз ёришида, бўғма, тери ва бошқа касалликларни даволашда ҳам гипноз усули кенг қўлланилмоқда. Айниқса, алкоголизм касаллигига дучор бўлган беморларни даволашда гипнозининг роли бениҳоя катта.

Шунингдек, одамларни зарарли одатлардан бирн — чекишдан халос этиш учун ҳам гипноз таъсири ишлатилмоқда. Айтиш керакки, гипнознинг таъсири даволанаётган одамнинг хоҳиш — иродасига ҳам боғлиқдир. Оддий мисол: ёнғин пайтида қаттиқ қўрққанидан бир аёлнинг овози чиқмай қолди. Гипноз усули билан даволаш пайтида аёлга гапиришни, бунинг учун фақат овози борича йигирмага қадар санашни буюришди. Аёл ўнга қадар санади, натижада овози қайта тикланиб, бемалол гапира бошлади.

Гипнозчилар икки хил бўлади: театрлашган гипнозчилар ва медицина соҳасида ишлаётган гипнозчилар. Медицина соҳасида ишлаётган гипнозчилар фаолиятини айтиб ўтдик. Театрлашган гипнозчилар хатти-ҳаракатига эътибор берсангиз, улар тез ҳаракат қилишади. Юзларида жиддийлик, кўзлари бир нуқтага тикилган бўлади. Турли тасодифларга бой номерлар намойиш қилади. Аммо медицина —даволаш соҳасидаги гипноз эса бир мунча мураккаброқ. Негаки, ўрганган ҳунарни фақат театрда, саҳнада намойиш қилиш бошқа, инсон саломатлиги йўлида гипноз билан шуғулланиш бошқа. Медицина бундай театрлашган гипнозни ҳеч қачон кечирмайди.

Умуман, кейинги пайтда мамлакатимизда гипноз билан шуғулланиш, унинг сирларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу борада айниқса медицина гипнозига бўлган қизиқиш ниҳоятда кучлидир. Гипноз яқин кунларда медицинанинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолса, ажаб эмас.

ЎҒРИ ЧЎНТАК

Толибжон нонуштадан сўнг ҳузур қилиб ёстиққа ёнбошлади. Кўзларини юмиб, ширин хаёлга кетди: «Хўш, мана, қорин тўқ, энгил бут, боламчақа тинч, яна нима керак». Шу пайт хотини: «Чой ичасизми?», деб қолди. «Хотиндан ҳам ёлчидим», деб кўнглидан ўтказди у. Кейин меҳри товланиб кетиб, хотинига ширин гап айтгиси келди:

— Хотинжон, насиб қилса бу йил сани бир Қора денгиз бўйларига оборib ўйнатиб келмоқчиман. Нима дейсан?

— Вой, ҳотамтой бўлмай кетинг, аввал берирокдагиларни бажариб туринг,— деди хотини лабини бурib.— Ақалли туғилган куним эсингизга келмайди-ю...

— Нима, мен сендан бир нимани қизғанибмидим? Оғзингга сиққанини айт, олиб берай. Қани, айт!

Толибжон ўрнидан туриб ичкари кирди. Шифонердан костюмини қидира туриб:

— Ҳой, қишки костюмим қани?— деб бақирди ичкаридан.

— «Химчистка»га топшириб юборган эдим.

— Топ, ҳозир! Қачон оборувдинг!

— Кеча, эрталаб,— саросимага тушиб қолди эрининг важоҳатини кўриб Ойнисахон.

— Югур, чоп, ҳозир топиб кел!— деди ҳовлиқиб Толибжон.

— Нима ўзи, нима бор эди унда?!.

— Ул бориди, дард бориди! Ўғри чўнтагига пул яшириб қўйган эдим. Югур!..

...Ойнисахон илдам кийиниб «Химчистка»га таксида етиб борди.

— Жон синглим, кеча қишки костюм топширган эдим. Шунинг, шунинг ўғри чўнтагида... ҳали ювишга топшириб юбормадингларми? Шуни қайтариб беринг.

— Квитансангиз?

— Вой, квитанса... унутибман. Костюмларни қараб ўзим топиб оламан.

— Квитансия?— деб минғирлади кўзойнак устидан хўмрайиб жувон.

Ойниса уйига қайтди. Шошганда лаббай топилмас дегандай у квитанцияни роса бир соат қидириб, чойнак ичидан топди. Яна «Химчистка»га югурди. Ҳаллослаб «Химчистка»га етиб келганида, беш-олти аёл навбатда турар эди.

— Сизлар топширишгами, олишгами?— деб сўради у ичи ёниб.

— Йўқ, биз пул олишга,— дейишди улар.

— Қанақа пул?

— Хўжайиннинг ўғри чўнтагида қолиб кетган пулларни.

— Вой, мен ҳам шунга, шунга келувдим,— деди Ойнисахон қувониб.— Ким кети?

— «Химчистка»миз,— деди ходима Ойнисахонга пул узататуриб,— ўғри чўнтакда қолиб кетган пулларни қайтариш планини ортиғи билан бажаради. Қани, кимнинг навбати?

— Ё тавба, ҳамманинг эри хотинидан пул яширадими?!— беихтиёр сўради Ойнисахон.

Қутби НОСИРОВА

ТУЛКИ ВА ҚАРҒА

Тулкига пишлоғини олдирганча қарғавой,
Қўшилолмай ҳеч кимга, тентиради йилу ой.
Қайга борса ўрмонда нишон бўлди кулгига,
Дердилар: «Оғзидагин олдирган у тулкига».
Бир кун яна тулкивой келиб қарға ёнига,
Дебди: «Қорин оч, ошна, ора киргин жонимга.
Мен айтмай, сен эшитма аҳволимни, ўртоқжон,
Оч бўлсанг гар, кўзинга тор кўринар кенг жаҳон.
Анов кун ўғирлик-чун кирсам колхоз боғига,
Сал қолдим илинишга боғбоннинг тузоғига.
Энди сенга айтажак арзу ҳолим ушбудир:
Энг озғин жўжани ҳам бермаяпти бу мудир.
Яқинда ниначидек бири тушганди қўлга,
Деди:— «Менда гўшт йўқдир...
Агар кирсангиз йўлга...
Тўсиқдан ўтаман-у кўрсатаман хонамни,
Ёнингизга бошлайман семизгина онамни».
Сергўшт товуқни эслаб бир дам айланди бошим.
Лабим ялаб чайналдим, ғилтиллаб кўзда ёшим.
Майли дедим, бора қол, чақирақол онангни,
Айт, ёлғиз ўзи келмай, эргаштирсин холангни.
Қараб турдим тўсиқдан ичкарига ўтгунча,
Сўнг чийиллаш эшитдим, дейди:— Мен ғирт етимча.
Менда на амма-хола, на она, на ота бор,
Туғилган жойим, билсанг, темирдан — инкубатор.
Хаёлимдан кетмайди бу хўрланиш ўлгунча,
Алдади мен кексани темирқанот етимча».
Кўз ёшини тулкивой дув-дув тўкибди шу дам,
Кўнгли бўш Қарғавой ҳам йиғлабди бўлиб ҳамдам.
Бирдан айёр тулкивой таппа босибди уни,
Тушгач қарға бошига бечора жўжа куни,
Дебди: «Очликдан сиздек азиз чекмай азият,
Сени тулки есин»,— деб бобом қилган васият.
Бобомнинг васияти дилимда олий ҳавас,
Фақат олдин уларни бир дуо қилсангиз бас».
Дуо учун тулкивой чангалини очибди,
Қарға эса парр этиб баланд шохга қочибди.
Тулки дебди: «Бобонгни тезроқ ютсин-да лаҳат,
Лекин сенга ишонган мен лақмага минг лаънат!»

Ҳайитбой ЭРГАШЕВ

Наманган



— Ҳой биродар, алдаётганим йўқ, ростдан ҳам этагингиз тутаяпти!..

— Жимжимадорлигини кўринг!
— Жимжимадор бўлмай ўлсин, умр эгови-да!



— Қани, илдирворамизми!
— Ўзи илинган экан-ку...

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

ШАХ МАТ

Навбатда Карпов — Каспаров матчи

Бу йил ишқибозлар шахмат тарихида камдан-кам рўй берадиган воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Шахмат бўйича илгари бир марта жаҳон чемпионлигини қўлга киритган, узоқ «танаффус»дан кейин яна куч тўплаб, жаҳон чемпионлигининг кучли даъвогарларидан бири сифатида финал матчига чиққан 63 ёшли В. Смислов билан жаҳон чемпионлигининг энг ёш даъвогари (13 апрелда 21 ёшга тўлди) Гарри Каспаров учрашуви Вильнюс шаҳрида ўтказилди.

Г. Каспаров ёш бўлишига қарамай, В. Смислов билан учрашгунча бой тажриба тўплади. Энг юксак мусобақаларда, энг кучли шахматчилар билан олишувда маҳоратини оширa борди. У 1982 ва 1983 йилларда Шахмат Оскари совринига муносиб кўрилди. Шунинг учун ҳам бир ой давом этган шахмат баҳсида Г. Каспаров ғолибликни қўлга киритди. Смислов эса кекса бўлишига қарамай, бир ой давомида ёш гроссмейстер билан курашда сабр-матонат топа билди. Ғолибликни бой берса-да, гўзал ўйинлар кўрсатишга эришди.

11 апрель куни қардош Литва ССРнинг пойтахти Вильнюсда даъвогарлар финал матчининг расмий ёпилиши тантанаси бўлиб ўтди. ФИДЕнинг топшириғига биноан матчнинг бош арбитри В. Микенас шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг даъвогар рақиби халқаро гроссмейстер Гарри Каспаров экани-гини эълон қилди. Демак, шу йил кузида шахмат мухлислари яна бир катта воқеанинг гувоҳи бўладилар. Анатолий Карпов билан Гарри Каспаров ўртасида жаҳон чемпионлиги учун матч ўтказилади. Шуни эслатмоқчимизки, жаҳон биринчилиги матчида қатъий тартибга кўра, қанча дуранг бўлишидан қатъий назар, бирон-таси ҳам ҳисобга кирмайди. Биринчи бўлиб 6 марта ютуққа эришган шахматчи ғолиб деб ҳисобланади. Учрашув қаерда ўтказилишини матч иштирокчиларининг ўзлари ҳал этадилар. Ҳозирча бу матч пойтахтимиз Москвада бўлса керак, деган мўлжал бор.

Ишқибозларнинг қалбини тўлқинлантираётган энг қизиқарли учрашувлар бошланишига оз вақт қолди. Жаҳон чемпионлиги учун ўтказиладиган матч шахмат соатлари шу йил 10 сентябрь куни ишга тушади.

Хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати, яъни М. Чебурданидзе билан И. Левитина ўртасида ўтказиладиган жаҳон биринчилиги матчи ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

М. ЭРГАШЕВ



ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРД

Бўйига: 1. Атоқли рус совет ёзувчиси, жамоат арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 2. «Тинчлик кабутари» асари билан машҳур бўлган буюк рассом. 4. Жаҳон тинчлик кенгаши раҳбари, ҳиндистонлик арбоб. 6. Улуғбек номидаги Халқаро кенглик станцияси жойлашган шаҳар. 8. Ўзбекистон халқ рассоми, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 9. Осиё ва Африка ёзувчиларининг энг яхши асарлари учун таъсис этилган халқаро мукофот. 11. Республикамиз жанубидаги шаҳар. 14. Қозоқ адабиёти асосчиси.

Энига: 3. Бунёдкор синф. 5. Чили халқининг оташин шоири. 7. Фарғона водийсидаги область. 10. Республикамиздаги машҳур рақс ансамбли. 12. Тожик совет шеърияти асосчиларидан бири, «Тинчликсеварлар қўшиғи» муаллифи. 13. Шарқ халқларининг баҳор байрами. 15. Қардош социалистик мамлакат пойтахти. 16. «Озодлик ороли» пойтахти.

Кроссворд жавоб сўзларининг жойлашиши тартиб рақамларидан фойдаланиб, шакл атрофидаги цифрограммани тўғри ҳал этсангиз (ҳар бир доиранинг ўнг томонидаги рақамлар жавоб сўзларининг тартиб рақамларини, чап томонидагиси эса жавоб сўзларидан олинадиган ҳарфлар тартибини билдиради), жаҳон халқлари шиорини ўқийсиз.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

4-СОНДА БОСИЛГАН ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Чинни. 2. Ин. 3. Новда. 4. Зеби. 5. «Восеъ». 6. Макон. 7. Ханда. 8. Ортиқ. 9. Ўрмон. 10. Толиб. 11. Жомий. 12. Саҳна. 13. Шайин. 14. Латча. 15. Раъно. 16. Қўшиқ. 17. Йўлчи. 18. Уйғун. 19. Айний. 20. Ғумай. 21. Дала. 22. Ҳузур. 23. Ер. 24. Гагра.

Шакл марказида ёзилган сатрлар: «Ижодий иш — гўзал, жуда ҳам оғир ва ҳайрон қоларли даражада хурсанд қилувчи меҳнатдир».

Рим рақамлари билан белгиланган катакларда Ойбекнинг: «Шеър — ахлоқий гўзалликдир», деган ҳикматли сўзи яширинган.

ТЎРГА ИЛИНДИ

Япониялик балиқчилар мамлакатнинг шарқий соҳилида балиқ овлаётганларида 15 килограмм оғирликдаги улкан денгиз ўргимчагини тутишди. Бундай ўргимчаклар камдан-кам учрайди. Энг устаси фаранг денгизчилар ҳам шу вақтгача бундай улкан ўргимчакни қўлга туширганларини эслай олмайдилар.

Суратда: денгиз ўргимчаги.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. ЕВЕНКО. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

Иккинчи бет: Н. ИБРОҲИМОВ. Жаҳоннинг биринчи космонавти, Ватанимизнинг шонли фарзанди Юрий Алексеевич Гагарин.

Тўртинчи бет: 1. Бахтли болалик. (Тошкентдаги 115-болалар комбинатида ёш авлод учун ҳамма нарса муҳайё). 2. Ёш балиқчилар. Н. Шарипов фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги баъзи мақолаларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари, шунингдек, «Наука и жизнь», «Вокруг света» журналларининг айрим материалларидан фойдаланилди.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 16.04.84 й. Босишга рухсат этилди 16.05.84 й. Р—13688. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 235210. Буюртма № 3406. Нашр В 114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



Тошкент Политехника институти Муборак филиали кимё факультетининг талабалари М. Нурмамбетова ва Г. Раҳмонова.

Муборак шаҳридаги газни қайта ишлаш заводининг 4-навбати ишга туширилиш арафасида.

Т. Горяева фотолари.

ISSN 0134—2207
Бақоси 35 тийин
Индекс 75233.